


ФЕРУЗА БУРХОНОВА

**АДАБИЙ-ЭСТЕТИК
ҚАРАШ ВА ИЖОДИЙ
ЖАРАЁН**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

БУРХОНОВА ФЕРУЗА АБДУРАЗЗОҚОВНА

**АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШ ВА
ИЖОДИЙ ЖАРАЁН**

**НАЗАР ЭШОНҚУЛ ВА УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИ
МИСОЛИДА**

Монография

**Тошкент
“Innovatsiya-Ziyo”
2020**

УЎК 82.01.821.512.133 (043.3)

КБК 83.3 (Ў5)

Б- 35

Бурхонова Феруза

Адабий-эстетик қараш ва ижодий жараён (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида)/монография/. – Тошкент: «Innovatsiya-Ziyo», 2020, 148 бет.

Монографияда ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида долзарб муаммолардан бири бўлган бадий ижод психологияси, ижодкорнинг адабий-эстетик қарашлари ва ижодий уйғунлик масаласига жиддий эътибор қаратилган.

Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам каби истеъдодли ёзувчиларнинг адабий-эстетик қарашлари ўрганилиб, уларнинг ўз ижодида зуҳур бўлиш жараёни адабий-эстетик тафаккур ва бадий концепция, ижодий лаборатория ҳамда ижод психологияси нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Масъул муҳаррир:

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ – филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:

Сувон МЕЛИ – филология фанлари номзоди
Ислон ЯКУБОВ – филология фанлари доктори

Монография Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий-техник кенгашининг 2020 йил 22 майдаги 5-сонли мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

ISBN

© Бурхонова Ф., 2020.

© “Innovatsiya-Ziyo”, 2020.

*Ушбу китобим боис ҳосил бўладиган савобни
боболарим Муҳаммад Юсуф Абдураҳмонов
ва Абдураҳмон Бурхоновларнинг ёрқин
хотираларига бағишлайман.*

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари ва ижодий уйғунлик, параллелизм, ижод психологияси масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Ижодкор шахсияти, у яшаган муҳит, даврнинг етакчи тамойиллари, улар озиқланган манбалар, адабий-эстетик қарашлар “мен”нинг ижодда намоён бўлиши учун асосий мезон бўлиб, ҳар бир давр бу жараённинг янги-янги қирраларини кашф этаверади. Ёзувчининг ижодий лабораториясига чуқурроқ кириш, асарларини ўз адабий-эстетик қарашлари негизида шаклланган ижодий принциплари фонида таҳлилга тортиш бадиий ижод ва унинг яратилиш жараёни ҳақида илмий-назарий хулосалар бериши билан долзарб ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида XIX асрдан то бугунги кунга қадар яратилган илмий тадқиқотларда бадиий ижод психологияси, ижодкорнинг адабий-эстетик қарашлари ва ижодий уйғунлик масаласига ўзаро алоқадорликдаги ҳодиса сифатида ёндашилади. Адабий-эстетик қарашларни ёзувчининг ижодий позициясини белгиловчи етакчи омил деб қаралади ва ижодкорнинг адабиёт ҳақидаги, бадиий асар ва унинг табиати, ижодий жараён хусусидаги ёндашувларининг мажмуи сифатида эътироф этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, шоир ёки ёзувчининг адабий-эстетик позицияси ва ижод жараёнини ўрганиш бадиий асардаги устувор ғояларни белгилаш имконини беради.

Мустақиллик даври ижодкорлари Назар Эшонқул ҳамда Улуғбек Ҳамдамнинг адабий-эстетик концепцияси ва ижодий уйғунлиги масаласини жаҳон адабиётшунослиги контекстида тадқиқ этиш давр талабига кўра янгича талқин қилиш заруратини туғдиради. Миллий ўзлик, асл инсонийликни англашга бўлган

эхтиёж мазкур адибларнинг ижодий ўзига хослигини адабий-эстетик позиция нуқтаи назаридан ўрганиш, ёзувчи шахси, дунёқараши бадиий асарларида ўз “мен”ининг намоён бўлиш усуллари, янгича поэтик ифода ва рамзий-мажозий образлар талқини асосида ёзувчи концепциясини белгилаш, бадиий ижод психологиясига оид муаммолар бўйича кузатишлар олиб бориш заруратини юзага келтиради. Зеро, «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Шунга кўра, истиқлол даври адабиётшунослигида кузатилаётган янгича ёндашувлар асосида адиблар ижодида ифода этилаётган инсоннинг ботиний оламини миллий ва умумбашарий кадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш, Шарқ ва Ғарб адабиётига хос хусусиятларнинг синтезлашуви ва уларнинг бадиий ижоддаги ифодаси каби масалаларни тафаккурдаги янгиланиш ва ижодий уйғунлик ҳосиласи сифатида тадқиқ этиш ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек адабиётшунослигида ижод психологияси, ижодий лаборатория ҳамда адабий-эстетик қарашлар уйғунлиги масалалари тадқиқи сўнгги даврларга келибгина асосий ўринга кўтарилди. О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, У.Норматов, А.Расулов, Б.Назаров, Ҳ.Умуров, Ҳ.Болтабоев, И.Ҳаққулов, Қ.Қахрамонов, Қ.Йўлдошев, Д.Қурононов, У.Ўлжабоев, Б.Каримов, У.Жўрақулов, И.Ёқубов, А.Улуғов, М.Қўчқорова, Д.Холдоров каби адабиётшуносларнинг илмий изланишларида мазкур масаланинг у ёки бу томонига эътибор қаратилган². Айни пайтда мазкур ижодкорлар асарлари ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.

²Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 112 б; Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 124 б. Қўшжонов. М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 1994. – 136 б; Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – 389 б; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгиллик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б; Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 120 б; Болтабоев Ҳ, Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи (1-жилд) – Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. – 400 б; Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Тошкент: Фан, 2009. – 394 б; Қахрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 184 б; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 287 б; Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. –

тахлилга тортилган тадқиқотлар мавжудлигини таъкидлаш зарур. Жумладан, Назар Эшонкул ижоди ҳақида Х.Дўстмуҳаммедов, Г.Сатторова, М.Рустамова, С.Матякупов, Д.Холдоров, Ф.Раджаповаларнинг монографик тадқиқотлар¹, Улуғбек Ҳамдам ижоди бўйича М.Пирназарова, Г.Авезова кабиларнинг номзодлик диссертацияларида², шунингдек, кўплаб мақола-тақризларда³ таҳлилга тортилган бўлса-да, лекин ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари ва ижодий лабораторияси уйғунлиги муаммоси ўзбек адабиётшунослигида ҳали махсус тадқиқ этилмаган. Ў.Носировнинг “Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи”⁴, А.Қодирининг бадиий ижод ҳақидаги қарашлари жамланган “Ижод машаққати”⁵, Ҳ.Умуровнинг “Бадиий ижод асослари”⁶ каби рисола ва қўлланмаларида акс этган ижодкор шахс, истеъдод, ижодий жараён, ижод психологиясига оид кузатишларни бу борадаги дастлабки изланишлар сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ адабиётшуносликда ёзувчи адабий-

Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 376 б; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2016. – 362 б; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б; Ёқубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – 152 б; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2011. – 232 б; Холдоров Д. Ижод моҳияти – услуб ҳосияти. Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. – 160 б.

¹ Досмуҳамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгилиниши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1995; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси (Ғ.Ҳотам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул ҳикоялари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2002; Рустамова М. Истиклол даври ўзбек қиссаларининг таракқиёт тенденциялари: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005; Матякупов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2006; Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шоим Бўтаев, Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Фалсафа д-ри (PhD)... дисс... – Тошкент, 2017; Раджапова Ф. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Фалсафа д-ри (PhD) ... дисс... автореф. – Тошкент, 2018.

² Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2006; Авезова Г. Роман композициясининг бадиий яхлитликда тутган ўрни (Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012.

³ О.Шарафиддинов. “Мувозанат” - том маънода анъанавий услубда ёзилган асар // <https://ulugbekham.uz/>; Қўшжонов М. Шиддат билан ёзилган роман / Ҳамдам У. Мувозанат. – Тошкент: Минҳож, 2004. – Б. 3-5; Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 28-31; Қуროнов Д. Сўнгсўз ўрнида / Ҳамдам У. Мувозанат. – Тошкент: Минҳож, 2004. – Б. 198-199; Каримов Б. Улуғбекнинг дил изҳори / Ҳамдам У. Узоқдаги Дилнур. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 3-9; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 156-169; Сыздыкбаев Н. Мифопоэтика Улуғбека Ҳамдама: Бунт и Смирение // <https://ulugbekham.uz/>; Комилова С., Панченко К. Божественный полет и тупики души// <https://ulugbekham.uz/>; Жўраев К. Ёзувчи исёни ва итоати// <https://ulugbekham.uz/>; Раҳимжон Р. Адабиётдан чиқиш. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 128 б; Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 206-215.

⁴ Носиров У. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – 110 б.

⁵ Қодирий А. Ижод машаққати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 16 б.

⁶ Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 120 б.

эстетик қарашларининг ижодига татбиқи, ўз асарларида намоён бўлиш усуллари масаласи Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам ижоди асосида алоҳида монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Ушбу монографияда Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам каби истеъдодли ёзувчиларнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганиш ва ўз ижодида зухур бўлиши ҳодисасини адабий-эстетик тафаккур ва бадий концепция, ижодий лаборатория ҳамда ижод психологияси нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Китобда Н.Эшонқулнинг адабий-эстетик қарашлари ифода этилган “Мендан “мен”гача” ва У.Ҳамдамнинг “Бадий тафаккур тадрижи”, “Рухни уйғотувчи сўз” каби мақолалар тўплами ҳамда бадий асарлари таҳлилга тортилди. Таҳлил жараёнида асосий эътиборни адибларнинг адабий-эстетик қарашлари билан ижоди ўртасидаги уйғунлик масаласи эстетик позиция, туйғу ва тафаккур муштараклиги ҳамда поэтик талқинни шакллантирувчи ижодий категория сифатида қаралди.

Монография адабиётшунослар, тадқиқотчилар ва адабиёт илмига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Табиийки, китобдаги кузатишларда айрим маромига етмаган ўринлар, камчиликлар бўлиши мумкин. Бу ҳақда фикр ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

1606. ИЖОД ЖАРАЁНИДА МУАЛЛИФ ШАХСИЯТИ ВА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ ПАРАЛЛЕЛИЗМИ

1.1. Ижодкор шахс ва эстетик позиция параллелизми

Адабиётшунослик, фалсафа, эстетика илмига доир тадқиқотларда олам ва одамни англашга бўлган интилиш туйғуси инсонни ижодкорликка ундовчи етакчи омил сифатида кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам олам ва одамни англашга бўлган эҳтиёж, интилишлар уни идрок этиш, тушуниш, тушунтириш заруратини туғдиради. Мана шундай фикр-қарашлар, туйғуларнинг қай шакл ва тарзда талқин этилишига қараб, бадиий ижод намуналарига муайян ном берамиз. Уларни ё илмий ё фалсафий ёки бадиий асар дея баҳолаймиз. Бу жараён одатда ижод, унинг марказида турадиган шахс эса ижодкор деб аталади. Жаҳон адабий-эстетик тафаккури тажрибаси шуни кўрсатадики, фалсафий, илмий, хусусан, бадиий маҳсулот (асар)нинг таъсир доираси, ижтимоий ва эстетик нуқтаи назардан фойдалилиги, Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “туйғуларни кўзғатиш”дек муҳим функциясининг асос-манбаида айнан мана шу икки нарса – ижодкор шахси ва ижодий жараёндаги эстетик позиция муҳим ўрин тутди.

Табиий савол туғилади: хўш, ижодкор ким ўзи? Уни бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида хусусиятлар борми? Бор бўлса, у нималарда намоён бўлади? Шу каби қатор саволларга жавоб топмай туриб бадиий ижод табиатини англаш, моҳиятини очиш мушкул.

Бадиий ижод жараёнининг ўзагида турувчи шахс феномени кенг қамровли тушунча. Уни фалсафа, социология, психология соҳаларининг ҳар бири ўзича тушунтиради. Шахснинг таъриф-у тавсифини беришда хусусий муаммолари, ўлчов ва критерийларидан келиб чиқади. Масалан, фалсафага оид манбаларда шахснинг асосий хусусиятлари куйидагича таърифланади: “Шахс – алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади...”

Шахс феномени инсон оламининг бутун мураккабликларини ўзида мужассам этади. Уни ҳар томонлама

ўрганиш мақсадида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, Шарқда у юксак ахлоқий-маънавий меъёрлар орқали тушунилган ва олий хилқат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон шахс сифатида комилликка интилади, ҳаёт мазмунини бойитади, шу асосда кишилик жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади”¹.

Дарҳақиқат, шахс фалсафаси Шарқ ва Ғарб мутафаккирларини бирдек қизиқтириб келган. Улар ижтимоий ҳаёт босқичлари, бурилиш нуқталари, ўзгаришларини изчил кузатиб, жамиятни йўналтирувчи етакчи куч шахс экани ҳақидаги хулосага келганлар. Шахс тушунчаси Шарқ тасаввуф фалсафасидаги комил инсон тушунчаси билан монанд келади. Шахснинг ижтимоий, маънавий, ахлоқий қадриятларнинг аввало ўзида, сўнгра бутун жамиятда жорий бўлишига интилиши комил инсон концепциясининг асоси ҳисобланади. Шарқда шахснинг фақат ижтимоий-сиёсий мезонларга кўра мукамал бўлиши комиллик белгиси сифатида қаралмаган. Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Бобурлар ижодида бу мазмундаги асарлар, образлар талқинига дуч келиш мумкин.

Ғарб фалсафасида эса шахснинг шаклланиши ва такомил кўпроқ ижтимоий муҳитга боғлиқ деб ҳисобланади. Қадимги юнон файласуфи Демокритнинг фикрича: “Ҳақиқий ва кўп қиррали донолик ҳақиқий бахтга элтади. Донолик учта ҳосил келтиради. Улар яхши фикрлаш, яхши сўзлаш, яхши ҳаракат қилишдир. Биринчиси рухий тетикликни таъминлайди. Яхши фикрлаш, демак нарсалар ҳақида тўғри ҳукм чиқаришдир. Иккинчиси самимийлик, ҳаққонийликдан иборат “Сўз ишнинг ғоясидир”. Учинчиси донишмандлик бўлиб, у амалий эзгуликни ҳосил қилади”².

Платон учун шахсдаги энг олий фазилат бу – оқиллик деб қаралган. “Олий фазилат оқиллик, жоннинг оқил қисми намоён бўлишидир. Бу донишманд-файласуфларга хос фазилатдир. Улар давлатнинг бирдан-бир ҳақиқий ҳукмронларидир”³. Манбаларда

¹ Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. –Б.299.

² Йўлдошев С. ва бошқалар. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 40.

³Йўлдошев С. ва бошқалар. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 66.

айтилишича, Платон “файласуф” термини остида ижодкорлик қобилиятига эга шахсларни тушунган. Давлат ва жамият тафаккури, ҳиссиёти ва ижтимоий-маънавий ҳаётини шулар бошқаргандагина фаровон турмуш жорий бўлади деб ҳисоблаган.

Платон “ўзининг сўнгги асари “Қонунлар”да давлат тўғрисида фикр юритиб, маънавий тарбияга катта эътибор қаратади ва қонунчиликни ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида гапиради. *Файласуф бу асарида маънавий сифатларни (фазилатларни) туғма деб таъкидлайди. Тарбия фақат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Борди-ю тарбия нотўғри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки ўчиши мумкин*” (таъкид бизники. – Ф.Б.)¹. Платоннинг бундай фикрлари Навоийнинг: “Кучук билан хўтикни қилма қанча тарбият, Ит бўлур, бўлур эшак, бўлмас асло одами...” деган машҳур байти мазмунига монанд келади.

Бу икки мутафаккир фикрлари бир нуқтада аниқ туташади. Яъни уларнинг хулосаларига кўра, истеъдод илоҳий бўлади. У Оллоҳ томонидан маълум кишиларгагина берилади. Демак, ижодкор шахси ҳақида сўз юритилганда мана шу жиҳатни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Психология илмида ҳам ижодкор шахс масаласи изчил ўрганилган.

Ижодий жараён ва ижод психологияси жаҳон ва рус психолог-олимлари томонидан уч йўналишда ўрганиб келинади. Буларнинг бири ижодий жараённи ҳаёт воқелиги, нарса ва ҳодисаларни эстетик қабул қилишда мантиқ, тажриба, шунингдек, уларга нисбатан ассоциатив ижодий муносабатни биринчи планга қўяди. Бу билан ижодий жараённи бадиий тасаввурга эга инсоннинг рационал ҳаракатлари, фаолияти билан боғлиқ деган қарашни илгари суради. Эстетик қабул қилиш ва бадиий акс эттиришни мана шундай рационал жараёнларнинг бир бутун комплекси сифатида тушунтиради. Психолог олим Л.С.Выготскийнинг ёзишича: “Дарахт расмини ишлаётган рассом уни бутунлигича чизмайди. Чунки ҳар бир япрокни алоҳида-алоҳида чизиши ҳам мумкин эмас. Умумлаштириб беради – бир

¹Шу асар. – Б. 67.

нечта алоҳида япроқ ҳақидаги тасаввурларини бир жойга жамлайди. Ёзувчи ҳам худди шундай, ўзига керак бўлган воқеалар чизигини танлаб олади. Ижодий куч билан ҳаёт материални қайта ишлайди, қайта қуради”¹.

Рус психолог-тадқиқотчиси В.Самохиннинг таъкидлашига қараганда реал воқеалар тизимидан эстетик шаклларни ижодий қабул қилишнинг бутун бошли тизим бўлиши бу жараёндаги динамика ва “ижодий фаоллик” билан боғлиқ. Америкалик психолог Р.Арнхейм немис гештальт-психология мактаби вакиллари фикрларини ушбу муаммо доирасида умумлаштирган олим шундай хулосани ўртага ташлайди: “Ижодий жараённинг эстетик шаклланишига доир масалалар ҳақида сўз юритиб, Арнхейм шуни алоҳида таъкидлайдики, айна шаклларнинг юзага келиши бевосита қабул қилиш жараёни билан боғлиқ. Бунда эстетик шаклларни қабул қилиш шунчаки кузатув эмас, балки фаол динамик жараён сифатида материал (ўлчами, кўриниши, ранги) ва инсон миёсида содир бўлаётган психофизиологик жараёнлар, шу икки куч ўртасидаги фаол муносабатлардан келиб чиқади”². Дарҳақиқат, реал ҳаёт воқелиги, нарса ва ҳодисалар билан инсон онг-шуури ўртасидаги муносабат, уни эстетик қабул қилишга интилиш ҳар бир инсонга хос. Ижодга алоқаси бўлмаган ҳар қандай оддий инсон ҳам уларга нисбатан эстетик муносабатда бўлиши, завқланиши, кулиши, йиғлаши, ёқлаши, рад этиши, яхши ёки ёмон кўриши мумкин. Психолог-олимнинг юқоридаги хулосалари шу томондан муҳимки, ижодкор шахснинг бу жараёндаги муносабати фавқулодда шиддат билан ривожланиб боради. Натижада, ҳамма қатори эстетик муносабат ижодий-эстетик муносабатга айланади. Реал воқеликдаги нарса-ҳодисалар муайян ижодий ғоя билан бирикиб, ижодкор онгида эстетик шакллар тизимини ҳосил қилади. Натижада, санъат асари майдонга келади.

Масаланинг иккинчи йўналишдаги талқини ижодий жараённи ғайришуурий, онг ости психоаналитик жараёнлар билан боғлашда намоён бўлади. Сўнгги пайтларда ўзбек адабиётшунослари психоанализ илмининг асосчиси З.Фрейд

¹ Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Просвещение, 1968. – С. 206.

² Психологические аспекты художественного творчества в эстетике Р.Арнхейма / В книге: Проблемы художественного творчества. Критический анализ. М.: Наука, 1975. – С. 175.

таълимотини чуқур ўрганиб, бадиий ижодни ёзувчининг онги остида кечадиган ғайришуурий ҳолатлар билан боғлаб талқин эта бошладилар. Жумладан, адабиётшунос У.Жўракулов “Психоанализ ва бадиий ижод” номли тадқиқотида бу ҳақда шундай фикрларни билдиради: “Психоанализ адабиёт ёки адабий асар субъекти дейилганда икки ҳолатни диққат марказида тутиш лозим. Биринчи ҳолатда адабий асар муаллифи ижодий жараёни (илҳом онлари)даги мураккаб онг ости оқимини ўзида муҳрлаган восита ўлароқ намоён бўлади. Бунда муаллиф ҳам, асар воқелиги ҳам шу ҳолат ҳукми, бошқаруви остида ҳаракат қилади. Айни ҳолатнинг бадиий асар учун универсал моҳият касб этиш-этмаслиги икки нарса билан боғлиқ: а) муаллифдаги ҳақиқий ижод жараёнининг давомийлиги, истеъдод даражаси; б) асарнинг замон нуқтаи назаридан майдонга келиш кўлами, унинг қайси адабий тур ёки жанрда ёзилганлиги”¹.

Кўринадики, олим талқинича З.Фрейд таълимотининг асосида ижод психологиясига таяниш ётади. У ижодий кайфият ва ижодкорнинг мураккаб ҳолатини ноёб, ҳар қандай одамда учрамайдиган ҳодиса деб ҳисоблайди. Неофрейдчиларнинг пешқадам вакили К.Юнг Фрейд таълимотини янги талқинлар билан бойитади. З.Фрейддан фарқли равишда “...инсон онги ва онгсизликка мансуб бўлган масалаларни фалсафа тарихи, шеърят, диний, маданий ёдгорликлар ёрдамида кўриб чиқди, уларни янги талқин қилишга ҳаракат қилди”². Бу хатти-ҳаракатлар ижод фаолиятига хос нозик нуқталарни таҳлил қилишда Шарқ фалсафасига ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, Шарқ дунёси ижодни илоҳий мўъжиза деб тушунади ва тушунтиради. Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобораҳим Машраб каби мумтоз шоирларимиз ижодида бу фикрлар рамз-мажозларга ўраб тасвирланган. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Хамса”сидаги сўнгги дoston “Садди Искандарий”да воқеий туш тасвирини беради. Тушида устозлари Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий руҳлари уни олқишлаб, оқ фотиҳа берганларини ёзади. “Бобурнома”да берилган бир нечта илоҳий туш тасвири, Машраб

¹Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 64.

²Ғарб фалсафаси. (Тузувчи Қ. Назаров) – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 664.

шеъриятидаги заминдан узилиш ҳолатлари фикримизга яққол далилдир.

Собиқ шўролар давридаги қарашларни истисно қилганда ижод аҳли доимо адабий ҳодисалар ва илҳом жараёнларини илоҳиёт билан боғлаб келганлар. Бу хусусиятлар айнан шунинг учун бўлса керак, Абдулла Қодирий романлари, Чўлпон шеъриятида яққол сезилиб туради.

Тадқиқот объектдан бири бўлган ёзувчи Н.Эшонқул билан бўлган суҳбатларимиздан бирида: *“Асар ёзишга ундайдиган, уни ҳаётий эҳтиёжингизга айлантирадиган куч нимада деб ўйлайсиз?”* деган саволимизга шундай жавоб бердилар:

“ - Ижод илоҳиятни, олам ва одам уйғунлигини, яхлитлигини англаш ва унга интилишдан туғилади. Бу англаш гоҳида оғрик, гоҳида шайдолик, гоҳида тақлид, интилиш, соғиниш, қўмсаш шаклида намоён бўлади. Қай шаклда намоён бўлмасин, чинакам санъат асари, чинакам ижод намунаси инсонни Яратганга – олам ва одам яхлитлигига, одам ва олам бирлашган ва кейин ажрашган нуқтага бошлаб бораверади. Ижод йўли – Яратганни ҳис этиш ва унга интилиш, унинг йўлига маёқ ёқиш йўлидир. Ижод илоҳиятни ботинан ҳис қилиш ва ўзи ҳис қилганларни бошқаларга ҳам айтиш эҳтиёжи...

Илҳом онларисиз, зўраки ёзилган нарсалар одатда сунъий ва сохта чиқади, Қодирий бобо айтгандек, “олов” сезилмайди. Асарга ички учқунни ижодкорга Худо беради деб ўйлайман. Агар ўша илоҳий “олов” бўлмаса, асар адабий асарга айлана олмайди...”¹

Демак, ижодкор шахси ва ижод жараёни сингари ҳодисаларни жўнгина тушуниш ва тушунтириш мумкин эмас. Бу ҳодисага одатдаги реалистик қарашлардан ўзгачароқ ёндашиш лозим.

Психолог олим А.Асмоилов “Шахс психологияси” китобида шахснинг ўзлигини намоён этувчи бир қанча характери хусусиятлар мавжудлигини таъкидлайди. Булардан биринчиси, шахснинг кўп қиррали феномен сифатида намоён бўлишидир. Олим бунга асос қилиб борлиқни англаш, ўз ўзини бошқариш ва бошқа бир қатор психологик жиҳатларни кўрсатади. Олим

¹ Ма’рифат .2018- йил 14-ноябр, № 91 (9156). Б.11.

эйтибор қаратган яна бир жиҳат шахснинг индивидуал хусусиятларидир. Яъни шахснинг атрофини ўраб турган муҳит билан муносабатларида фаолиятнинг мотив сифатида пайдо бўлиши, жамиятдаги ижтимоий роли, жисмоний ҳолати, идеали, миллий ўзига хослиги, дунёқараши, маънавий олами, ўзини англаш ва баҳолашга бўлган салоҳияти, ижодкорлик фаолияти, интеллект сифатида намоён бўлиши, индивидуаллиги, баҳолашдаги ижобийлик ва салбийлик тушунчаларининг яхлит “мен” сифатида намоён бўлиши шахс тушунчасининг муҳим белгилари ҳисобланади¹.

Психолог олимлар П.И. Иванов ва М.Е. Зуфароваларнинг “Умумий психология” китобида шахс тушунчаси куйидагича таърифланади: “Шахс деб аниқ бир кишини айтамыз. Ҳар бир киши жамият аъзоси бўлиб, тарихан таркиб топган муайян ижтимоий муносабатлар шароитида яшайди ва ишлайди.

Одамнинг шахс сифатидаги асосий белгиси унинг ижтимоийлиги, шу билан бирга психик ҳаётнинг юксак шакли бўлган онгли ва кишиларнинг ўзаро мулоқат қилиш восита бўлган тилдир. Инсоннинг кундалик ҳаётида ўзаро муносабатлар муҳимдир. Одам онгининг юксак белгиси – унинг ўзини англашидир, одамнинг ўзини англаши ҳам шахснинг муҳим белгисидир”². Муаллифлар бу ўринда шахснинг ўзини англаши деганда, асосан, унинг ижтимоий фаолиятини, шунингдек, айрим руҳий жараёнларини ҳамда “мен”лигини намоён қилувчи баъзи томонларга эйтибор қаратади. Бунда унинг касб-корига, дунёқараши ва жамиятда тутган ўрнига қараб ўзини бошқаришига урғу қаратилади³.

Дарҳақиқат, ижодкор ҳам ҳамма қатори бир одам. Унинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, ўзгалар билан мулоқот-муносабатлари бошқаларникидан фарқ қилмайди. Улар ижод жараёнида, сўз билан ишлаётган паллаларда оддий одамларга ўхшамайдилар. Шу маънода, ёзувчи ижодий фаолияти, уни ижодга ундайдиган омиллар, фаолиятининг қирралари каби масалалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Бу ҳақда қаранг :Асмоилов А. Психология личност: Учебник. – М.: Изд-во МГУ, 1990. – С. 8-11.

² Бу ҳақда қаранг: Иванов П. И, Зуфарова М.Е. Умумий психология, дарслик. – Тошкент: O‘zbekiston faulasuflari milliy jamiyati, 2013. – Б.65-66.

³ Ўша манба.Б. 65-67.

Машҳур поляк ёзувчиси, танқидчи Ян Парондовский ўзининг “Сўз кимёси” номли асарида ёзувчилик фаолиятининг бир-биридан фарқланувчи икки қиррасини кўрсатади. “Бирор ғоядан илҳом оладиган ёзувчи билан ёзувчилик инстинктининг ундови билан ижод қиладиган ёзувчи ўртасида тафовут бор. Ғоядан илҳом оладиган ёзувчи бир неча хил фаолият қуроллари орасидан қаламни танлаб олади ва борди-ю, қаламни танлаш унинг учун бирдан-бир ягона имконият бўлган бўлса, олдига қўйган вазифасини адо этиши биланоқ қаламни бир чеккага йиғиштириб қўяди. Иккинчи тоифа ёзувчи учун эса ҳаётдан кўз юмгандан кейингина ижод тамом бўлади. Петрарка айтганидек: “Scribendi vivendique mihi unus finis erit” (“Мен яшашдан тўхтасамгина ёзишни бас қиламан”).¹

Ян Парондовскийнинг фикрига қўшилиш мумкин. Тайёр ғояларга асосланиб яратилган асарда ижодкорнинг акли, тафаккури етакчилик қилади. Ёзувчи асарини тайёр ғояга мослаштиради, бунда илҳом, интуитив кашфлардан кўра ижодкорнинг фикрлаш тарзи устунлик қилади. Бу хилдаги асарларни ёзишда ҳам истеъдод зарур, бироқ бунда истеъдод тафаккурга бўйсундирилади. Ёзувчи эътироф этган иккинчи йўналиш, яъни ички “овоз” - интуиция ундови билан, туйғулар, кечинмалар фонида яратилган асарлар умрбоқийликка дахлдор асарлар ҳисобланади.

Итальян адабиётшуноси Умберто Эко ўзининг “Жойс поэтикаси” асарида адиб ижоди ва эстетик концепцияларини унинг биографияси билан боғлаб тадқиқ этади. Тадқиқотда Ж.Жойснинг ўсмирлик пайтларидаёқ Фома Аквинский фалсафий дунёқарашига руҳан яқинлашуви, 16 ёшида Ибсен ижодидаги санъат ва ахлоқ муштараклигини англагани, Жордано Бруно ижодидаги чуқур драматизмдан руҳий қийноқлар ва санъатнинг ҳаётни ўзгартирувчи куч эканини ҳис этгани айтилади. Ёзувчи ҳаётни эстетик идеал билан символик бутунликда тасвирлаш маҳоратининг шу тарзда шаклланишига урғу беради². Бундан маълум бўладики, Жойс ижодининг асосида ижод

¹ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Шарафиддинов О. таржималари) . – Тошкент: Маънавият. 2010, – Б. 242

² Бу ҳақда қаранг: Умберто Э. Поэтика Джойса. (Перевод с италянского и прочих Андрея Коволя) – Санкт-Петербург Симпозиум, 2006. – Стр. 14-15

психологиясига хос мураккаб жараёнлар қаторида биографик омиллар, шахсий дид ва билим ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Шоир Абдулла Шер санъаткор шахсини ўзига хос алоҳида руҳий тип сифатида қайд этиб, у ижод қилаётган пайтда қандайдир норационал, ақл воситасида тушуниб бўлмайдиган ҳолатга, ўзини ўзи эмас, бошқа нимадир бошқарадиган жараёнга киритади, ўзини замон ва маконнинг ҳукмдоридек ҳис этади, деб баҳолайди. Бу ҳолатни зикрга берилган дарвешнинг “ҳол” мақомигагина ўхшатиш мумкин дер экан, илҳом ва ижодий жараённинг илоҳиётга дахлдорлигини эътироф этади¹.

Бизнингча, адабий шахсият ва унинг ижодга бўлган муносабати худди ошиқнинг муҳаббатга бўлган муносабатига ўхшайди. Ошиқ дунёдаги барча воқеа-ҳодисалар, анъана ва фавкулудда ҳолатларни муҳаббат мезони билан ўлчаганидек, ҳақиқий ижодкор ҳам ҳамма нарсага ижод манбаи сифатида қарасагина ҳақиқий ижодкор шахсиятини ўзида намоён этади. А.Веселовскийнинг қуйидаги фикрлари буни тўла тасдиқлайди: “Бадиийлик доирасида интим туйғулар ва кайфиятларни тасвир этиш жараёни инсон индивидуаллиги, шахс ибтидосига жиддий диққат қаратиш лозимлигини кўрсатди. Бу оламда индивидуал туйғу севги-муҳаббат, хатто ўта индивидуал туйғу ҳам шудир”².

Тарихий фактларга қараганда, шахс тушунчасининг шаклланиши маълум одамлар эмас, бутун бошли даврлар эврилишига олиб келиши мумкин. Эрк ва озодликка интилиш орзуси дастлаб шахс кўнглида, сўнг эса унинг фаолияти ва ижодида, бундан ўтиб жамият ҳаётида намоён бўлади. Олим Н.Конраднинг ёзишича: “Гуманизм, бизнинг тахминларимизга кўра, уйғониш даврининг илк муждаларидан дарак беради. Ренессанс гуманизми асосини инсоннинг ўз шахсияти қимматига ишончи ташкил этди”³.

Демак, фикр эркин ҳаётга, эркин бўлган ички эҳтиёж шахс феноменининг майдонга келишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай қарашлар таъсирида ёзилган шеърлар, қисса ва

¹ Бу ҳақда қаранг : Шер А. Эстетика. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. –Б. 305

² Веселовский А. Избр. Произведения. – М.: Наука, 1939. – С. 70.

³ История итальянской литературы. Т. 1. – М.: Прогресс, 1963. – С. 34.

романлар шахс концепциясини ифодаловчи образларга бой бўлади. Натижада ягона шахс онгида туғилган эрк ва озодлик, мустақил инсон ғояси ижтимоийлашади. Даврлар, авлодлар фикрига таъсир қилиб, ижтимоий турмуш ривожини таъминлайди.

Шу жумладан, кейинги давр ўзбек адабиётшунослигида ҳам ижодкор шахси талқинига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳол, айниқса, ёзувчи ижодини биографик ёндашув асосида тадқиқ этувчи илмий изланишларда кўпроқ кузатилади. А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат каби жаҳид адабиёти намояндалари ижодига оид биографик талқинларда, шунингдек, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул, У.Ҳамдам, А.Йўлдошев каби воқеликни янгича идрок этишга ҳаракат қилаётган замонавий ижодкорлар асарлари талқинида шахс масаласи олдинги планни эгаллаётганига гувоҳ бўламиз. О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Қ.Йўлдошев, Қ.Қахрамонов, Д.Қуронов, А.Улуғов, Б.Каримов, У.Жўрақулов, И.Ёқубов, У.Ҳамдамов каби олимларнинг тадқиқотларида бадиий асарни ёзувчи шахсияти билан боғлаб талқин қилишга катта эътибор қаратилган. Айнан шу ҳолатлар ижодкорнинг ижодий лабораториясига кириш, унинг ижод жараёнидаги руҳий ҳолатини, ижод психологиясини белгилаш имкониятини беради. Хусусан, Б.Каримов бадиий ижод моҳиятини, ижодкор психологиясини, бадиий асар илдизларини очишда биографик методнинг ўрни катта эканини, ҳар қандай ёзувчи асарларида, энг аввало ўз қалбини, маънавий дунёсини акс эттиришини алоҳида қайд этади¹.

Ҳақиқатан ҳам, бадиий асар мутолааси жараёнида унинг сатрлари қаътида биз ижодкор нигоҳи, қалб кечинмалари, фикр дунёси, воқеликка эстетик муносабатини, бир сўз билан айтганда, ижодкор “мен”ини англаймиз. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад таъкидлаганидек: “Ҳар қандай бадиий тафаккур ижодкор яратган образда моддийлашади, яъни конкретлашади. Бадиий образ ёзувчи бадиий тафаккурининг муайян давридаги шакл-шамойили”дир².

¹ Каримов Б. Руҳият алифбоси.– Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 166-174.

² Досмухамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс.– Тошкент: - 1995. – Б.20.

Демак, бадий асар талкинида, ижод жараёнининг илмий-назарий асосларини белгилашда ёзувчи шахсияти, унинг адабий-эстетик қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ижодкорнинг бадий ижод, ижод жараёни ҳақида ўзининг муайян кузатишлари-ю хулосалари мавжуд. Уларнинг баъзилари фаолиятида бадий ва илмий-танқидий ижод параллеллиги кузатилади. Европа адабиётидаги аксарият ёзувчилар, рус адабиётидан Л.Толстой, Ф.Достоевский, И.Тургенев, Н.Добролюбов, Н.Чернишевский, М.Булгаков, М.Шолохов, ўзбек адабиётидан А.Фитрат, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Мухтор, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Х.Дўстмуҳаммад ижодий фаолиятида бу жиҳат яққол кўринади. Нисбатан ёш, янги авлод вакиллари орасида Н.Эшонкул ва У.Ҳамдам ижодида бундай анъаналар изчил давом эттирилмоқда.

Умуман, ижод бор жойда ижодкорнинг адабиёт, бадий ижод ҳақидаги ўз ижодий тажрибаларидан чиқарилган хулосалари бўлади. Бу хулосалар унинг адабий-эстетик қарашларини белгилаш ижодий принципларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳар бир давр ижод қилган ижодкорларининг адабий-эстетик қарашлари ўша давр адабий-бадий тафаккурини белгилашда етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

Айни масалаларнинг қисқача тарихига назар ташлайдиган бўлсак, таниқли адабиётшунос олимлар Ҳ. Болтабоев ва М. Маҳмудовлар томонидан тайёрланиб, чоп этилган “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китобини ёдга олиш зарур бўлади. Ушбу тадқиқотда энг қадимги, ўрта асрлар, уйғониш даври (IV-XVI) Ғарб ва Шарқ адабий-эстетик қарашларидаги (хусусан қадимги Миср, Бобил, Исроил, Хитой, ҳинд, юнон, рим ва Марказий Осиё, Эрон) етакчи йўналишлар, ҳар бир давр адабий-эстетик тафаккурнинг бадий ижодга таъсири масалалари ўрганилиб, асосий йўналишлари кўрсатилган.¹

Бундай ҳолатнинг майдонга келиши тасодиф эмас. Масалан, XX аср ва XXI асрнинг дастлабки чораги жаҳон адабий-эстетик тафаккурида янги бир босқич сифатида тарихга муҳрланди.

¹ Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. (1-жилд: Қадимги давр) – Тошкент: Mumtoz so'z, 2013; 400 б; Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 2-жилд: Ўрта асрлар. Уйғониш даври (IV-XVI)

Жаҳонда икки бир-бирига қарама-қарши бўлган жамиятнинг пайдо бўлиши, икки марта жаҳон урушини бошдан кечириш, илм-фан, техниканинг мислсиз тараққиёти, катта сакрашларни бошдан кечирган ривожланиш, таназзуллар ҳар хил пўртаналарни вужудга келтирди. Бундай ўзгаришлар силсиласи инсон онгу тафаккурида, руҳиятида, маънавий оламида ўзгаришлар, янгиланишлар, эврилишлар, инқирозлар бўлишига йўл очди. Натижада, яратилаётган бадиий асарларда ҳам хилма-хил йўналиш ва оқимлар вужудга кела бошлади. Улар ўз моҳият эътибори билан турли хил ғоявий мотивларни ифодалашга хизмат қилди.

Мустақиллик йилларига келиб, шўро мафкурасига асосланган ижодий методдан воз кечилиб, муайян назарий қарашлар инкор этилгач, адабиётимиз ва адабий тафаккуримиз жаҳонга қараб эврилди. Натижада ҳам адабиётшунослик илмида, ҳам адабий-эстетик тафаккурда янгиланишлар рўй берди.

1.2. Бадиий ижод жараёнида тафаккур ва туйғунинг ўрни

Қадимги даврлардан ҳозирга қадар бадиий ижод жараёни ва унда ижодкор диди, эстетик қарашларининг аҳамияти ҳақида кўплаб фикрлар баён этилган. Бундай талқин-у тавсифларнинг барчасида умумий ҳолатда ижодкорнинг адабий-илмий концепцияси ўз аксини топади. Эстетик концепциянинг мавжудлиги ижод намунасининг қандай бадиий савияда юзага келиши, адабий-тарихий жараёндаги ўрни ва таъсир кучини белгилайди.

Юнон файласуфи Арасту “Поэтика” асарида ижод ва ижодкорлик тушунчасига тўхталар экан, ижодкор воқеликни қандай бўлса шундай тасвирламайди, деган қарашларга муносабат билдириб, “...шунини айтиш мумкинки, шоир ҳаётда қандай бўлиш кераклигини (ҳам) тасвирлайди: Софоклнинг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса шундай тасвирлаган, Эврипед эса қандай бўлса ўшандай тасвирлаган”¹. Кўриниб турибдики, Арастунинг фикрича, бадиий асарда ҳаёт воқелигини қандай бўлса шундайлигича тасвирлаш ҳам мумкин.

¹Арасту. Ахлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 65

Айни пайтда, ижодкорнинг идеалига мос равишда қандай бўлиши мумкинлигини тасвирлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қарашлардан келиб чиқиб аллома санъат асаридаги воқелик ижодкорнинг эстетик диди, ҳаётӣ позицияси туфайли ҳаётдагига нисбатан таъсирчан ва гўзалроқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

“Умуман олганда, – деб ёзади файласуф, – поэзиядаги мумкин бўлмайдиган нарсани “ҳаётдагидан яхшироқ” деган маънода ёки “ҳаёт ҳақида одамлар шундай ўйлашади”, деган маънода тушуниш керак. Чунки поэзияда мумкин бўладиган нарсани одам ишонмайдиган қилиб тасвирлашдан кўра, мумкин бўлмайдиган нарсани ишонарли қилиб тасвирлаш яхшироқдир”¹. Демак, бу ўринда ҳам ижодкорнинг адабий- эстетик қарашлари олам ва одамга муносабати, ижтимоӣ дунёқараши ва зехндан келиб чиқишига урғу берилмоқда.

Бадиӣ ижод жараёни нафақат Ғарб мутафаккирларини, балки Шарқ алломаларини ҳам азал-азалдан қизиқтириб келган. Жумладан, Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Хожиб каби алломаларнинг қарашларида мазкур тушунча талқини у ёки бу тарзда ўз ифодасини топганини кўришимиз мумкин.

Юсуф Хос Хожиб ижод аҳли, хусусан шоирлар ҳақида тўхталиб:

Basa keldi ša'ir bu söz tergüci, kišig öggüçilär yemä yergüçi/ (“Яна шоирлар келдилар, булар сўз тергувчилардир, кишини мақтовчи ҳамда сўкувчилардир”) (ҚБН, 4288 байт, 657 бет). Шоирлар, яъни, ижод аҳли сўзни муқаддас санаб, сўз воситасида кишини улуғлаб ёхуд қоралашлари, шу орқали эзгулик ва ёвузликка ўз муносабатини билдириб, бадиӣ талқин этишлари табиӣдир. Шоир асарда “*Qılıçdan yetigräk bularnıñ tili // Yana qılđa yinçkä bu xatir yoli*” (“Уларнинг тиллари қиличдан ҳам ўткирроқдир, хотир йўллари эса қилдан ҳам нозикдир”²) (ҚБН, 4289 байт, 657 бет), дея уларнинг тиллари, яъни ижоди қиличдан ўткирроқ, бадиӣ диди, кўнгли эса қилдан-да нозик эканини таърифлайди. Мутафаккир фикрича, бадиӣ асарнинг таъсир

¹ Уша манба. – Б. 67

² Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг (Транскрипсия ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилувчи Қаюм Каримов). – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 657.

кучи тигдан ўткир, унинг яратувчилари эса юксак бадиий дид, мустақил фикрловчи, нозик қалб соҳибларидир.

Бундай фикрлар Шарқ ва Ғарб мумтоз адабиёти, уйғониш даври ва янги адабиёт намуналари билан параллел равишда ривожланиб такомиллашиб борганини алоҳида таъкидлаш лозим. Гомер, Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин, Толстой, Достоевский каби Ғарб, Фирдавсий, Рудакий, Румий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Яссавий, Навоий, Бобур каби Шарқ алломалари ижодидан бу масалага доир ноёб фикрларни топиш мумкин.

Замонавий адабиёт ва адабиётшунослик, бошқа гуманитар соҳаларда ҳам ижод тушунчаси диққат марказида туради. Файласуфлар, психологлар, социологлар, санъатшунослар, адабиётшунослар, нафосатшуносларнинг илмий-ижодий изланишларида мазкур масала у ёки бу жиҳатига кўра ўрганилиб келади. “Ижод – инсоннинг янгилик яратишга қаратилган конструктив фаолияти. Замонавий фалсафада ижод талқинига икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, улардан биринчисида ижод жараёнида интеллект феноменига алоҳида аҳамият берилса, иккинчи ёндашувда шахснинг эркинлиги асосида ётадиган экзистенциалликка урғу берилади.”¹

Фалсафа ва эстетикага оид дарслик ва қўлланмаларда ижод иккига – илмий ва бадиий ижодга бўлиниб таснифланади².

Илмий ижод – билиш шакллари уйғунлигида янги, бетакрор назарий ва технологик кадриятларни яратишга қаратилган бўлса, бадиий ижод табиий ва инсон ҳаётидаги лаҳза, манзаралар, туйғуларни нозик идрок қилувчи, ҳиссиётли кишиларга хос экани, унда воқеа ва ҳодисалар образлар, тимсоллар орқали ифодаланиши қайд этилади³. Албатта, илм ҳақида, илмий ижод методологияси ҳақида турли соҳа вакилларининг жуда кўплаб фикрлари мавжудки, бу ўринда уларнинг ҳаммасини келтириб ўтиришимиз шарт эмас. Лекин илмий ва бадиий ижод жараёни руҳий психологик омилларга кўра бир-бирига яқин, туб асослари битта илдизга боғланган тушунчалар эканлигини қайд этиш жоиз. Зеро, ҳар иккаласининг асосида ижодкорлик, одам ва оламни

¹ Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 123

² Бу ҳақда қаранг: Қахрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёни. – Тошкент: Алишер Навоий номида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б. 14

³ Бу ҳақда қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 123-124

англаш ва англантишга бўлган хоҳиш-истак ётади. Шу маънода турли соҳа олимларининг ижодга берган таърифларида ижод жараёнининг умумлаштирувчи жиҳатларига эътибор қаратилади. Шунингдек, илмий ва бадий кашфиётнинг яратилиш жараёни талқинида ҳам муштараклик мавжуд. Психолог олим А.Ковалёв “Психология литературного творчества” номли монографиясида бадий ижод психологиясининг муҳим йўналишлари ҳақида фикр юритар экан, бадий ижод психологиясини 3 босқичга бўлиб ўрганиш лозимлигини тавсия қилади:

I. Ёзувчининг таржимаи ҳоли ва адабий фаолияти. Ўн саккиз бўлимдан иборат қилиб белгиланган бу босқичда А.Ковалёв ижодкорнинг туғилган жойи ва вақтидан тортиб, оилавий шароити, тарбияланиш даражаси, оила аъзолари, боланинг ёшлиқда эшитган эртак ва ҳикояларга бўлган муносабати, табиатидаги ўзига хосликлари ва атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, муסיқа, театр ва бошқа санъат турларига қизиқиши, бадий асар яратишга бўлган дастлабки интилишлари, илм олишга бўлган истаги, адабий иншолари ва уларнинг баҳоси, адабий тугаракларга аъзолиги, ижодий уринишлари ва унга бўлган муносабати, адабий таълим ва адабий таъсир, ёш ижодкор асарларига адабий жамоатчиликнинг муносабати масалаларини киритади.

II. Ёзувчи шахсиятидаги ўзига хосликлар. Ушбу босқич ўн бўлимни ўз ичига олади. Унда ижодкор шахсиятига хос бўлган қатор хусусиятлар белгиланади. Бунга А.Ковалёв ёзувчининг атроф муҳитдан олган таассуротлари, кузатувчанлиги, эслаб қолиш салоҳияти, ички сезги, интуитив қобилияти, ижодий тасаввурининг даражаси, табиат ва инсонларга бўлган муносабати, эстетик диди, ишонтира олиш санъати, ўзига бўлган талабчанлиги, меҳнатсеварлиги каби масалаларни киритади.

III. Ёзувчи ижодининг ўзига хослиги. Бу босқични олим олти пунктдан иборат қилиб белгилайди. А.Ковалёвнинг фикрича, бу босқичда ёзувчи кўпроқ қайси жанрда ижод қилишни ёқтириши, асар яратишга ундовчи туртки (импульс), ўйланган фикр ва унинг асарга кўчиши, асарнинг яратилиши, режа тузиш ва унинг характери, асарларидаги сўз бойлиги, ёзма ва халқ

оғзаки ижодидан фойдаланиш салоҳияти, иш услуги каби масалаларни киритади¹.

Бир қарашда бу тасниф ва ижод босқичларига берилган таърифлар янгидек туюлади. Аммо диққат билан қараладиган бўлса, кўрсатилган биринчи босқич ижодкор биографияси, иккинчи босқич ижод жараёни, учинчи босқич ижодкор лабораториясига доир мавжуд қарашлар ва хулосаларнинг умумлашмаси эканлиги маълум бўлади. Шунга қарамадан бундай босқичлар таснифи ёзувчи ижодий лабораториясига кириш ва уни ўрганишга кенг имкониятлар яратади.

Шу ўринда немис файласуфи Гегелнинг “Эстетика” асарида илҳом ва ижодий маҳорат, меҳнат ҳақидаги, рационаллик асосида иррационаллик етиша олмаган чўққига эришиш мумкин, деган ғарбона мулоҳазасига эътибор қаратайлик. “Фақат фикрлаш, тиришқоқлик ва машқ билан ҳеч қандай илҳом етиша олмаган маҳоратга ҳам эришиш мумкин”². Ушбу мулоҳаза М.Горький айтган истъоднинг 99 фоизи меҳнат деган фикрнинг генезисидек таассурот қолдиради. Бироқ, бир фоиз истъод, илҳом бўлмаса, ҳақиқий санъат асари яралиши душвор. Фақат, рационалликка асосланган бадиий ижод китобхонга эстетик завқ бериши, кўнгил торларини чертиши қийин.

Ижодий жараён ҳақида бошқа қатор ёзувчи ва олимларимизнинг кузатишлари ҳам мавжудки, улар бадиий асар яратишнинг сир-асрорларини ўрганишимизга ёрдам беради.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича Эрнест Хемингуэй ҳаётининг Париж даври (XX асрнинг 20-йиллари) унинг ижодида муҳим ўрин тутган. Бу ердаги адабий, ижтимоий – адабий муҳит ундаги ижодий принципларнинг мукаммаллашуви, инсон ва унда фаолият юритаётган тирик одам ҳақидаги тўхтамларининг шаклланишини таъминлаган. “Хемингуэйнинг одамлар билан мулоқотга киришиши қийин эди. Атрофдагилар, айниқса, ёзувчилар билан муносабатлари ўта қийин кечарди. Аммо Жойс билан тенгма-тенг муносабатда бўлар, ҳеч қачон хафалашмаганди. Хемингуэй Жойсни “тирик ёзувчилар орасида ягона” дер эди. Жойснинг “ҳаммадан кўра энг яхши компонион,

¹ Ковалёв. А. Психология литературного творчества. – Л.: Из-во Ленинградского университета, 1960. – С. 15-26.

² Гегель. Эстетика // Шарқ юлдузи. № 2. – 2014. – Б.133

энг садоқатли дўст” эканини таъкидлар эди. Улар бир-бирларининг асарларини навбати билан ўқиб туришар эди. “Эҳтимол, Жойснинг “Дублинликлар” ҳикоялар тўплами архитектоникаси шу сабаб Хемингуэйнинг “Бизнинг замонамизда” асарига таъсир кўрсатгандир”¹. Дарҳақиқат, ёзувчининг тўлақонли шаклланиши учун атроф-муҳитнинг таъсири катта бўлади. У ўзи билан замондош ижодкорлар орасидан кўпчиликни тан олмаслиги мумкин. Аммо руҳан яқин ижодкорлар ўртасидаги дўстлик, изчил мулоқот, фикр алмашинув жараёни ёзувчининг ижодий тақдирида ўзига хос из қолдириши мумкин. Э.Хемингуэй таъсирланганидек, балки Ж.Жойс ижодида ҳам Хемингуэй таъсирида ёзилган бирор асар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

“Ҳозирги вақтда бир томондан руҳий-маънавий, иккинчи томондан эстетик кайфият, инсон ички дунёси, дунёнинг “абдий” саволлари ва унинг ечимига муносабати билан боғлиқ муаммолар муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг табиат билан бирлиги, ундан узоқлашуви ҳақидаги лирик мавзулар эса адабиётда азалдан мавжуд эди”, деб ёзади ижод жараёни ва ижодкор эстетик қарашлари ҳақида адабиётшунос В.Дементьев².

“Шахс қачонки индивид мустақил тарзда, субъект ўлароқ реал воқеликдаги норма ва эталонлардан ўзиб кетсагина ўзини намоён этади”³. Демак, шахс инсоннинг биологик яратикдан ижтимоий яратикқа, ундан бадий-эстетик яратикқа айланиши, маънавий инсон сифатида намоён бўлиши ижодкор шахсияти босиб ўтиши керак бўлган муҳим поғоналардир.

Рус адабиётшуноси Б.С. Мейлах “Бадий ижод жараёни психологияси: тадқиқот йўналиши ва предмети” мақоласида ижод жараёнини вақт нуқтаи назаридан уч даврга бўлиб таърифлайди: “биринчи давр ғоянинг туғилиши ва унинг кристаллалуви (яъни, объектив ва субъектив импульсларнинг пайдо бўлиши) даври, иккинчиси оралик давр, ва учинчиси якуний даврларга бўлинади”⁴, дея ўз мулоҳазаларида ижод психологиясининг

¹ Гиленсон Б.А. Эрнест Хемингуэй. Биография писателя. – М.: Просвещение, 1991. – С. 39.

² Дементьев В. Личность поэта. – М.: Худ. лит., 1989. – С. 5.

³ С чего начинается личность. – М.: Изд. полит. лит., 1984. – С. 336.

⁴ Психология процессов художественного творчества. Сб. – М.: Наука 1980. – С.14

асосий компонентлари сифатида тасаввур, фантазия, интуиция, илҳомланиш кабиларни тилга олади.

Адабиётшунос олим Ҳ.Умуров “Бадиий ижод асослари” номли китобида ижод психологияси, ижодий жараён масаласига кенг тўхталди. Бадиий ижод ҳақида жаҳон, рус ва ўзбек олимларининг кузатишларига муносабат билдириб, мавзунинг ўрганилиш тарихига назар ташлайди. Бадиий ижоднинг асосини ташкил этувчи истеъдод, илҳом, бадиий маҳорат каби масалаларга алоҳида тўхталди ва уларнинг ўзига хос йўсинда талқинлар этишга ҳаракат қилади. Э.Воҳидов, А.Ориповларнинг қарашларидан иқтибослар келтириб, истеъдоднинг бадиий ижоддаги ўрни ва беқиёс аҳамиятини таъкидлайди. Фақат тинимсиз меҳнат, ўқиш ва ўрганиш, изланишлар натижасидагина чин истеъдод рўёбга чиқиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни қўллаб-қуватлайди.

Бадиий ижодда илҳомнинг ўрни масаласига эътибор қаратиб, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Э.Воҳидовнинг илҳомнинг бадиий ижод жараёнидаги ўрни борасидаги фикрларига урғу беради. Илҳомнинг ҳиссий таъсир кучи ҳақида Л.Н.Толстой асарларидан тортиб, А. Қахҳор, П.Қодировгача, шоир М.Исаковский қарашларидан Ғ.Ғуллом, Ойбек, А.Мухторнинг фикр-мулоҳазаларига қадар муқоясага тортади. Бу кузатишлардан илҳомнинг барча ижодкорларга хос бўлган муштарак ва маънавий-руҳий жихатлари, ижодкорнинг ўз-ўзини, ўзлигини излаш жараёни эканини англаб оламиз.

“Илҳом бепоён ижодий жараённинг бир парчаси, бадиий асар яратиш тизимидаги санъаткорнинг муайян бир ҳолати. Лекин илҳомсиз яхши асар яратиш мумкин эмаслиги ҳам аён бўлди”, деб ёзади бу ҳақда олим¹.

Адабиётшуносликда илҳомнинг икки даражаси фарқланишини айтар экан, унинг “биринчисини – мўътадил илҳом ва иккинчисини – завқу шавққа

тўлиқ илҳом (вдохновение – эффект) деб” атайди². Олимнинг таъкидлашича, биринчисисиз асар ёзиш мумкин эмас, иккинчисисиз ижод қилса бўлади. Мўътадил илҳомда ижодкор унинг таъсирини ҳис қилса-да, хотиржамлик билан ўз ғоявий-

¹ Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 23.

² Ўша манба, 23-бет.

эстетик мақсадини ёритишда онгли ижод жараёнини яратади. Бу ҳолат барча асарлар яратилиши учун хос хусусият. Иккинчи ҳолат эса эпиграфда келтирилган У.Носирнинг **“Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади // Раҳм этмай, жаллоддек дилни тилади...”** мисраларида акс этган оний ҳолатда “лов” этиб пайдо бўладиган ва қуйма мисралар тўкилишига замин яратувчи “кайфий” ҳолатдир. Мунаққид ушбу ҳолатнинг турли ёзувчи ва актёрлар ҳамда китобхонлар хотиралари орқали ёритади.

Демак, илҳом ижодкор қалбини ўртаётган нидо, дардни юзага чиқарувчи, ўзлигини намоён этувчи, ижодий завқ, тасалли берувчи ғайришуурий яратувчилик қувватидир.

Психоаналитиклар қарашига суянган адабиётшунос олим Жаббор Эшонқул “Илҳом ақл буғиб қўйган, ақлий фаолият тўхтатиб қўйган онг ости ҳисларининг бирдан юзага қалқиб чиқишидир”¹ дея таъриф беради.

Илҳом ижодий жараёнда турли кўринишларда намоён бўлади. Илҳом онларида ҳар бир ижодкор турфа руҳий ҳолатни, жазавани бошидан кечиради. Абдулла Шер ўзининг ижод ва ижодий жараён ҳақидаги кузатишларида жаҳон адабиётининг кўплаб ижодкорлари ҳаётдан мисоллар келтириб, бу жараённинг ўзига хослигини кўрсатади. А.Шернинг ёзишича: “Моцарт мусиқий ғоялар унга худди туш каби беихтиёр келиши, Ҳофманн ижод пайтида қандайдир четдаги сирли одамнинг айтганларини қилишини, Гёте кўпгина шеърларини телбагазак (лунатик) ҳолатида ёзганини айтган. Баъзи ижодкорларда илҳомнинг тушда келиши ҳам тез-тез учраб туради. Чунончи, С.Т.Колриж “Кублахон” достонини тушида ёзганини, Сергей Есениннинг рафиқаси Есенина улуғ рус шоирининг ярим кечада уни уйғотиб, тушида “келган” шеърларини ёддан айтиб ёздиргани адабиёт тарихидан бизга маълум”².

Демак, илҳом жазба, туш ва ваҳийликка дахлдор англамаган руҳий ҳолатдир, деб қабул қилишимиз мумкин.

Ҳотам Умутов эътибор қаратган яна бир нарса бу ёзувчининг бадий маҳорати масаласидир. Ёзувчи муайян ғояни

¹ Эшонқулов Ж. Ўзбек фолклорида туш ва унинг бадий талқини – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 82

² Шер А. Эстетика. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 317

ёритиш учун, аввало, ўзининг ҳаётий тажрибасига асосланиб, уни қалбидан ўтказиб, кўпчиликка хос умумлашма мазмун билан бойитади. Бунда мазмун ва шаклнинг мутаносиблигига катта эътибор қаратади. Ҳар бир образининг ҳаётийлигига эътибор қаратиб, ўзининг ҳис-кечинмалари-ю туйғуларини асар руҳига сингдириб юборади. Шу тариқа бадиий асарнинг юқувчанлигини, самимийлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Булар барчаси ёзувчи маҳорати туфайли намоён бўладиган, бадиий маҳоратни ошириб боришдаги узлуксиз изланишлар жараёнидир. Бадиий маҳорат ҳам ушбу жараёнда ижодий режа ва унинг пайдо бўлиши қоғозга кўчиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ижодий режа биринчи босқич бўлса, кейинги босқич ёзиш, бадиий сўзда ифодалаш жараёнидир. Бадиий асар режаси аста-секинлик билан пишиб, етилиб боришини ҳомила билан қиёсласа бўлади. Худди она организмда рўй бераётган физиологик, психологик ўзгаришлар каби ёзувчи онгу руҳиятида ҳам шундай жараёнлар кечиши муқаррар. Шу боис бадиий режа ва ижод жараёни яхлит ҳодиса, деб қаралади ва бунда албатта, яратилган бадиий асар ёзувчи шахсиятидан узилиб, мустақил “яшаш” салоҳиятига эга бўлиши керак¹.

Ижодкор ва ижодий жараён, ёзувчи “мен”и хусусида фикр юритган Х.Дўстмуҳаммад қарашлари ғоят эътиборли ва айни масалада бизнинг фикримизга ҳамоҳанг: “... ижодкор инсон ташқи дунёни идрок этиб, идрок этганларининг барини қалб ва шуур чиғириғидан ўтказиб пировардида образ яратаётган чоғида қандай руҳий жараёнлар юз берса, уларнинг бари бадиий тафаккурнинг тўлақонлилигини таъминлашга хизмат қилади...”

Ижод аҳлининг янгича услубий ёндашувлари, аввало, ҳаёт ҳақиқатига мутлақо шахсий “мен”и орқали эмин-эркин ёндашиш, бадиий ҳақиқатга айлантиришда восита бўлмиш типиклаштириш, ўхшатиш, рамзийлик, конфликт яшаш, ғайри реаллик ва ҳоказо адабий унсурлардан эркин фойдаланиши билан юзага чиқади”².

Дарҳақиқат, бадиий ижод, ижодий жараён, унинг ижтимоий, маънавий, фалсафий ва психологик асосларини ёзувчи “мен”и

¹ Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 20-45.

² Досмўхаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент: - 1995. – Б.20

билан, унинг шахсияти, истеъдоди, дунёқараши, интуицияси, поэтик маҳорати ва бошқа бир қатор жиҳатлари билан боғлаб ўрганиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Юқорида қайд этганимиздек, сўнгги пайтлар адабиётшуносликда бадиий асарни ижодкорнинг биографияси билан боғлаб талқин қилувчи биографик ёндашувга, шунингдек, психологик таҳлилга катта эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ҳол ёзувчи ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб бориш, кенгроқ назар ташлаш имкониятини берувчи асосий омиллардан биридир. Бундай талқинларда энг аввало ижодкор шахсиятига катта эътибор қаратилмоқда, яъни ёзувчи “мен”и шахс даражасига кўтарилганми, ўзлигини намоён қила олганми - йўқми, каби масалалар асосий муаммолардан бири сифатида қайд этилмоқда. Ёзувчи қачонки шахс даражасига кўтарилган олса, у бадиий асарда акс этаётган дардни Ватан, миллат ва ўзликни англаш мақомини эгаллайди. Шу тариқа ёзувчи шахсиятига хос бўлган шахсий кечинмалар умумлашма моҳият касб этиб, юқоридаги олимларнинг қарашларида акс этганидек, эзгулик руҳи билан суғорилган умумбашарий ғояларга эврилади. Бадиий асарда намоён бўлувчи бу хусусиятлар, ғоявий-бадиий мотивлар бадиий асар ёзувчидан узилиб, “мустақил яшашга” ўтгандан кейин умумбашарий моҳият касб этади.

Ижод бу – онг ва ҳис-туйғунинг бирикишидан яраллади, деган қараш адабиётшунослар ўртасида барқарор. Инсон тафаккури ва туйғу-тасаввурлар олами бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини тақозо этувчи ходисалардир. Инсон ақл-заковати қалб кечинмалари билан бир нуқтада бирлашиб, бадиий асарнинг ғоявий-эстетик асосини яратади. Агар бадиий асар ғоясининг шаклланиб, пишиб етилишида инсон онг ва тафаккури қанчалик муҳим аҳамият касб этса, унинг ифода йўсинида, инсон қалб кечинмалари талқинида тасаввурнинг аҳамияти шунчалик ойдинлашади. “Тасаввур – сезги аъзоларига қачонлардир таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол ҳиссий образи. Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли. Сезги, идрок ва тасаввурлар орқали бевосита билиб бўлмайдиган нарса ва ходисалар тафаккурда онгли равишда акс этади. Тафаккур жараёнида фикр вужудга келади, бу фикрлар инсон онгида ҳукм,

тушунча, хулоса шаклларида юзага келади”¹. “Тасаввур асосан, қайта тикланган идрокдир. Бироқ образнинг тасаввури унинг дастлабки идрокидан бир мунча фарқ қилади. Тасаввур одатда идрокдан хирароқ бўлади. Фақат айрим кишилардагина тасаввур ёрқин бўлади, баъзи ёзувчи, рассом, композиторлар гуё ўз суратлари, романлари, опералари қаҳрамонларининг образини кўраётгандек ва эшитаётгандек бўладилар. Рассом Айзовский ўз суратларини денгиз стихияларини чексиз суратда кўриш асосида ҳосил бўлган тасаввурлар асосидагина чизган. Рассом Левитан этюдларини натурадан чизган бўлса ҳам кўпчилик асарларини тасаввури асосида яратган. Композиторлардан Моцарт билан Бетховенлар ўзлари яратаётган мусиқани жуда аниқ эшитганлар. Ёзувчи Гончаров ўз асарлари қаҳрамонларини очик-ойдин “кўрган” ва “эшитган”².

Ижодий жараёнга хос бўлган яна бир муҳим хусусиятлардан бири ижодий дарднинг бўлишидир. “Дард” тушунчаси бадий ижодда ўзининг луғавий маъносидан кенгроқ мазмунга эга бўлиб, умумбашарий моҳият касб этувчи ҳодисадир. *Дард ёзувчининг ҳаёт ҳақида, инсон умрининг ўткинчилигию, абадиятга дахлдор ҳодисалар каби умумбашариятга молик масалалар хусусидаги ўй-мушоҳадаларидан тортиб хиёнат, диёнат, эътиқоду этиқодсизлик, севги-вафо ва вафосизлик, инсоний бурч ва ҳ.к. умуминсоний хислатлар ҳақидаги эстетик принципларигача қамраб олувчи жараёндир.*

Ёзувчи бадий асар яратиш асносида шунчаки воқеалар силсиласи ёки қаҳрамонлар кечмишини тасвирлаб қўя қолмайди, балки уларнинг моҳиятига ўзининг ушбу моҳиятга дахлдор бўлган дардларини сингдириб юборади. Бежиз бу ҳақда Ф. Кафка “Санъаткор учун ижод – изтироб, бу восита орқали у юрагини янги изтироблар учун бўшатиб олади”³, деган фикрни билдирмаган. Изтироб, дардсиз ижод намунаси ниҳоятда қашшоқ, ҳиссиз ва нурсиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бадий асарни мутолаа қилган китобхон унда энг аввало моҳиятга яширинган ёзувчи “мен”ини, унинг шахсиятини, дарду дунёсини ҳис қилади,

¹ Психология. Қисқача изоҳли луғат. (Тузувчилар: М.Г. Давлетшен, Ё. Алимкулов, А. Убайдуллаев, У. Умаров, Ф. Алимова, С. Тўйчиева. Нашрга тайёрловчилар: С. Содикоа, У. Умаров. – Тошкент: н-рсиз, 1998. – Б.36

² Игнатъев Е.И., Лукин Н.С., Громов М.Д. Психология. – Тошкент: 1970. – Б.138.

³ Яноух Г. Кафка билан суҳбатлар// Жаҳон адабиёти. 2006, № 4. – Б. 105

асар орқали ёзувчи қалбига йўл олади. Демак, ижод жараёни, бадий асарнинг яратилиши, худди ҳомиланинг туғилиш жараёнидаги каби ўзига хос тўлғоқли “дард”лардан иборатдир. “Дард, изтиробнинг сурункали ҳолатга ўтиши истейдод дейилади”¹.

Ижод жараёнининг яна бир хусусияти ёзувчи интуициясига алоқадорлигидадир. Одатда, бадий асар ҳақида гап кетганда у илоҳиётга дахлдор ҳодиса сифатида таърифланади. Дарҳақиқат, ижод жараёнида шундай руҳий ҳолатлар, кечинмалар, жараёнлар рўй бериши мумкинки, уларни сўз билан ифодалашдан кўра ҳис қилиб тушуниш осонроқдир. “Интуиция (лот.intueri – яхшилаб диққат билан қарамоқ) – воқеликни билишнинг бевосита ҳақиқатга айланиши билан амалга ошириладиган алоҳида усул бўлиб, унинг ёрдамида “муаммоли вазиятлар” ечимини топиши мумкин, у ижодий фаолият механизми сифатида тушунтирилади. Интуиция тафаккурда масаланинг ечилишини бир онда тўсатдан англаш сифатида ҳам тушунилади”².

Интуиция ижодкорни ижод жараёнида ғайб оламига бошлаб боровчи ўзига хос воситадир. Чўлпоннинг “Мен шоирми?”, “Гўзал” ёки бўлмаса, Усмон Носирнинг “Яна шеъримга” каби шеърларида акс этган руҳий пўртаналарни фақат онги англам орқали шунчаки баҳолаб бўлмайди, балки улардаги илоҳийлик билан боғланган ўринларни қалбан ҳис қилиб талқин этиш лозим. Зеро, инсон қалбининг ўзи шоир айтганидек “англаб бўлмас сирдир”.

1.3. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари поэтик талқинни шакллантирувчи ижодий категория сифатида

Бадий ижод жараёни уч муҳим босқични қамраб олади. Буларнинг биринчиси асар ёзилгунча бўлган тайёргарлик босқичи бўлиб, унда ёзувчи бадий асар учун мўлжалланган воқеа-ҳодисалар, ҳаётий шахсиятлар, деталлар, жой, вақт ва ҳ.к.ларни саралайди. Ён дафтарыда қайд этилган далиллар,

¹ Раҳмат Р.Адабиётдан чиқиш – Тошкент: Akademnashr, 2015, – Б 4.

² Психология.(Қискача изоҳли луғат.Тузувчилар: М.Г. Давлетшен, Ё. Алимкулов, А. Убайдуллаев, У.Умаров, Ф. Алимова, С. Тўйчиева. Нашрга тайёрловчилар:С.Содиқова, У. Умаров.) – Тошкент: Фан, 1998. – Б.18

жумла, ибора, сўзларни асар композициясининг қайси ўрнига жойлаштириш ҳақида фикр юритади. Хаёлида, тафаккурида асар кечадиган “саҳна” декорациясини тайёр ҳолга келтиради. Иккинчи босқич ёзиш жараёни бўлиб – бу, ижодий жараён учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Тафаккурида етилган бадиий компонентларни ёзувчи айнан шу босқичда моддийлаштиради. Ҳаёлий манзаралар, образлар, воқеаларни жонлантиради. Бир асар услубий тизимига солиб, ўқувчига маъқул келадиган даражада бадиий ифодалашга уринади. Учинчи ва сўнгги босқич – бу ижодий ўқиш босқичидир. Бу босқичда ёзувчи бир йўла икки вазифани бажаришига тўғри келади: муаллиф ва ўқувчи вазифасини. Агар бу босқичда ёзувчи ўқувчи даражасига тушиб фикрламаса ўз асарига нисбатан танқидий, объектив ёндашиши қийин кечади. Ўқувчи нигоҳи билан қарар экан ўз камчиликларини кўради. Бу жараёнда бутун бошли жумлалар, сўзлар, персонажлар, ҳатто бир бутун мотивлару бадиий манзаралардан ҳам воз кечишга тўғри келиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундай ҳолатларни Л.Толстой, Ф.Достоевский, Т.Драйзер, П.Мериме, О.де Бальзак, А.Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, С.Моэм, М.Булгаков, М.Шолохов, А.Қаҳҳор, Ж.Жойс, Ф.Кафка, Г.Маркес, О.Ёқубов, П.Қодировларнинг ижодий жараёнида истаганча учратишимиз мумкин. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижодий жараёнга доир мана шу уч муҳим босқичнинг қандай кечиши, пировард натижада тайёр “сифатли маҳсулот” сифатида ўқувчига етиб бориши ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари, унинг назарий-поэтик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Адабий-эстетик қарашлари юксак даражада шаклланган, ўзининг бадиий-эстетик позициясига эга бўлган муаллифгина қайд этилган уч ижодий босқичнинг ҳар бирини бадиий асар муваффақиятига айлантира олади. Акс ҳолда ўртамиёна ёки ундан ҳам паст даражадаги “асар” пайдо бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, дунёга келаётган, поэтик ҳодисага айланаётган ҳодисанинг ижрочиси ҳам, шу жараёни таҳлил ва талқин қилиб муайян шакл ва мазмун асосида намоён бўлишини назорат қилаётган, унинг бутун гўзаллиги, жозибаси ва нафосатини тўлалигича ҳис қилаётган дастлабки ўқувчи ҳам ижодкорнинг ўзидир. Бу ўринда буларнинг бари битта шахс –

ижодкор шахсиятида жамланади. Эндиликда асар муаллифи “ўқувчи-мунаққид”га айланади. Шу тариқа ижодкорнинг адабий-эстетик қарашлари ва ижодий принципларининг шаклланишига асос вужудга келади. Шоир ва ёзувчиларнинг бадиий асар, унинг спецификаси, асар таркибидаги поэтик компонентлар, қолаверса бутун бошли адабий жараён ҳақида муайян адабий-илмий қарашлари, хулосалари майдонга келади. Улар баъзан бадиий асар таркибига ёзувчининг фалсафий-бадиий, адабий-илмий қарашлари ўлароқ сингиб кетади. Л.Толстой, Ф.Достоевский, А.Чехов, С.Моэм каби жаҳон, А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, П.Қодиров каби ўзбек ёзувчилари асарларидаги муаллиф, ровий, адабий қаҳрамонларнинг “илмийлашган мулоҳазалар”и бунга яққол мисол бўлади. Айти пайтда, эпик тафаккури кенг, глобал даражада фикрлайдиган ёзувчилар бадиий асар таркибига сифмаган фикр-қарашларини “тажрибалар”, “ўйлар”, “кундаликлар”, “тундаликлар”, “битиклар” тарзида алоҳида нашр этишга жазм қиладилар. Шу билан бирга, Л.Толстой, Ф.Достоевский, Т.Манн, С.Моэм, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ф.Кафка, П.Сарт, А.Камю, А.Мухтор, Ў.Ҳошимов каби ёзувчиларнинг алоҳида ва илмий йўсинда ёзилган рисола ва мақолалари ҳам мавжуд. Буларнинг барчасида ёзувчилар ижод ва ижодий жараён, муайян салаф ва халаф ижодкорлар асарлари ҳақида сўз юритишса ҳам, асосан, ўз ижод намуналарини тафтиш қилишни бош мақсад қилиб оладилар. Буларнинг барчаси тадқиқотчи учун муҳим ҳисобланади. Хусусан, ижодкор лабораториясини ўрганишда методологик калит вазифасини бажаради.

Бунинг ўзбек адабиёти тарихидаги классик намунасини буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун нафоис” тазкираси ва бошқа адабиёт ҳақидаги қарашлари акс этган асарларида кузатамиз. Бобурнинг “Бобурнома”сидаги Навоий ва унга замондош ижодкорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, туркий ва форсий тилда битилган тазкиралар, рисола ва мажмуалар, девонларга ёзилган сўз бошиларда ҳам ушбу жиҳат намоён бўлган. Шуни ҳам эътиборда тутиш жоизки, классик адабиётда ижодкорнинг эстетик қарашлари аниқ, лўнда ва изчил тарзда баён этилади. Анъаналарга риоя этиш ва уларни давом эттириш тамойили ҳам бу давр адабиётига хос хусусиятдир. Замонавий ўзбек адабиётида эса бундай анъаналар у қадар изчил давом

этмаганини кўрамиз. Бунинг асосий сабабларидан бири собик шўро тузумининг ёзувчилар олдига аниқ мажбуриятлар кўйганидир. Оқибатда эркин ижодий муҳитдан маҳрум қилинган ижодкорлар фақат тузумга бўйсунган ҳолда фикр-қарашларни баён этишга мажбур бўлганлар.

Мустақиллик арафаси ва истиқлолнинг дастлабки йилларига келиб ёзувчи-шоирларимизнинг адабий жараёнга фаол аралашуви, адабиётнинг асосий вазифаси ва янгилашиш жараёнлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, кузатувлари ўзбек адабиёти масалаларини жаҳон адабиёти контекстида талқин ва тадқиқ этишга, ижодкор “мен”и ва шахсияти ҳақида янги-янги қарашларни дадил айта бошлашларига замин яратди. Чунки бу даврга келиб ижодий эркинликка йўл очилди, адабий жараёнда жаҳон адабиётига хос турли ижодий экспериментлар, изланишлар вужудга кела бошлади. Натижада, мустақиллик йилларида шўро даври тафаккур тарзидан фарқ қилувчи кўп қиррали, плюралистик шаклдаги адабиёт ва унинг тадқиқу талқинлари вужудга келдики, бунда шоир-ёзувчиларимизнинг ҳам ўрни алоҳида.

Муаллиф адабий-эстетик қарашларини унга хос соф бадиий-ижодий концепция билан қиёсий тадқиқ этиш ижод психологиясини ўрганишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Адабий эстетик қарашлар ва ижодий принциплар параллелизми ёзувчи поэтик концепциясини тўғри белгилаш учун муҳим омил бўлиши билан бир қаторда, унинг жорий адабий муҳитда тутган ўрни ҳамда вазифасини белгилашда ҳам қўл келади.

Ижод жараёнида ёзувчи шахсияти, реал ҳаёт принциплари, турмуш тарзи, психологик ҳолатларининг бадиий ижод жараёни билан параллел намоён бўлиши ўта мураккаб ва чигал ҳодиса ҳисобланади. Шу маънода ижодий параллелизмни доимий тарзда ягона темпа кечадиган, уйғунликдан иборат силлиқ жараён деб қараш тўғри эмас. Ижодий параллелизм баъзан ёзувчи эстетик қарашларининг ижод намунасида тасдиқланиши тарзида намоён бўлса, баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Ижодкор эстетик қарашларида эътироф этилган бирон бир тушунча, фикр-қараш ёки шахс табиати, психологиясига хос ҳолат бадиий асарда инкор этилишини ҳам табиий қабул қилиш лозим. Бизнингча, бунинг

учта сабаби мавжуд. Биринчиси, бадий ижод дунёсига сингиб кетган ёзувчи эндиликда тамомила бошқа одамга – “муаллиф образи”га айланади. У энди ўзи истаган тақдирда ҳам ўша асар мантиғидан ташқарига чиқолмайди. Бошқача айтганда ёзилаётган асар оҳангида “рақсга тушишга” мажбур бўлади. Иккинчидан, бир оддий инсон сифатида ёзувчи ҳам ижтимоий-психологик ҳолатлар, маиший мажбурият, ёш ўтиши билан боғлиқ мураккаб жараёнлар боис ўзгариши, дастлабки йиллардан ўзгачароқ фикрлай бошлаши мумкин. Учинчидан, жаҳон адабиётидаги улкан ижодкорлар биографияси ва асарларини бир бутун кузатиш шундан далолат берадики, катта адабиётга дахлдор, ўта истеъдодли, даҳо ижодкорлар шахсияти ўта зиддиятли бўлади. Ўз-ўзини инкор этиш, илк асарларидан воз кечиб, тамомила ўзга шакл ва йўналишда ижод этиш ҳолатлари жаҳон ёзувчилари биографиясида тез-тез учраб туради. Л.Толстой, Ж.Жойс, Ф.Кафкалар ижоди бундай хулоса қилишимизга тўла асос беради. Аммо, шуни алоҳида қайд этишни истардикки, бу ҳолат ҳам табиий тарзда ижодий параллелизмнинг бир қирраси сифатида қабул қилиниши ва ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, ўзининг умрбоқий ижоди билан нафақат рус, балки дунё адабиётида муносиб ўринга эга бўлган Л.Толстой шахсияти, адабий-эстетик қарашлари ва ижодий концепциясидаги тасдиқ ҳамда инкор ҳолатлари изчил тарзда кузатилади.

Толстой адабиётнинг кўплаб тур ва жанрларида қалам тебратган серқирра ижодкор бўлиши баробарида фалсафий, табиий, ижтимоий-гуманитар ва диний илмларни ҳам мукаммал эгаллаган эди. Ўз ижодий фаолиятида ҳар доим адолатли, тўғри сўз бўлишга, айтганига амал қилишга уринган. Айни пайтда ўз принципларидан чекинмаган ҳолда инсон умри моҳияти, ҳаётнинг туб мазмунини англашга интилган. Бу жиҳат ёзувчининг барча асарларида у ёки бу даражада кўзга ташланади. Айни пайтда проф. Озод Шарафиддинов таржима қилган “Иқронома” (“Исповедь”) асари Л.Толстой ижодий биографиясининг ойнаси ҳисобланади.

О.Шарафиддинов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Иқронома”даги асосий масала инсон ҳаётининг маъно-моҳияти, имон-эътиқод, виждон, диёнат ҳақидаги ўй-

мулоҳазалар, яшашдан мақсад нималигини англаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, адоксиз рухий изтироблар, англаб етилган ҳақиқату **икрорлардир.**

Мазкур асарни ўқир эканмиз, адибнинг изтиробли калб кечинмаларига гувоҳ бўламиз. Унинг оиласига, хотини ва қизларига, хизматкорлари ва атрофдагиларга, кенг маънода бутун жамияту табиатга, борлиққа бўлган муносабатида умид билан умидсизлик, ишонч билан ишончсизлик мудом ўрин алмашиб турганига гувоҳ бўламиз.

Адиб ўз руҳиятида кечаётган маънавий инқирозларни, калб эврилишларини сайёҳ ҳақидаги шарқ масали орқали ҳам ифода этади. Ўзини масал қаҳрамони сайёҳга менгзайди. Масалда сайёҳ йиртқишлардан қочиб ўзини сувсиз қудуққа ташлайди, бироқ қудуқ тубида даҳшат солиб турган ёвуз аждаҳо унинг жонига хавф солади. Шу боис қудуқ деворидаги ёриқдан ўсиб чиққан ва сичқонлар кемираётган бутага муаллақ осилиб жон сақлаган сайёҳ гарчи умри поёнлашаётганини англаб турса-да, булада йилтиллаб томаётган асални ялашга тушиб кетади. Осилиб турган бутасини кемираётган оқ ва қора сичқонларни назардан қочиради.

Толстой бу масал воқеаларидан келиб чиқадиган рамзий маънони ўз ҳаётига муқояса қилади. Масалдаги сайёҳ – умр йўлини босиб ўтаётган инсон. Жарлик тубидаги аждаҳо – ўлим ва охират. Уни қувлаб келган туя – ер юзида инсонга берилган ўткинчи умр, тўхташни билмайдиган вақт. Буладаги асал – ўткинчи дунёнинг алдамчи лаззати. Оқ ва қора сичқонларлар эса инсон умрини кемираётган, абадий алмашиниб турувчи кун ва тун рамзларидир.

Хўш, унда ҳаётнинг, яшаш, ишлаш ижод қилишнинг маъноси нима? Инсон нимага туғилади-ю қаёққа кетади? Л.Толстой шу ҳақда фикр юритади. Шу саволларга жавоб излайди. Бошидан ўтказган кунлар, ҳолатлар, фикр-хаёллар тоғини ўрганади, тафтиш этади.

“Менга “сен ҳаётнинг маъносини тушуна олмайсан, бу ҳақда ҳадеб ўйлаверма, яшайвер”, деб ҳар қанча уқтиришмасин, мен бунни қилолмайман,-деб ёзади Л.Толстой. Чунки авваллари бунни анча узоқ муддат давомида қилганман. Эндиликда қаршимдан югуриб кетаётган ва мени ўлим сари элтаётган кун

билан тунни кўрмаслигимнинг иложи йўқ. Мен фақат шуни кўраман, негаки фақат шугина ҳақиқатдир. Қолган нарсаларнинг ҳаммаси – ёлғон!”¹ Чунки Л.Толстойдек мутафаккир ўйламай, фикрламай, ўз саволига жавоб топмасдан яшай олмасди. Шу боис ҳақиқатни англаш мақсадида дунёвий илмлардан, сўнг диний илмлардан жавоб излайди. Сулаймон пайғамбар ва Шопенгауэрнинг “Ҳаёт ёвузликлардан иборат” деган қараши мутлақ ҳақиқат эмаслигини англайди. Бунга адиб куйидагича иқрор бўлади: “Мен нотўғри фикр юритганим учун адашган эмас эканман, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман... “Менинг ҳаётим нима?” – деб ўз-ўзимдан сўраб, “ёвузлик ва маъносизлик”, – деб жавоб олганман. Чиндан ҳам менинг ҳаётим балои нафсни қондиришга қаратилган бўлган ва шунинг учун ҳам маъносиз ва ёмон бўлган”². Буларни англаб етган, ҳаёт маъносиз ва ёвуз деган жавоб барчанинг эмас, балки фақат ўз ҳаётига тааллуқли эканини тушунган адиб, покланишга, ҳалол меҳнат қилишга, халқ дарди билан яшашга, барчага меҳр ва муҳаббатли бўлишга интилиш орқали ҳаёт маъносини англаш мумкинлигини англайди. Асл ҳақиқатга фақатгина тафаккур нури ила эмас, балки иймон-эътиқод ила эришиш мумкин, ҳақиқатни иймондан, диндан топдим, деган хулосага келади.

Мана шундай руҳий-психологик тафтишларда у азалий ҳақиқатни, яшашдан мақсад нима эканлигини англаб етади. Буни рамзий усулда шундай ифодалайди:

“Соҳил – Худо эди, йўналиш ривоят эди, эшкаклар менга берилган эрк эди. Мен уларнинг ёрдамида соҳилга – Худонинг жамолига эришмоққа сузмоғим керак эди. Шундай қилиб, менда ҳаёт қудрати қайта тирилди ва мен яна яшай бошладим”³.

Шу ўринда адабиётшунос У.Жўрақуловнинг асар ҳақидаги куйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: “Иқрорнома” муаллифи “Мен нима учун яшаяпман? Ҳаётнинг мазмуни нима?” деган мураккаб саволларга рўбарў келади ва ушбу асарида мазкур муаммонинг ечимини топишга уринмайди,

¹ Номозов А. (туплаб нашрга тайёрловчи) Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.– Б.23

² Намозов А. (туплаб нашрга тайёрловчи) Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.–Б.62

³ Намозов А. (туплаб нашрга тайёрловчи) Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.–Б.70.

йўқ! Балки ўзининг бошқалар билмайдиган, билиши-да мумкин бўлмаган ички қиёфасини бешафқат очиб ташлайди, таҳлил этади. Муаммо эса табиий ечим топади” (Таъкид бизники, Ф.Б.)¹.

Л.Толстой шахсияти ва тафаккур тарзидаги бундай жўмардона хусусиятлар унинг асарлари қахрамонларига ҳам табиий равишда сингиб кетган. Бунинг ёрқин мисолини адибнинг “Уруш ва тинчлик” романидаги Андрей Болконский образи тимсолида кўришимиз мумкин. Мазкур қахрамон орқали ёзувчи ўзи англаган асл ҳақиқатларни ифода этади. Қахрамоннинг қайинзорда ўсган ёлғиз дуб дарахти билан бўлган мулоқот-монологиди бу жиҳат яққол намоён бўлади. У ўзининг маънисиз ҳаёти, хувиллаган қалбини “кўклам латофати”дан бебаҳра дубга менгзайди. “Баҳор, муҳаббат, бахт-саодат! – дер эди гўё дуб, – ҳамон бир хилдаги беҳуда, маъносиз алдов ҳеч кўнгилларингга урмас экан-да! Ҳамон ўша гап, ўша алдов! Зотан баҳор ҳам йўқ, қуёш ҳам йўқ, бахт-саодат ҳам йўқ”². Бу исён аслида ёзувчининг ўз қалбида кечаётган оғриқлар экани “Иқрорнома” саҳифаларида ойдинлашади.

Дунё абадий эмаслиги, инсон умри ўткинчи эканлиги, асл ҳақиқат иймонда экани Андрей Болконскийнинг Аустерлиц жанг майдонидаги чалажон ҳолатидаги руҳий тасвири орқали теран ифода этилган: “Бу баланд осмонни нега мен шу чокқача кўрмаган эканман? Буни кўрганимга шукур! Ҳа, мана шу бепоён осмондан бошқа ҳамма нарса беҳуда, пуч экан”³. Працен тепалигида қўлида байроқ билан қонга беланиб ётган Андрей руҳий ҳолатидаги эврилиш баланд, адолатли, ва шавкатли ўша осмон билан қиёслаганда Наполеон Бонапартдек буюк шахс аслида шуҳратпараст, майда зарра ҳам эмаслигини англаб етишига олиб келади.

Маълумки, Лев Николаевич Толстой ўзининг реалистик йўсиндаги ўлмас асарларини ёзиши билан бирга нигоҳи ўткир мунаққид ҳам эди. Бу жиҳат унинг реалистик ижодига хос принципларни белгилашда муҳим рол ўйнади. Зотан, Л.Толстой

¹Жўрақулов У. Минг биринчи никоб /Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 187.

²Толстой Л. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б.545

³Толстой.Л. Танланган асарлар.2- жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.368

ижоди реализмнинг чўққиси ҳисобланади. Ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш, образли тафаккурда ҳаётини мантиққа изчил риоя этиш ёзувчи эстетик принципларининг асоси эди. У нафақат бошқалар, балки ўз ижодига нисбатан ҳам ғоят талабчан эди. Буни биз “Иқрорнома”даги қуйидаги эътирофларда ҳам кўришимиз мумкин:

“Бизнинг ҳамма хатти-ҳаракатларимиз, фикр юритишларимиз, илм-фан, санъат, буларнинг бари менга бир эрмакдай, тантиқликдай кўриниб қолди. Англадимки, бундан маъно излаб бўлмайди. Ҳаётни ижод қилувчи меҳнаткаш халқнинг хатти-ҳаракати эса менга бирдан-бир арзийдиган ҳақиқий иш бўлиб кўринди. Шунда англадимки, шу ҳаётга ато этилган маъно ҳақиқатдир. Ва мен бу ҳақиқатни қабул қилдим”¹.

“Иқрорнома”нинг тадқиқотимиз учун аҳамияти шундаки, ундаги фикрлар орқали биз ўзбек адабиётшунослигида нисбатан кам ўрганилган ижодкор лабораториясига кириш имконига эга бўламиз. Ёзувчи дунёқараши, эстетик позицияси, ижтимоий воқеликка муносабатини тўғри англаймиз.

Албатта, ҳар бир ижодкорда бу жараён ўзига хос, индивидуал тарзда кечиши табиий. Бироқ у ижод жараёнининг умумий қонуниятларига мутлақо ёт эмас. Қайсидир нуқталари билан умуман ижод ва ижодкор муаммоларига жавоб топишимизга қўл келади. Ижод психологиясини параллеллаш, муқоясавий ўрганиш имконини беради.

Бинобарин, Л.Толстой руҳиятида кечган бундай эврилишлар, инкор, тасдиқнинг параллел келиши каби мураккаб ҳолатларни жаҳон адабиётининг бошқа ёзувчилари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундай ҳолни биз Ф.Достоевский ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ёзувчи қалбидаги буюк инсоний олижаноблик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, камбағалпарварлик унинг деярли барча асарларида етакчи пафосга айланган.

Психолог олимларнинг ёзишича, буюк шахслар ўз ақл-заковати ва илми билан авлиё даражасига эришади. Таниқли невропсихолог олим, тиббиёт фанлари доктори З.Ибодуллаевнинг “Асаб ва руҳият” китобида буюк шахслар,

¹Намозов А. (тўплаб нашрга тайёрловчи) Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.– Б.61

доҳий ва алломалар, ёзувчилар, фавқуллода қобилият эгалари, чапақайлар ва бошқа руҳият соҳибларининг ўзига хос характер хусусиятлари, одатлари, табиатида бўртиб кўзга ташланувчи жиҳатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади ¹. Ф.Достоевский руҳиятидаги инжалик, айти пайтда, уни бир умр таъқиб этган касаллик (эпилепсия) аломатлари асарлари руҳиятига чуқур сингиб кетган. Унинг етакчи қаҳрамонлари – князь Мишкин, Раскольников, Карамазов образларида бевосита Достоевскийга хос жиҳатларни кўрамиз. Улардаги кўпқатламлилиқ, мураккаблиқ, полифоник фикрлаш тарзи айнан муаллифнинг серқатлам табиатидаги хусусиятлар эканига амин бўламиз.

Франц Кафканинг кундаликларида болалигидан қалбига кўрқув ҳиссини сингдирилганлигини, бу кўрқув отасидан яшириб юрган сири – китобга бўлган меҳри, отасидан яшириб ўқиш ва ижод қилишлари, хабардор бўлиб қолишидан хавотир бола руҳиятида таъқиб қилувчи кучга айланади. Унинг ёзишича, мана шу таъқиб қилувчи куч асарларидаги ҳадик, кўрқув, ёлғизлик, зулмат ранглариининг қуюқлашувига олиб келган. Бу ҳолат ёзувчининг “Жараён” романида бутун мураккабликлари билан намоён бўлганига тадқиқотчилар эътибор қаратишган. Ф.Кафканинг қуйидаги сўзлари фикримизни қувватлайди: “Мен танқидчи эмасман. Мен маҳкум ва томошабинман, холос...(адолатсиз жамиятдан, иш фаолиятдан воз кечиб ижод қилиши, ўзига фаолиятсизман дея баҳо бериши – Ф.Б.) Менга ёруғ фабрика, уйлар, рўпарадаги дераза халал беради...(Ҳадик, кўрқув, фабрика –ота истагига қаршилиқ, дераза – нигоҳ, таъқиб белгисини билдиради – Б.Ф.) Мен ёлғизман...”² Айтиш жоизки, Кафка ўз ижод намуналарини “ўта шахсий ёзишмалар ва кўнгил эрмаклари” дея баҳолаб, уларнинг нашр этилишини истамайди. Шу боис аксарият асарлари ўлимидан сўнг Макс Брод томонидан чоп этирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, адабий-эстетик принциплар билан ижодий жараённинг теранлашуви, кўп овозлилиги, мураккаблашуви, асосан, ижодкор шахсиятидаги ўзгаришлар, унинг дунёқараши, табиат ва жамиятда кечаётган глобаллашув

¹ Бу ҳақда қаранг: Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. — Тошкент: Sharq, 2015. – Б. 188-194

² Яноуш Г. Кафка билан суҳбатлар// Жаҳон адабиёти. 2006, № 4. – Б.105-108

жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Масалан, 80-йилларнинг охирларига келиб, ўзбек халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги катта ўзгаришлар, мустақиллик сари ташланган илк қадамлар, шўро мафкураси қолипларининг парчаланиши, соцреализм ижодий методи принципларининг инкор этилиши ва парокандаликка учраши ижодкорларимиз руҳиятида ҳам мураккаб ижтимоий психологик ҳолатни вужудга келтирди¹. Бу даврда худди XX аср бошидаги “қадимчи”лар билан “жадид”лар ўртасида бўлганидек сараланиш жараёни бошланди. Мустақиллик бу жараёнда илғор дунёқарашга эга бўлган “шўро қолиплари”ни инкор этувчи, жаҳон адабиётига хос илғор ифода усулларини ўзбек адабиётига дадил татбиқ этаётган бир гуруҳ ёзувчи ва шоирларни етиштирди. Уларнинг айримлари ўз ижодини 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида бошлаган ва ўзларининг янгича концепциялари, давр адабиётидан фарқланувчи ижоди билан кўзга кўринган авлод бўлса, айримлари мустақиллик йилларида ижод майдонига кириб келган ижодкорлардир. Булар олдинги авлодлардан ҳаёт тарзи, фалсафаси, адабий-назарий қарашларининг ўзига хослиги билан ажралиб турадилар. Жаҳон адабиётида кечаётган тенденциялар, фалсафалар, эстетик қарашлар, психологик жарёнлардан бевосита хабардорлар. Шу боис улар яратаётган асарлар аввалгилардан фалсафий теранлиги, рамзийлиги ва психологик талқинларнинг серқатламлиги билан фарқланади.

Биз бу ўринда М.М.Дўст, Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Султон, Х.Дўстмухаммад, О.Отахон, Т.Мурод каби ўтган асрнинг 80-йилларида адабиёт оламига ўз “овози” ва “соз”и билан кириб келган ёзувчиларни назарда тутмоқдамиз. 80-йилларнинг охири ва 90-йиллардан бошлаб адабий жараёнда фаол иштирок этиб келаётган Н.Эшонқул, Т.Рустамов, Л.Бўрихон, А.Йўлдошев, У.Ҳамдам, С.Вафо, З.Қуролбой қизи, И.Султонларни юқорида номлари саналган янги авлоднинг издошлари дейиш мумкин. Улар ўтган давр мабойнида нафақат бадий ижодлари билан, балки адабий-эстетик қарашларининг ўзига хослиги билан ҳам адабий жараён қиёфасини ўзгартиришга уринмоқдалар. Уларнинг

¹ Бу ҳақда қаранг: Қахрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёни. – Тошкент: Алишер Навоий номида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б. 14-22

мустақилликкача ва ундан кейин ёзилган роман ва қиссалари, ҳикояларини кўздан кечирсак, бу фикрнинг ҳақиқат экани ойдинлашади. Масалан, Х.Султоннинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, М.М.Дўстнинг “Лолазор”, Э.Аъзамнинг “Атойининг туғилган йили”, “Байрамдан бошқа кунлар” асарлари, О.Отахон ва А.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммаднинг туркум қисса ва ҳикоялари мана шундай поэтик ўзгаришлардан далолат беради.

Бизнингча, адабий жараёндаги бундай янгиланишлар жамият ва индивидуал онгдаги кескин реакцион жараёнлар билан изоҳланади. Шўролар тузумининг қулаши, миллий ўзликни англашга интилиш, ўттиз йил ичида ижтимоий ҳаётда рўй берган кескин ўзгаришлар (қайта қуриш, бозор иқтисоди, истиқлол, диний ва миллий қадриятларнинг тикланиши) ўзбек ёзувчи-шоирлари индивидуал бадиий тафаккурида шундай акс-садо берди. Натижада ўзбек адабиёти, хусусан, эпик тафаккурида туб янгиланишлар кўзга ташлана бошладики, биз буни тадқиқотимиз объекти бўлган Н.Эшонқул, У.Ҳамдамлар ижоди мисолида яққол кўришимиз мумкин.

I боб бўйича хулосалар

Адабиётшуносликдаги ижодий жараён ва ижодкор шахс тушунчаларининг илдизлари инсониятнинг узок тарихига бориб боғланади. Инсондаги эрк ва озодликка интилиш эҳтиёжи унда ижод иштиёқини туғдирди. Ижодий жараён эса ўзининг адабий-эстетик, фалсафий-психологик омилларига кўра кўп қирралидир.

Ижодий жараён, биринчи навбатда, шахсий, психологик ҳодисадир. Ундаги руҳий-маънавий эҳтиёжлар ва истаклар инсонда ижодкорлик хусусиятларини шакллантиришга омил бўлади. Руҳий-маънавий эҳтиёжлар остида инсоннинг илоҳиётга бўлган интилиши ётади. Инсон ўзи кўриб, ҳис этиб яшаётган дунёсидан ўзга дунёлар ҳақида фикр юритганда уни беихтиёр ижодий кайфият чулғаб олади. Шу йўлдаги машаққат ва изланишлар санъат асарининг дунёга келишига омил бўлади.

Моддий-биологик эҳтиёжларнинг ҳам шахс ва ижодий жараённинг шаклланишида муҳим ўрни бор. Психоанализ асосчиси З.Фрейд ушбу ҳодисани ўрганар экан, бирёқлама фикрлайди. Инсон онг ости истакларининг ижодий қувватга

айланиш жараёнларини унинг биологик имкониятлари билан чеклаб қўяди. Олим гарчи бу борада муайян кашфиётлар қилган, салмоқли ютуқларга эришган бўлса-да, ижоднинг илоҳий моҳиятини тўлалигича очиб беришга эриша олмаган.

Бадиий тафаккур тарихида ижодкор шахсияти ва ижодий жараёни ижтимоий ҳодисалар билан муштарак талқин этиш, шахс тушунчасини ижтимоий ҳаёт воқелигига боғлаб тушунтиришга уринишлар ҳам етарлича учрайди. Аммо бадиий ижод соф ижтимоий ҳодиса бўла олмаганидек, ижодий жараён ва ижодкор шахси ҳам буткул ижтимоий ҳодиса бўлиши мумкин эмас. Бу фикрнинг тўғрилигини собиқ шўролар даври адабий сиёсатининг инқирози тўла тасдиқлаб турибди.

Том маънодаги бадиий ижод ва ижодкор шахсияти, бизнинг хулосамизга кўра, юқорида саналган барча жараёнларни ўзида мужассам этади. Яъни шахс ўзини ўраб турган илоҳий, маънавий, ижтимоий, фалсафий, миллий ва умуминсоний муҳит таъсиридан холи тарзда намоён эта олмади. Илоҳийлик, инсоннинг биологик, ижтимоий, психологик, руҳий-маънавий олами, билим-тажрибаси бир бутун ҳолатда ижодкор шахси ҳамда ижодий жараёни ташкил этади. Ҳар бир ижодкорда шахс ва унинг эстетик позицияси параллел ҳолатда намоён бўлади.

Ҳар бир бадиий асарнинг яратилишида шубҳасиз ижодкорга туртки бўлган, уни ижодий жараёнга ундовчи бир қатор ички ва ташқи омиллар мавжуд. Бунга ташқи омил сифатида ижтимоий ҳаёт унда кечаётган муайян воқеа ва ҳодисалар, умуман олганда исталган нарса-ҳодисалар бўлса, ички омил сифатида ижодкор “мен”идаги ички эврилишлар, кечинмалар, таъсирланиш ва ҳоказолар орқали ижодга бўлган интилиш, яъни илҳомнинг пайдо бўлишидир. Илҳом ёзувчини бадиий ижодга йўллайдиган, отлантирадиган психологик омилдир. Илҳом билан ёзилмаган асар куруқ, ҳиссиз ва туйғусиз бўлиб қолади, китобхонда ҳеч қандай муносабат уйғотмайди. Илҳом эса бадиий асарнинг завқ-шавқ, пафос билан яралишига олиб келади. Илҳомнинг муҳим хусусиятларидан бири бадиий асардаги психологик талқинларнинг китобхонга “юқишига” замин тайёрлашда намоён бўлади. Бадиий ижод ва ижодий жараёнга, бадиий асар яратилишига хос бўлган ҳодисалар шундай бир ижтимоий-маънавий ва психологик ҳодисалар силсиласики, унинг барча

қирралари ижод жараёнини ҳосил қилишда, бадиий асар яратилишида бирдек иштирок этади. Ёзувчи билан китобхонни, ёзувчи билан бадиий асарни, бадиий асар билан китобхонни бири-бири билан боғловчи мустақкам бир механизмга айланади.

Умуман, ижод жараёнида, хусусан, эпик қамровдорлик муҳим ҳисобланган насрий ижодда туйғу ва тафаккурнинг уйғун бўлиши қонуниятдир. Туйғуга йўғрилмаган эпик образ бадиийлик касб эта олмаганидек, тафаккур етакчилик қилмаган ҳис-туйғу ҳам эпик талқинга айлана олмайди.

Ёзувчи асарларини унинг шахсияти, биографияси, рухий-психологик ҳолатлари, оила муҳити, ижтимоий доираси, хусусан, шу асосда шаклланган адабий-эстетик қарашларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёзувчининг: а) ижод жараёнида шахс даражасига кўтарилиши, ўзлигини англаши; б) оддий одамлардан фарқланувчи ички интуицияга эгаллиги; в) илҳом жараёнларини тўғри англаб, уни тўғри тарбиялаши натижасида шахс ва ижод уйғунлиги майдонга келади. Ижодкорнинг аниқ ва мукамал эстетик қарашлари шаклланади.

Ёзувчи феноменини шакллантирувчи яна бир жиҳат у мансуб жамият орасида амал қилаётган фалсафалар, психологик жараёнларга нисбатан аниқ позициянинг мавжудлиги билан белгиланади. Ўз фалсафий қарашлари хусусида муайян тўхтамга эга бўлган, унинг башарият манфаатларига мувофиқлигини англаган ва бунга кўника олган ёзувчигина умумбашарий асарлар ёза олади. Рус ёзувчиси Л.Толстой ижодий йўли бизни шундай хулоса чиқаришга ундайди.

Ўзига хос шахсияти, фалсафаси, ижодий принциплари, адабий-илмий концепциясига эга ёзувчи эндиликда адабий жараённинг фаол иштирокчисига айланади. Унинг табиат, жамият, инсон шахсияти, санъат ва маданият ҳақида айтган фикрлари умуммиллий, умуминсоний кўлам касб этади. Бевосита бадиий ижод ва адабиётга доир қарашлари эса иккиёқлама моҳият касб этади: 1) жамиятнинг эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилади; 2) ижодий мукамалликка асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан ёзувчи бадиий асарларини унинг адабий-эстетик қарашлари билан муқоясавий ўрганиш наинки бир ижодкор, умуман адабий жараён ва ижод психологиясига оид назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

II боб. НАЗАР ЭШОНҚУЛ ИЖОДИДА БАДИИЙ ИДРОК ВА ТАНҚИДИЙ ТАФАККУР СИНТЕЗИ

2.1. Ёзувчи “мен”и ижодий тамойиллар асоси сифатида

Назар Эшонқул адабиётга ўз овози ва мустақил бадиий концепцияси, ифода усули билан кириб келган ёзувчидир. Н.Эшонқул ва унинг замондошлари ўзидан олдинги ёзувчилар авлодидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Бундай принциплар фарқлар Н.Эшонқул авлоди ижодкорларининг шахсияти, айти пайтда ижодий тамойиллари шаклланган давр, тузум характери билан ҳам боғлиқ, албатта.

Аввало, бу авлод ижодида мафкуравий тазйиқ излари яққол сезилмайди, миллий доирадаги муаммолар нисбатан очиқ-ойдин баён этилади; иккинчидан, ўтган тузумга хос иллатлар уларнинг асарларида эркин ва атрофлича ижтимоий-бадиий таҳлил этилади, унга нисбатан аниқ концептуал муносабат билдирилади; учинчидан, Н.Эшонқул авлоди асарларида поэтик экспериментлар қилиш имконияти кенг ва улар бу имкониятдан етарли даражада фойдаланадилар; тўртинчидан, Европа, Америка ва Латин Америкаси адабиётига хос бадиий тенденцияларга мойиллик бу авлод эстетик дунёқарашининг етакчи хоссаларидан ҳисобланади; бешинчидан, ушбу авлодга мансуб ижодкорлар жаҳон адабиёти ва назарияси муаммолари, дунё адабиётида мавжуд адабий оқим ва методлардан яхши хабардор. Хабардоргина бўлиб қолмай, бу ҳақда эркин фикр юрита оладилар.

Бу авлод, хусусан, Н.Эшонқул поэтик идроки, адабий-эстетик қарашлари мана шундай ижодий принциплар асосида шаклланган. Уларнинг бош мақсадлари, бизнинг фикримизча, адабий муҳитни янгилаш, ижодий принципларни қайта шакллантириш, жаҳон адабиётидаги энг илғор тенденцияларни миллий адабиётга синтезлашда намоён бўлади. Албатта, бунда турли бадиий экспериментлар, ифода усулларидаги янгилинишлар билан бирга адабий-танқидий ишларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Тадқиқотимиз объекти бўлган Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам асарларида бадиий ижод жараёнидаги эстетик

тамойиллар, поэтик экспериментларнинг танқидий асарларда изчил акс этганига гувоҳ бўламиз.

Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, ушбу анъана Шарқ ва Ғарб адабиёти вакиллари ижодида ҳам мавжуд бўлиб, Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам асарларида уч кўринишда намоён бўлади: а) жаҳон ва ўзбек адабиётида кечаётган поэтик ҳодисалар, муайян адабий шахсиятларга эстетик муносабат тарзида; б) ўз ижод лабораторияси, ёзилган ва ёзилаётган ижод намуналари ҳақидаги ўйлар, фикр-мулоҳазалар, баҳолар тарзида; в) изчил, режалаштирилган илмий тадқиқотлар тарзида (бу жиҳат кўпроқ адабиётшунослик муаммолари билан махсус шуғулланган У.Ҳамдам ижодига хос).

Замонавий жаҳон ва ўзбек адабиётида рўй берган бирон муҳим ҳодиса йўқки, у Н.Эшонқул эътиборидан четда қолган бўлсин. Турли ҳажм ва шаклдаги бадиий эсселар, мақолалар, такриз, суҳбат, адабий баҳсларда Н.Эшонқул бадиий идроки ва танқидий тафаккурининг ўзига хослиги кўзга ташланади.

2014 йилда ёзувчининг “Мендан “мен”гача” номли адабий-танқидий асарлар тўплами нашр этилди. Китобдан Н.Эшонқулнинг қарийб ўттиз йиллик тажрибалари, адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Китобнинг қамров доираси ўта кенг. Унда Шарқ ва Ғарб классиклари, ўзбек насри ва шеърятининг забардаст вакиллари ижоди муҳим ижодий феномен – ижодкор “мен”и доирасида талқину таҳлил этилган.

Китобнинг “МЕН”ни излаб...” номли дастлабки қисмида адибнинг ижодкор шахси моҳиятини белгиловчи, ўзлигини намоён этувчи ядроси – “мен”лик олами ҳақида фикр юритилади.

Ушбу асарда, энг аввало, ижодкор ким, унинг ўзлиги қандай намоён бўлади, ижодкорнинг яратувчанлик салоҳияти нималарда кўринади, деган саволларга жавоб изланади. Унинг шахс даражасига кўтарилиши ёки шахсизлик доирасида қолиб кетишининг сабабларини омиллари нимада тарзидаги аниқ ва шафқатсиз саволлар қўйилади. “Мен” и ва “менсизлик” ижод жараёнида қандай намоён бўлади каби масалалар адабий материаллар асосида таҳлил этилади.

Назар Эшонқул “мен”ликни яратувчанликда деб билади. Муаллиф фикрича, гўзалликни ҳамма ҳис қилиши, завқланиши,

хайратланиши, маънавий озуқа олиши мумкин, лекин уни яратиш фақат ўз “мен”ига эга бўлган инсонлар кўлидан келади. “Гўзаллик ва “мен” ўртасидаги муносабат воқеликни тасвирлаш даражаси билан эмас, воқеликни ўзгартириш, уни ўзига ва ўз идеалига мослаштириш, ундаги инсон ва дунё ҳақидаги изтироблар даражаси билан ўлчанади. Воқеликни тасвирлаш қобилият эмас, воқеликни яратиш қобилиятдир”¹.

Демак “мен-истеъдод”гина чинакам гўзалликни яратишга кодирдир.

Ёзувчи “мен”ликнинг намоён бўлишида реал воқелик, ташқи таъсирни инкор қилмайди. Бироқ бадиий асар ташқи оламнинг инъикосигина эмас, балки бутунлай янгидан яратилган ёзувчи “мен”ига тааллуқли бўлган ва кашф этилган поэтик топилмадир. “Ташқи олам ва бу “дунё” ўртасидаги фарқ ёзувчи маҳорати, савияси, мақсади ҳамда идеали билан ўлчанади”².

Назар Эшонқулга кўра, “мен”ликни намоён қилувчи яна бир муҳим хусусият шахс тушунчасидир. Яъни асл “мен” фақат шахсда намоён бўлади. Шахс ўз фикри, дунёқараши, ўз сўзи, ўз овозига эга инсон. Шахсизлик эса, аксинча, фикрсизликдир. “Фикр – ботиний қиёфа, одамнинг, шахснинг ички қиёфасини кўрсатиб турувчи кўзгу. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига хослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр, аслида, “мен” мавжудман дегани. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик кўпчийди. Менинг фикрим – бу менинг қиёфам... Фикрсизлик маънавий ўлимдир”³, деб ёзади бу ҳақда ёзувчи.

Н.Эшонқул шахсизликнинг ижтимоий асосларига нигоҳ ташлайди. Унингча, шўро даврида ҳоким мафкура адабиётда шахсларни йўқ қилиш ва шахсизликни юзага келтириш учун кўп ҳаракат қилди. Ўз мақсадига буткул эриша олмаган бўлса-да, талайгина ўз “мен”ига эга бўлмаган ранг-туссиз асарларнинг яралишига замин тайёрлади.

Фалсафа, психология, эстетикага оид адабиётларда инсоннинг ўзлиги, ахлоқи, ижтимоий муносабатлари унинг шахсида намоён бўлиши таъкидланади. “Шахс мустаҳкам имон-

¹ Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnash, 2014. – Б.7

² Ўша манба. – Б.8.

³ Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnash, 2014. – Б.14-15.

эътиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир”¹. “Шахс – ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир”². “Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ – “Мен” образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди ва унинг баркамоллиги мезонларидан ҳисобланади. “Мен” образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади”³. Тўғри, бу таърифларда психологик ёндашув етакчилик қилади. Асар муаллифлари умуман шахс тушунчаси ҳақида фикр юритадилар. Уларда Н.Эшонқул талқинидаги каби ижодкор шахс феномени алоҳида ажратиб олинмайди. Аммо шунга қарамасдан бу икки талқин ўртасида умуминсоний муштаракликлар бор.

Н.Эшонқул ижодкор шахс ҳақида фикр юритганда, у қандай сифатларга эга бўлиши лозим, деган масалани ўртага кўндаланг қилиб кўяди. Ижодкорнинг биологик инсонлардан фарқ қилувчи алоҳида хусусиятларига эътибор қаратади. Бундай алоҳидалик – индивидуалликни ёзувчи ижодкор шахс “мен”ида деб билади. Н.Эшонқул адабий-эстетик қарашлари асосини “фақат ўз “мен”ига эга бўлган ёзувчигина чинакам бадиият намуналарини яратади”, деган аниқ концепция ташкил этади. “Мен” фақат юрак эмас, у бўй кўрсатаётган дунёнинг асосчиси ва маънавий ҳокими ҳамдир”⁴. Демак, ёзувчи шахсини унинг ижтимоий фазилатлари эмас, ички “мен”и кўтариб туради. Айни пайтда, ёзувчи асарлари билан шахсиятининг бир-бирига мос келмаслиги ўзлик, яъни ўз “мен”ини билишга интилишнинг йўқлиги оқибатидир. “Шахс ақлий идрок маҳсули, ижод эса онг ости кечинмалар маҳсулидир”⁵.

Асл “мен” – ижодкор “мен”дир. У бошқалар илғамаган, англамаган моддий ва маънавий, ташқи ва ботиний ҳолатларни

¹ Фалсафа асослари. – Тошкент., 2015. – Б. 275.

² Каримова Б. Психология. – Тошкент., 2002. – Б.42.

³ Ўша манба –Б.51.

⁴ Эшонқул Н. Мендан “Мен”гача – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.7.

⁵ Эшонқул Н. Шу китоб. – Б.113.

англайди. Фақат англаш, идроклаш билангина чекланмайди, ўз ижод намуналарида қайта кашф этади. “Мен ижоддан холи нарсаларни яратувчилик деб аташларига қаршиман. Ижод йўқ жойда яратган ҳам, яратувчилик ҳам бўлмайди. Ижодий завқ олиш сўнган дақиқадан турғунлик бошланади, ижодий завқ тугаган жамият таназзулга юз тутаяди. Ижод – буюкликни ва Парвардигор қудратини англаш ҳисси”¹. Кўринадики, Н.Эшонқул ҳақиқий маънодаги ижодкор ижод билан тирикликка урғу бермоқда. Ижодкор шахс ўз ҳаётини ижод қилган дақиқаларининггина яшайди. Умрининг қолган вақтларида оддий одамлардан фарқ қилмайди. Лекин шуни унутмаслик лозимки, ижоднинг олдинги бобда қайд этилган уч босқичи унда доимий тарзда давом этиб туради. Ижод кайфиятидаги ёзувчи олам ва одамларни ижодкор нигоҳи билан кузатади. Ўз асарлари сюжетини, образларни, деталлар ва метафораларни хотирасида сақлашга ҳаракат қилади. Ёзиш жараёнида ижоднинг кульминацион нуқтасига чиқса, қайта ўқиш жараёнида мунаққид, адабий тафтишчига айланади. Ҳақиқий ижодкор, бизнингча, камдан-кам ҳолатлардагина оддий одам бўлиб яшайди.

Муаллиф ижодни яратувчанлик билан боғлар экан, ижод ва ижодкорлик ҳақида ҳам ўзига хос қарашларни илгари суради. Ижодни илоҳий ҳодиса деб билган муаллиф, уни мавжудлик фалсафаси билан боғлайди. Ижодни ёзувчи “мен”ини, мустақил “мен” мавжудлигининг тан олдириш воситаси деб билади.

Ёзувчи ижодни ҳар қандай зўравонликни инкор қилувчи куч сифатида баҳолайди. Зўравонлик ва жаҳолат ижоднинг энг катта душманидир. Улар азалий ва абадий зиддият, курашда яшайдилар. Н.Эшонқул таърифича, чин ижод зўравонлик, жоҳилият, зулматга қарши исёндр.

Кўриниб турибдики, Н.Эшонқул ижодни инсон руҳини таназзулдан қутқарувчи восита деб билади. Инсоннинг мағлубиятга маҳкумлигини таъкидлаш баробарида ижодда ижтимоийлик, яъни халоскорлик руҳи борлигини эътироф этади. Адиб ўз қарашларини файласуфна ифодалаб, ҳар қандай қудратли инсон ҳам барибир мағлуб, деган хулосани беради. Асрлар мобайнида не-не жаҳонгирлар ҳам “мен ғолибман”, деб

¹ Эшонқул Н. Шу китоб. – Б.19.

ўтишган бўлса-да, охир-оқибатда мағлубиятга маҳкумлигини Искандар ҳақидаги афсонага боғлаб талқин қилади. Фақат ижодгина инсонни мағлубиятдан қутқариб қолишини таъкидлайди.

Н.Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Хароба шаҳар сурати”, “Сибизға воласи”, “Муолажа”, “Қултой” сингари асарлари матнида инсон табиатида шундай жиҳатлар акс этганини инкор этиб бўлмайди.

Маълумки, Н. Эшонқул ўз ижодини “Уруш одамлари” номли реалистик қисса билан бошлаган эди. Бу қисса адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди ва яна бир истеъдодли ёзувчи пайдо бўлаётгани эътироф этилди. Шундан кейин ёзувчи ўзининг ифода йўсинини ўзгартириб, дастлаб, “Маймун етаклаган одам” (1989), кейинчалик эса “Қора китоб”, “Тун панжаралари” каби қисса ва ҳикояларини яратди.

Ёзувчи адабий-эстетик қарашлари худди шу маънода бадиий ва адабий-танқидий, фалсафий-психологик ижод ўртасида доимий ҳаракатда бўлган ёзувчи ижодий “мен”ининг умумлашма образида намоён бўлади. Н.Эшонқул эстетик қарашларидаги фикр-ғояларини бадиий асарларини яратиш жараёнида кўнгил призмасидан ўтказиб, кўнгилнинг суратлари ўлароқ гавдалантиради.

Масалан, адиб шўро даври сиёсатининг ёзувчи шахсини маҳв этишга қаратилган мафкураси ҳақида фикрлар экан, шахссизлик оқибатини вайрона қилинган шаҳар тарзида рамзлаштиради. Уни кўнгил харобалари деб атайти. “Шахс йўқ жойда биз ҳамиша маънавий харобаликка, турланиб-тусланишларга дуч келдик”¹.

Ушбу концепция ёзувчининг “Хароба шаҳар сурати” асарида худди рассом чизган суратдек ҳикояга кўчган.

Ёзувчи ва мунаққид Хуршид Дўстмуҳаммад Н.Эшонқул ҳикояларини таҳлил қилар экан, уларда шахс тушунчаси марказий ўринда туришини эътироф этиб, шундай ёзади: “Н.Эшонқул ўз қахрамонлари дунёқарашини шахс ва жамият, шахс ва ўтмиш, шахс ва муҳит муносабатларини очиқ-ошкора

¹Эшонқул Н. Ўша асар. – Б. 8.

тахлил этиш йўли билан гавдалантиради”¹. Дарҳақиқат, Н.Эшонқул қаҳрамонлари ўтмиш, бугун ва келажакдан иборат замон-маконлар ичра ўзлигини қидираётган, наинки шахсий ўзлиги, хатто миллий ҳамда умуминсоний ўзлик томон интилаётган мураккаб образлардир. Уларнинг маиший маконлар ичра хонанишин қаҳрамонлари ҳам умуминсоний дард билан қоришиб истиқомат қиладилар. Байна момо каби қасос ва ёлғизлик изтироби оғушида ёниб кул бўладилар. Шу тариқа жаҳоний поэтик образлар (Г.Маркес, Робека) мақомига кўтарилади.

“Шахс сифатида ўзини, даврини, замонини муттасил мушоҳада чиғириғидан ўтказишга мойиллик – интеллектуал қаҳрамонлар образини яратиш Н.Эшонқул ҳикояларининг ўзига хослигини ташкил этади”. – деб фикрини давом эттиради Х.Дўстмуҳаммад. “Адибнинг қайси ҳикоясини таҳлил этмайлик сюжет қурилмаси, конфликт, оҳанг – барчаси ўйчан ва сермушоҳада наср намунаси эканини кўрамиз. Уларда воқеалар, тақдирлар, персонажлар кўлами эмас, қаҳрамон қалби шуурида кечаётган ўй-мушоҳадаларнинг таҳлили биринчи планга чиқади. Воқеаларнинг, тўқнашувларнинг ўзи эмас, улардан қолган кечинмалар тадқиқ объектига айланади”². Танқидчи бу фикрларни Н.Эшонқулнинг “Тобут”, “Муолажа”, “Ажр”, “Истило” (Айни ҳикоя таҳрир этилиб, ҳозир “Эволюция” номи билан чоп этилган – Ф.Б.), “Бевақт чалинган бонг”, “Маймун етаклаган одам” ҳикоялари таҳлили асосида баён этади.

Н.Эшонқул асарларида ёзувчи шахсияти, унинг “мен”и ўзига хос тарзда намоён бўлади. Унинг қаҳрамони том маънода кўнгил одами. Одам ва одам орқали оламни англаш қаҳрамоннинг мураккаб руҳий кечинмалари, сўнгсиз ўй-хаёллари, изтиробу дилтангликлари аро кечади. Қаҳрамон “мен”и бу оламда яшамайди. Энг аввало ўз “мен”и оламида намоён бўлади ва шу олам орқали ташқи оламга назар солади.

Н.Эшонқул ўзининг адабий-эстетик қарашларида, адабий суҳбатларида ҳам ҳаётнинг улкан ва сўнгсиз ҳақиқатлари

¹ Досмухамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгилиниши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс. – Тошкент: - 1995. – Б.32

² Досмухамедов Х. Шу манба. – Т.: 1995. – Б.31-90.

тўғрисида фикр юритади. Унинг асарларида акс этган олам оддий ҳаётини воқелик асосида эмас, балки олам билан одамни боғлаб турувчи асл ришта – олам ва одам бир бутунлиги ҳақидаги олий ҳақиқатларга таянади. Н.Эшонкул қаҳрамонлари “мен”и, ёзувчи шахсияти ана шу катта илоҳий ҳақиқатларни англаш йўлида кечинмалар кечириётган, руҳан покланаётган ёки ўзини англашга ҳаракат қилаётган шахсдир.

Адиб дунёқарашидаги энг характерли жиҳат Ғарб ва Шарқ фалсафаси алал оқибат битта ғояда бирлашади, деган хулосада намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида Шарқу Ғарб қарашлари уйғунлашиб, бирикиб кетади. Адибнинг “Тун панжаралари” қиссаси ҳам шу ғоя билан суғорилган. Ёзувчининг “Маймун етаклаган одам” китобига сўз боши ёзган Хуршид Дўстмуҳаммад “тун, хароба, зулмат, тобут, ўлик, оғриқ сифатлари умумлашиб, Н. Эшонкул бадиий тафаккури ўқ чизиғини ташкил этади”, деб ёзади. Адабиётшунос Д.Холдоров ҳам айтиши фикрнинг тасдиғи сифатида адиб услубида ранг билан боғлиқ рамзлар муҳим роль ўйнашини, қора ранг ёзувчи асарларининг сарлавҳаларига ҳам чиққанини эътироф этади¹.

“Тун панжаралари” қиссасида акс этган воқелик ҳам қора тун фониди метафориклаштирилган. Филол.ф.д. У.Жўракулов кейинги йиллар ўзбек насридаги метафориклик ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бундай асарларда ёзувчи томонидан танланган бирор мавзу ҳамда воқеа бир бутун истиора тизимига айлантиради. Сюжет ва образ умумлашма (типологик) моҳият касб этади. Асар композицияси ўрнини истиора қолипи (метафорик модел) эгаллайди. Натижада асар макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами кенгайди”².

Қиссада ёзувчи воқеликни, аниқроғи “мен”нинг қалб кечинмаларини тун манзаралари орқали ифода этади. Тун қаҳрамоннинг фаолият майдони. Асарни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин: дастлаб, қаҳрамоннинг қоқ тунда битаётган мактуби; иккинчиси, айтиши шу мактуб битиши жараёнидаги руҳий ҳолати.

¹ Холдоров Д. Ижод моҳияти – услуб ҳосияти. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. – Б. 60.

² Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ф.Ғулум, 2015. – Б. 260.

Айни чоғда бу типдаги асарларда инсон руҳиятини турли хил бадиий деталлар (нутқий, хатти-ҳаракат, имо-ишора ва ҳ.к.), диалог ва монологлар, кечинмалар ва бошқа тасвирий воситалар орқали акс эттириш самарали натижа беради. Инсоннинг ички, яъни ботиний оламини кўрсатишда, зиддиятли ҳолатларни тасвирлашда ички монолог катта роль ўйнайди.

“Тун панжаралари” қиссасида инсон моҳиятининг намоён бўлиши “мен”нинг онгида кечаётган ўй-фикрлар орқали эпифания асосида, яъни муаллиф иштирокисиз очилади. Маълумки, инсон онгида кечаётган ўй-фикрлар, хаёллар бетизгиндир, шу боисдан, бу қиссада аниқ мақсадга йўналтирилган анъанавий сюжет йўналиши йўқ. Бу Н.Эшонқул модернча услубига хос хусусиятлардан бири саналади.

Қиссада рамзий ифодалар сероб. Тадқиқотчи Ф.Раджапова мазкур қисса таҳлили асосида Н.Эшонқул ўз ижод манерасига кўра рамзийликка мойил адиб эканини таъкидлайди. Ўз таҳлилларини: “Тун панжаралари” қиссаси рамзлар, поэтик кўчимлар нисбатан кенг қўлланилган, ҳаётнинг турфа манзаралари фалсафий-бадиий талқин этилган асардир”¹, деган хулоса билан яқунлайди.

“Мен”нинг фикрий фаолияти асосан тунда бошланади. Бунинг сабаби нимада? Тун ниманинг рамзи? Қиссани ўқиган ўқувчида ҳақли равишда шундай саволлар туғилади.

Аслида тун – қоронғулик, зулмат, ғафлат, шунингдек, сокинлик, осойишталик рамзи ҳамдир. Шу сабабдан асар қаҳрамони фақат сокин тундагина бахт-бахтиқаролик, поклик-тубанлик, виждон-виждонсизлик, умид-тушкунлик, орзу ва армон, ғусса ва қувонч, ялқовлик ва шижоат, хуллас, одам ва унинг тақдир битиги тўғрисида ўй суради. Қаҳрамон “мен”и онгида кечаётган фикрий мушоҳадалар орқали ёзувчи инсон руҳий оламини, ўзига хослиги ва мураккаблигини тасвирлайди. Инсон – мураккаб бир тилсим эканлиги ушбу қиссада ўз аксини топган.

Инсон қалби ва умрининг муайян қисми ҳисобланган “тун” метафораси орқали асл моҳият сари қадам ташлайди.

¹Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph D) дисс. автореферати – Т., 2018. – Б. 17

Асардаги тасвирлар Чўлпоннинг XX аср бошларида яратган тун поэтик образини ёдга туширади. Зеро, тун ўзига хос бўлган барча кўргуликларни пинҳон тутиб турадиган қора парда. “Барча ёвузликлар, инсон маънавиятига хос кирдикорлар, инсон умрининг ёруғ паллаларида кўринмайдиган жиҳатлари шу қора парда билан беркитилган. Ёзувчи уни панжара деб атайди. Бу қиссада инсон учун ўқилган ўзига хос ҳукм, хулоса”¹.

Асардаги Ҳосила образи мен, сен ва муҳаббат тимсолида ижодкор концепциясини ифодаловчи восита сифатида келади. Асар бир кечанинг тасвири ва фалсафий талқинидан иборат. Қаҳрамон наздида тун нафақат шайтоний хислатларни намоён қилувчи ҳодиса, айти пайтда туннинг ҳам ўзига хос гулзори, улуғворлиги ва гўзаллиги ҳам бор. Ана шу икки жиҳатига кўра тун инсоннинг ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб ҳис-туйғуларини намоён қилиш майдонига айланади. Ёзувчи туннинг айти хусусиятини қаҳрамон қалбида кечаётган кечинмалар фонида бирлаштиради ва бутун улуғворлиги билан намоён қилади.

Ўттиз бир ёшли қаҳрамон бир кечада бутун ҳаётини қайта яшайди. Ассоциатив тасвир этилган асар воқелиги жараёнида ҳам инсоний туйғулар, ҳам шайтоний васвасалар оғушида тўлғонади. Ёзувчи қалби бир вақтлар юрагида чўғ бўлиб илинган муҳаббат ришталари билан Сенга интилади. Сенга интилиш асносида болалик хотиралари ёдга тушади. Ёзувчи Сеннинг дастлабки суратини етти-саккиз яшарлик бола пайтида ҳис этади. Бу болалигида момосига қўшилиб рўза тутганда, куни билан оч юришга чидай олмай ойиси берган қайнатилган тухумни молхонага кириб яширинча ейишлари тасвирида акс этади. Ўша кезларда молхона тирқишидан тушаётган игнадек ёруғ нур бола назарида унинг қилмишини кузатиб, фош қилувчи қудратли куч сифатида намоён бўлади. Шу бир тутам ёруғ нур асарнинг асосий лейтмотивини ташкил этувчи, Сен даражасига кўтарилиб асарда осмону фалакда кезувчи Сен билан кундалик ҳаётида ёнма-ён юриб йўлдан оздиришга уринаётган шайтон тимсолларига муносабат тарзида акс эттирилади.

Умуман олганда, Н.Эшонкулнинг шу туркумга мансуб асарларининг аксариятида шайтон, иблис образлари кўп учрайди.

¹Эшонкул Н. Мендан “Мен”гача . – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 113.

Шайтон образи йўлдан урувчи, гуноҳ ишларга бошловчи сифатида келади. Қиссада шайтон унинг дастлабки асарларини тан олмаган муҳаррир ёки бўлмаса унда-бунда илк севгилиси Ҳосиланинг ёнида пак-пакана ярашиқсиз бўлиб ҳамроҳлик қилиб юрган эри тимсолида ифодаланишини кузатамиз. Энг характерлиси, ёзувчи концепцияси асарда харобага айланган Турсория шахри сурати орқали акс этган ғояда ифодаланади. Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, “Тун панжаралари” қиссаси бошқа асарларнинг ёзилиши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган. Асар қаҳрамони – ёзувчини изтиробга солаётган омиллардан бири унинг ўзлигини излашга ундовчи хаёлий олами – Турсориядир. Н.Эшонқулнинг “Хароба шахар сурати” ҳикоясида ҳам асар қаҳрамони доимо Турсория сари интилади.

Маънавий харобалик – ёзувчи томонидан топилган ажойиб топилма. Турсория ҳақидаги афсона қаҳрамон англаб етган ҳақиқат. Хароба шахар сурати, яъни Турсория ёзувчининг фоний (ижтимоий) дунёдаги кўнгил харобалари. Ёзувчи мана шу харобалар оралаб боқийликка, яъни Турсорияга интилади. Унда фақат шахс мақомига эга бўлган кишиларгина боқий дунёда эришади. Асардаги фалсафий мазмун фоний дунёда ўзингни поклаб, излаб, излаганингга боқий дунёда эришасан, деган шарқона қарашда акс этган.

Турсория ёзувчи меҳр билан тасвирлайдиган макон, ёзувчи идеали. Адибнинг адабий-эстетик қарашларида айни ҳикояда марказий планга чиқарилган шахс тушунчаси, шахссизликнинг фожиавийлик касб этиши ижтимоий тузум билан боғланиб мажозлаштирилган.

Ушбу асарлардаги Турсория деган макон қаердан келиб чиққани, албатта, бир мутахассис сифатида бизни ҳам, ўқувчиларни ҳам қизиқтиради. Бу борада бизда учта версия мавжуд. Биринчи версия, ёзувчи туғилиб-ўсган қишлоқ – Терсота номи билан боғлиқ. Ёзувчи онгидаги ўз қишлоғи образи, шахар ва ижтимоий ҳаётнинг қинғирликларидан холи болалиги ўтган макон Турсория идеалига асос бўлган бўлиши мумкин. Иккинчи версия, туркий “тур” ва форсча “сар” (бош) сўзларининг қўшилиши орқали ясалган қўшма сўз бўлиб, ақл (ақл бошда бўлади-да!) мақомида турмоқ, дунё қинғирликларига ақл кўзи билан қарамокни билдириши ҳам эҳтимол. Охирги версия эса бир

мунча ижтимоий мазмунга эга. Яъни ёзувчи бу макон атамаси билан “турк” ёки “туркийлик” “сари” (томонга) деган ижтимоий жиҳатдан идеал ғояни илгари сурган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Тарихий-бадий асарлар (Бурҳониддин Рабғузий “Қисасул анбиё”, Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи”, Муҳаммадризо Огаҳий “Зубдат ут-таворих”)да қайд этилишича, туркий қавмлар отасининг асл исми Тур бўлган. Н.Эшонқул насридаги етакчи поэтик пафос миллийлик эканини эътиборга олиб қарайдиган бўлсак, шу версия ҳақиқатга яқинроқ туюлади.

Таъкидлаганимиздек, Н.Эшонқул адабий-эстетик қарашларининг иккинчи асосий йўналишларидан яна бирини миллийлик, одамийлик, ижтимоий гуманизм каби ғоялар ташкил этади. Адибнинг маданият ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам алоҳида ўринга эга.

Ёзувчи “Мендан “мен”гача” китобида маданият ҳақида фикрлар экан, олимлик ва одамийлик муаммоларига қуйидагича тўхталади: “Олимлик ҳам маданият белгиси бўлолмайди, агар у ерда одамийлик бўлмаса. Одамийликдан йироқ тараққиёт ҳам худди қолоқлик ва ёввойилик каби ваҳшийликка олиб боради. Одамийлик мезони бўлмаса, суянадиган кутблар йўқолади. Қутбсизлик чегарасизлик, қибласизликдир”¹. Кўриниб турибдики, ёзувчи навоийёна фаол муносабат билан инсонийликни “олимликдан ҳам” юқори қўйиб улуғлайди. “Хароба шаҳар сурати”даги профессор ҳам маълум ташқи ва ички омиллар сабаб ўзлигини унутган, “маънавий харобаликларда турланиб-тусланаётган” шўро даври “қўғирчоғи”. Адиб шогирд тимсолида ўз идеалини, қалбини тирнаётган дардни поэтиклаштириб беради. Ҳикоя сюжетига кўра шогирд Турсория афсонасини унутишни хоҳламайди ва устози эришган ҳамма амаллари сароб эканлигини англаб этади.

Муаллиф “Тун панжаралари” қиссасининг ёзилишига туртки берган сабаблар ичида энг биринчиси сифатида Ж.П.Сартрнинг “Сўз” қиссаси ва унда ёзувчининг ўзини шафқатсиз фош қилиши, ҳаётни кашф қилиш учун яшамаслик керак, деган хулосаси эканини қайд этади. “Тун панжаралари” қиссасидаги қаҳрамон – атрофдаги ҳолат ва фикр турғунлигидан

¹ Эшонқул Н. Шу китоб. – Б. 30-31

безган, “ўзини ўз хаёлига банди қилган, ўзини излаётган одам.”¹ Шу нуқтаи назардан ёндашсак, асар қаҳрамони ўз кўнгил оламини, ички тўғёнларини ёвсиз фoш этувчи кимсадир.

Ёзувчининг адабий-эстетик қарашларида илгари сурилган масалалардан яна биттаси яратилаётган асарлар ҳар бири ижтимоийлик билан у ёки бу даражада боғланишдадир, деган фикрларида кўзга ташланади. Н.Эшонқул ўз асарларида ижтимоий мазмунни мутлақ инкор этмайди. Бу унинг Ғарб модернистларидан фарқ қиладиган муҳим жиҳатларидан биридир.

Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати”, “Зулмат салтанатига саёҳат” каби асарларини ўқисак, улардаги ижтимоий пафосни беҳато англаймиз. Унинг асарларида тасвирланаётган ва қаҳрамоннинг ўз “мен”ини, ўзлигини излаши, бундаги ҳис-туйғулар, руҳий олам товланишлари, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, қалбидаги кўрқув ва қувонч, ёруғлик ва зулмат ҳислари, шайтоний товланишлар ўтмиш ва келажакни ёзувчи “бугуни”, ижтимоий замони билан синтезлаганини кўриш мумкин. Чорасиз исён – уларнинг пайдо бўлиш омиллари, айнан шу нуқтаи назардан, фақат ёзувчи ва қаҳрамонлар ички “мен”га, онг ости жараёнларига эмас, сезиларли даражада ташқи олам, аниқ закон-макон билан узвий алоқадорликда намоён бўлади.

Чунончи, “Қора китоб” қиссасида илгари сурилган бадий концепция, шайтон портретининг чўққисоқол сифатида чизилишида, асар хронотопини белгилашда “юз йил” вақт қамровининг қўлланишида, “Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикоясидаги тўқсонга кирган ёзувчи М.нинг асарлари воситасида орттирилган кўрқув салтанати талқинларида, “Хароба шаҳар сурати”даги хароба ва вайронагарчилик тасвирларида биз ёзувчи қисман яшаб ўтган собиқ шўро тузуми манзараларини ҳис этамиз. “Тобут” ҳикоясида эса бутун бошли шаҳар (салтанат, тузум структураси)нинг ўлим рамзи бўлган тобут шаклида қурилишида, ундаги бири-биридан даҳшатли қора рангларнинг қуюқ тасвири тоталитар тузумнинг бадий метафориклаштирилган қиёфасидир. Ёзувчининг айнан шу

¹ Эшонқул Н. Шу китоб. – Б.68-69.

типдаги асарларида тун, чиркин ва бадбуй ҳид, моғорлаб кетган, зах ҳиди анқиб ётган харобалар тасвирлари етакчилик қилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Худди ижтимоий асоснинг мавжудлиги боис ёзувчи асарларида Ғарб модернизмига хос маънисизлик, тушкунлик психологияси етакчилик қилмайди. “Тун панжаралари” қиссасидаги қахрамоннинг ўзлигини англаб етиб, порлоқ осмондаги “Сен”га интилиши, “Қора китоб” қиссасида шайтонбаччанинг ҳомила давридаёқ бўғиб ўлдирилиши, “Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикоясидаги М.нинг ханжар билан симёғочга санчиб қўйилиши, унга бағишланган мадҳия мақоланинг ёзилмаслиги ёки “Хароба шаҳар сурати”да бутун харобаларнинг ичида ёришиб турган нурнинг мавжудлиги эзгуликнинг муқаррар ғалабасини ифодалайди. Булар Н.Эшонқулнинг Ғарб модернистлари таъсирида ёзган асарларида ҳам ҳаётбахш ғоялар мавжудлигини тасдиқлайди. Чунки Ғарб модернизмининг ядросини ташкил этувчи фалсафа: “Абсурд ҳеч қачон инсоният ҳаёти учун хос фалсафа бўла олмаганидек, ҳеч қачон универсал бадий фалсафага ҳам айлана олмайди”¹.

Н.Эшонқул шу тариқа кўплаб адабий-эстетик тушунчага алоқадор бўлган масалаларни жамлаб, адабиётнинг бош вазифаси ҳақида муҳим хулосага келади. Унинг фикрича, адабиётнинг бош вазифаси: “...бевосита ҳам, билвосита ҳам инсонни “тарбиялаш”² дан иборат. Чинакам адабиётни истеъдодлар яратади, янгилайди, ўзгартиради. Чинакам адабиёт ҳамиша инсонни, унинг ўзлигини, дардини қаламга олади. Шу боис ҳам унинг марказида ҳамиша бош ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН туради.

Н.Эшонқул эстетик қарашларининг яна бир муҳим жиҳати Шарқ ва Ғарб фалсафаси, унинг адабиётдаги ўрни ҳақидаги кузатишларда кўринади. Адиб фикрича, Шарқ ва Ғарб фалсафасининг адабиётдаги ифодаси бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг моҳият сари тортилган йўли ягонадир. Бу фикрни ёзувчи Данте, Навоий, Шекспир ижодини муқояса қилиш асосида кўрсатишга ҳаракат қилади. Адабиёт алалоқибат мангу, боқий муҳаббат ҳақида қуйлайди: “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Ромео ва

¹Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 9.

² Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnash, 2014.– Б. 56

Жульетта” асарлари ўртасидаги муштараклик бунинг ёрқин далилидир.

Адибнинг эътирофича, “Қора китоб” қиссасини А.Камюнинг қарашлари таъсирида яратган. Бир ўринда Ф. Кафка асарларидаги мотивлар ўзи учун “юқумли” эканлигини ҳам эътироф этади. “Менга бу қиссани ёзишда туртки берган таъсирлар, сабаблар анчагина. Энг биринчиси Сартнинг “Сўз” қиссаси эди. “Сўз”да ёзувчи ўзини шафқатсиз фош қилади. Қиссадаги “Ҳаётни кашф қилиш учун яшамаслик керак” деган хулоса, “Қора китоб” қахрамонининг “...ҳаётимнинг мазмунсиз эканини англаб етдим”, деган эътирофлари экзистенциализм, асосан Камю таърифлаган инсон ҳақидаги қарашлар таъсирида пайдо бўлган”¹.

XX аср Ғарб адабиёти вакили Ф.Кафка ўз асарлари билан олам ва одам муносабатларини, инсон ва унинг қисматини янги ракурсларда тасвир этган ёзувчидир. У нафақат ўз номини, ҳатто адибнинг бадииятга бўлган иштиёқини бўғишга, уни таъқиқлашга интилган отасининг, оила аъзолари ва саробга айланган муҳаббати тимсолига айланган Фелиция Бауэр хоним номини ҳам мангулик дафтарида битди². Зеро, ҳақиқий истеъдод, ёзувчига инъом этилган илоҳий неъмат қанчалик таъқибу тазйиққа учрамасин, барибир инсониятнинг маънавий меросига айланиб қолаверади.

Хўш, Ф.Кафканинг номини бутун оламга машҳур қилган омил нима? Унинг ўзбек адиблари, хусусан, Н.Эшонқул ижоди билан қандай муштараклик боғлаб туради? Энг муҳими, бу иждокорлар ижодида адабиётнинг асосий тасвир объекти бўлган инсонни, унинг қалб кечинмаларини янгича поэтик идрок қилиш, янгича кашф қилиш бош мақсадга айланишидаги уйғунлик қандай намоён бўлган?

Бу масалалар Н.Эшонқул адабий-эстетик қарашларидаги энг муҳим жиҳатларидан бирини ташкил этади. Адиб “Мендан “мен”гача” китобида Ф.Кафка шахсияти ва ижодига хос хусусиятларни лўнда қилиб, қуйидагича ифодалайди: “У ҳаётнинг бошқалар кўролмаётган, кўришга идроки ва салоҳияти

¹Эшонқул Н. Кўрсатилган асар. – Б. 68-69.

²Эшонқул Н. Кўрсатилган асар. – Б. 273-274.

етмаётган қирраларини, томонларини тасвирлаб, чизиб берди, инсонни таҳликага солаётган ҳикмат – мажозларни яратди”¹.

Бинобарин, ўз қарашларида моҳиятан Шарқ ва Ғарб бир бутун ҳодисалигини илгари сурувчи ва ижодини янгича поэтик ифода билан янгилашга аҳд қилган Н.Эшонқул жаҳонга машҳур Австрия адибидан илҳом олмаслиги мумкинмиди? Чунки ҳар иккала ижодкорнинг адабиёт, санъат, гўзаллик, инқилоб ҳақидаги қарашларида ҳам уйғунлик кузатилади. Ф.Кафка ижод, адабиёт, хусусан, поэзия моҳиятига тўхталиб, “Поэзия – касаллик. Ҳароратни тушгани билан бемор соғайиб қолмайди. Аксинча! Иситма танани тозалайди ва танани равшан қилади”². Бу билан Ф.Кафка гарчи модернистик эстетикани тарғиб қилаётгандек бўлиб туюлса-да, моҳиятига кўра бу фикрнинг илдизлари Аристотелнинг “катарсис” назариясига бориб боғланади. Н. Эшонқул эса ижод – илоҳий, у дард ва изтиробдан, инсонга бўлган шафқатдан юзага келишини таъкидлар экан, бир томондан Аристотель қарашларига, бошқа томондан Абу Наср Форобий ва Алишер Навоийнинг адабий-гуманистик фикрларига боғланади³.

Демак, ғайришуурийлик, дард, изтироб, катарсис (руҳий покланиш) ҳар икки ёзувчининг ижод ҳақидаги эстетик қарашларининг муштарак жиҳатларини кўрсатади.

Уларнинг гўзаллик, инсондаги ҳайрат ва завқнинг сўниши ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам уйғунлик бор. Кафка “Кимки ўзида гўзалликни кўриш лаёқатини сақласа, қаримайди”, деб ёзади⁴. Н.Эшонқулни ҳам ташвишга солаётган нарса инсондаги гўзалликни ҳис этиш, яратиш, завқ ва ҳайратни сўниши каби руҳий-маънавий таназзулга етакловчи ҳис-туйғуларнинг ноёблашиб бораётгани. Шу нуқтаи назардан ҳар иккала адиб ижодини қиёсий таҳлил қилиш асносида қатор ўхшаш жиҳатларни кашф этиш мумкин.

Бу уйғунлик, аввало, рамзийликда кўринади. Маълумки, Ф.Кафка ижодининг асосий хусусиятларидан бири воқеликнинг рамзий ифодаланишида намоён бўлади. Бундай хусусиятни адиб қаламига мансуб “Жазо колонияси”, “Эврилиш”, “Туш” каби

¹Ўша асар. – Б. 280.

²Яноух Г. Кафка билан суҳбатлар// Жаҳон адабиёти. № 4. – Т., 2006. – Б. 112.

³Эшонқул Н. Кўрсатилган китоб. – Б. 13-56.

⁴Яноух Г. Кафка билан суҳбатлар// Жаҳон адабиёти. № 4. – Т., 2006. – Б. 106.

ҳикоялар ва “Жараён” романларида кўрамиз. Чунончи, “Жазо калонияси” ҳикоясидаги зобит томонидан ясалган жазо машинаси, аслида, ижтимоий муҳитнинг инсонга етказётган зарари, кул ва қурбон қилишга қаратилган хуружларнинг поэтик ифодасидир. Н.Эшонқул ижоди ҳам бошдан-оёқ метофорага қурилиши билан Ф.Кафка ижодига уйғун келади. Масалан, ёзувчи қаламига мансуб “Қора китоб” қиссаси инсониятни руҳан тафтиш этишга, поклаш ва чорлов моҳиятига эга метафоралашган бадиий кашфиётдир. Қора китоб – ғоя. Бу ғоя инсониятни ёвузлик салтанатига элтувчи, вайронгарчилик ва ваҳшат оламига, наҳс амалларига ундовчи машъум даъват тимсолидир.

Ф.Кафканинг “Эврилиш” ҳикояси қаҳрамони Григори Замза эрталаб уйқудан уйғониб, ҳашорат қиёфасига кирганини билиб қолади. Энг ачинарлиси шу ҳолида оламдан ўтади. Бундай ғайриоддийликнинг сирини инсон бўлиб яшашнинг эҳтиёж даражасига кўтарилмаслиги, жамиятда инсон тушунчаси қадрсизланишининг рамзий ифодасидир. Н.Эшонқул “Эволюция” ҳикоясида асарнинг исмсиз қаҳрамонини шундай бир вазиятда тасвирлайдики, у мудом таъқиблардан қочиб яшашга маҳкум.

Қаҳрамон таъқибдан бутунлай қочиб қутула олмайди. Худди Григори Замза каби, аксинча кўзичоққа эврилади ва айнан ўша ғанимларнинг кўлига тушади. Бечораҳолик, мўминқобиллик психологиясини вужудга келтириш, миллий ўзликни йўқотиш, асл моҳиятга тажовуз шўро даври мафкурасининг асосий мақсади эдики, ёзувчи бу ҳикояда айни ҳолатни рамзийлаштиради.

Ф.Кафканинг “Туш” ҳикояси қаҳрамони Йозеф К. тушида хушоҳанг куй таралаётган ва мато билан беркитилган томон одимлаган ўз қабрининг устидан чиқиб, мусаввир қабртошга уч сўздан ортиқ ҳеч нимани ёза олмаётган ғайритабиий ва нореал киноявий эпизодни тасвирлайди. Бунда қувноқ оҳанг билан одамни ўзига жалб қилган товуш алдов ва сохта ғояга, мато воситасида беркитилган, аммо, ҳали бўш қабр – инсон ўзлигининг йўқотилиши, орзу ва умидлар, интилишларининг топталиши, қурбон этилиши, тазйиққа учрашини билдиради. Бундай манзарани ижодкор биографиясида учратамиз. Ундаги мусаввир – ёзувчи “мен”и тимсоли. Зеро, ҳикоядаги мусаввир таҳлика ва мавҳум туйғу асосида ўз ишини поёнига

етказолмайди, аксинча, ёзган уч сўзи ҳам шамол туфайли ўчиб кетади. Фақат К ҳарфигина қолади. Айни шу ҳарф қаҳрамон исмига ишора қилади. Тириклайин қабрга кириш – инсонга етказилаётган маънавий кутку, ўзликнинг йўқотилишига, мантқуртлашувига ишора. Маълумки, Ф.Кафка ҳаётлигида унинг асарлари ўзининг асл баҳосини ололмади, ҳаётдаги қийинчиликлари, ёлғизлиги, хасталиги, маълум даражада унинг руҳий тушкунлигига сабаб бўлди. Шон-шуҳрат, машҳурликка интилмасдан кўнгил майлларига, қалбдаги дардга қулоқ тутиб, ижод қилди.

Н.Эшонқул ўз асарлари мазмун-моҳияти ҳақида фикрлар экан, қаҳрамонларининг ўзлигини излаётган, ўз-ўзига қараб эврилаётган инсонлар эканини ёзади. Улар ўзларини бешафқат сўроққа тутаётган ва шу билан фожиавийликка маҳкумлигини таъминлаётган инсонлардир. Н.Эшонқул бу типдаги қаҳрамонлар ҳақида гапирар экан, уларни сиртдан осонгина ижтимоий фаолиятсизликда айблаш мумкин, лекин улар ўзларининг кимлигини, қадр-қимматини англаб-билишлари билан бошқалардан устун туради, деб ҳисоблайди. Ҳатто қаҳрамонлари муҳаббат можаросини ҳам ўзларини англаш учун бир восита деб ҳисоблайди. Муаллиф қарашларича, қаҳрамон ўз қалбининг тўрида туриб, ўзини англашга интилиши, унинг фаолиятсизлигидан далолат бермайди. Муаллиф “Қора китоб” қиссаси қаҳрамонини ўзини англаб етган ва муайян хулосалар ҳам чиқариб бўлган инсон сифатида баҳолайди. Ёзувчи талқинича, “Қора китоб” қаҳрамонининг англаш жараёнидаги адашуви – гўзаллик деб билгани жаҳолатнинг, эзгулик деб интилгани ёвузликнинг тимсоли бўлиб чиққанлигини англаб етишидадир. Бироқ бу англамлардан сўнг ҳам қаҳрамоннинг муқаррар жараёни ўзгартиришга қурби етмайди. Зотан, оқ ва қора кураши абадийдир.

Ёзувчи томонидан қаҳрамоннинг бу ҳолати унинг ўзига яраша исёни эди, деб талқин қилинади. Агар эътибор берилса, ёзувчи тасвирлаётган ҳодисалар яқин ўтмишимиз, шўролар замонида унинг ғояси, мафқурасига ишониб, шу йўлда хизмат қилиб, бир умр кўксига сақлаб келган ишончи бирдан саробга айланган инсон фожиаси талқинини кўришимиз мумкин. Шу ўринда табиий савол туғилади: модомики, шундай экан

реалистик йўсинда ёзилган “Уруш одамлари” билан бу асарнинг мазмун-моҳиятида қандай фарқ бор. Моҳиятан “Уруш одамлари” қаҳрамони ҳам ишончидан айрилган ва шу сабаб фожиага маҳкум бўлган кишилар тимсоли-ку?!

Адибнинг “Қора китоб”, “Тун панжаралари” каби ноанъанавий усулда ёзилган қиссаларида инсон қисмати, унинг ботиний олами, хаёли, онгида кечаётган ўй-хаёллари инсониятни руҳий тафтиш этишга, поклашга қаратилган, метафоралашган бадиий кашфиётидир. Қисса адабиётшунос олимлар томонидан турлича талқин этилган. Жумладан, Қ.Йўлдошев асар ҳақида куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиради: “Н.Эшонқулнинг воқеалари хаёлий ва тўқима, лекин асар қаҳрамонларининг сезим ва кечинмалари ҳаққоний бўлган “Қора китоб” қиссасининг эътибор топгани ҳам одамни янгича ракурсда кўрсатиш ёйилаётганидан далолатдир”¹.

Б.Каримов эса мазкур қиссада айниқса файласуфона донишмандлик ва руҳий кечинмалар баёни ҳамда бош қаҳрамоннинг ўз-ўзини тафтиш этиш етакчилик қилишини қайд этиб, асарни тушуниш ва тушунтириш осон эмаслигини, унда муаллиф кўринмаслиги (Р. Барт муаллиф ўлими) ўринли эътироф этади².

Асар услубида ички нутқ шакли – “мен” тилидан ҳикоя қилиш тамойили етакчилик қилади. Қиссанинг асосини “мен” руҳиятидаги зиддиятли тўқнашув-коллизия ташкил этади. Асарнинг сюжети қаҳрамоннинг онгида кечаётган ўй-хаёллар, фикр-мулоҳазалар, хотиралардан ташкил топган.

“Қора китоб” инсоннинг маҳкумлиги ва чорасизлиги ҳақидаги асар. Асарда инсон гуноҳ қилишга маҳкум ва шу маҳкумлик оқибатида таназулга юз тутган, унга қарши исён кўтарган, бироқ исёни ҳам чорасизликка маҳкум қисмат фожиаси тасвир этилади. “Қора китоб” инсоният пайдо бўлишиданок маҳкумлик қисматига дучор бўлиши ҳақидаги асар. Чунки у гуноҳга ботган Одам ато ва Момо Ҳаволарнинг шайтон васвасасига учиб, таъқиқланган мевани узиши ва Оллоҳнинг

¹ Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.– Б.197.

² Бу ҳақда қаранг: Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. –Б.8

қаҳр-ғазабига дучор бўлиб ерга қувилганидан бошлабоқ шу қисматга лойиқ кўрилган: мудом шайтон васвасасига учраш ва унга қарши курашиш инсон қисмати қилиб белгиланган.

“Қора китоб” қисса қаҳрамонини, унинг авлодларини ўзининг қора исканжасига олиб, фожеликка маҳкум этади. Ўғил, қизларини ўз домига тортиб, авлодини бузади. Асарда мана шу ҳақиқатни англаб етган ва шайтоний ҳислардан ҳомиладор бўлган қизини жазолаган ота қисмати акс этган. У ўз авлодида шайтонбаччалар дунёга келмаслиги учун қўлидан келган исённи амалга оширади: қизини бўғиб ўлдиради. Қаҳрамон бундан бошқасига чорасиз эдики, чорасизлик концепцияси ҳам асарнинг асосий фазилатидир.

“Қора китоб” қиссасида қаҳрамоннинг бутун ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. У даставвал, ўз севгилисига эришиб, эзгу ниятлар билан яшайди. Келажагига катта умидлар билан қарайди. Лекин ёнидаги юз йиллардан буён қаровсиз ётган хароба уй айвонида қора китоб ўқиётган чўққисоқол билан танишиб, унинг домига тушади. Чўққисоқолдан унга ўтган қора китобни ўқиш унинг фожиасини келтириб чиқаради. Қора китоб домига тушган қаҳрамон шайтон билан мулоқот қила бошлайди. “Китоб” қаҳрамон онгига шайтон ҳукмронлигини сингдиради. “Қора китоб” ғояларига жодуланиш шу даражада кучли бўладики, у “мен”га айланиб қаҳрамон моҳиятига сингиб кетади. Натижада, шайтон ва шайтоний туйғулар унинг вужудида, томирида оқаётган қонгача эгаллаб олади. Оқибатда, унинг икки ўғли ва қизи - зурриётлари шайтоний туйғулар билан вояга ета бошлайди. “Мен”даги шайтон фарзандлар қиёфасида жонланиб, уларнинг ғоятда билимли ва истеъдодли бўлиб вояга етишига замин тайёрлайди. Натижада, улар яратган доҳиёна кашфиётлар ўлим ва ваҳшат туғдирувчи, ёвузликни тараннум этувчи, кўнгилда кўрқув ҳосил қилувчи кучга айланади.

Бизнингча, асардаги мураккаб ва тортувчи оҳанг қиссадаги ифода йўсинига жамланган. Буни ёзувчининг ўзи ҳам саволларимизга ёзган жавобида тасдиқлаган. “Дунё адабиёти шундан дарак берадики, фантазмагорик усулда ҳам ҳаёт ҳақиқатини реалистик услубга қараганда чуқурроқ, реалроқ, таъсирлироқ, жозибалироқ тасвирлаш мумкин. Фантастик, ироник, романтик услублар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Кафканинг мифологик истехзога курилган усулида ёзилган асарлари ҳаёт ҳақиқатини шу даражада чуқур таҳлил қилдики, *ҳали биронта реалистик услуб бу муваффақиятга эришолмаган*. Ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқатнинг, умуман, ижодий ҳақиқатнинг асосини ташкил қилади. Ижод айнан ҳаётӣ ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантисагина ўз вазифасини бажарган бўлади. Ҳали биронта ижод намунаси йўқки, у фақат ҳаёл ҳақиқатига суяниб ёзилган бўлсин. Ўта фантастик асарларнинг асосида ҳаётӣ ҳақиқат, ҳаётӣ мантиқ ётади. Шундай экан, ҳаётӣ ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга қарши қўйиш керак эмас. Адабиёт ҳаётӣ ҳақиқат қай даражада бадиий ҳақиқатга айлангани билан кадрлидир. “Уруш одамлари” қиссаси менинг дастлабки қиссам эди. Қисса мен тушунган ва ўша пайти қўлимдан келган реалистик ёндашув билан битилган. Кейинчалик мен ҳаёт ҳақиқатини бошқа шаклларда, бошқача усулда ҳам чуқурроқ акс эттириш мумкинлигини ўзимда синаб кўрмоқчи бўлдим. Агар бу борада бирон муваффақиятга эришган бўлсам, бу менинг ютуғим, агар эришмаган бўлсам ҳам “Уруш одамлари” даги услубни давом эттирмаганимдан афсусланмайман. Мен ҳар бир ёзувчи гарчи муваффақиятсизлик билан тугаса-да, миллий адабиёт учун янги ифода усулларини, янги йўллари, янги йўналишларни синаб кўриши керак деб ҳисоблайман. Ёзувчининг ўзидан олдинги ёзувчиларнинг қамровида қолиб кетиши – бу ўша ёзувчининг адабиётга ҳеч қандай улуш қўшмаганидан дарак беради”¹ (таъкид бизники – Ф.Б.).

Ёзувчининг “Ҳали биронта реалистик услуб Ф.Кафка услубига яқинлашгани йўқ”, тарзидаги пафосга йўғрилган фикрлари баҳсталаб, албатта. Бу фикрни реалистик услубнинг чўққиси бўлган Ф.Достоевский мисоли билан осонгина инкор этиш мумкин. Бизнингча қайси бир ёзувчи инсониятни севиш даражасига кўра унинг қалбига йўл топади. Тасвирда теранлик ва ҳаққонийликка эришади. Ф.Достоевский инсониятни ҳаддан ортиқ севар, шу сабаб ҳам инсон қалбининг мураккаб тасвирига эриша олган ёзувчи эди. Модернистик услубнинг бу мақомга чиқишига унинг инсон ва жамиятга нисбатан қоронғу нафрати ҳалал беради, бизнингча.

¹ Maʼrifat .2018- yil 14-noyabr, № 91 (9156). Б.11.

Албатта, Н.Эшонкул эстетик қарашлари асосида баён этилаётган бундай фикр-мулоҳазаларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб, муайян муносабатларни баён этиб, хулосалар чиқаравериш мумкин. Шу боис бобнинг навбатдаги фаслларида ёзувчи адабий-эстетик қарашларидаги энг муҳим жиҳатларни олиб, уларнинг ёзувчи бадиий асарларида намоён бўлиши масалаларини бошқа назарий муаммолар мисолида кўриб чиқишга уринамиз.

2.2. Назар Эшонкул насрида миллий маънавият, ижтимоий хурлик, шахс концепцияси талқини

Муаллиф ижод ҳақида, ижод жараёни ҳақида фикрлар экан, жаҳоннинг глобал муаммоларидан бири бўлган маданият ва маданиятсизлик масалаларига кенг тўхталади. Хусусан, “компьютер авлоди” – юқори технологик тараққиётлар инсонни яратувчилик завқидан маҳрум қилиб, истеъмомлига айлантираётгани ва бу ҳол қалбларни ички маданиятдан маҳрум этаётганини қатор кузатишлар орқали баён этади. Глобаллашув жараёнининг миллий маънавият, маданий қадриятларга таъсири ҳақида фикр юритади. Юксак маданият, инсонпарварлик, одамийлик, ботин этикаси, маънавий юксаклик, фикрчанлик ва фикрсизлик, ижтимоий ҳаётга муносабат, китоб ва китобхон муносабати ҳақидаги концепциялари баён этилади.

Француз биограф олими Ш.Сент-Бёв ўзининг адабий шахс ва бадиий асар ҳақидаги кузатишларида адабиётнинг бошқа фанлар билан муносабати ҳақида тўхталиб шундай ёзади: “Адабиёт, ижод маҳсулини инсон ва унинг натураси (табиати)дан фарқланмайдиган, ажратиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида баҳолаб, мени завқлантирган асарлардаги инсонни таҳлил қилиш мураккаб, дарахт қандай бўлса, меваси ҳам шундай бўлади деган фикрни илгари суради. Мана шунинг учун ҳам адабиётни ўрганиш учун психологияни, руҳиятни ўрганишга табиий равишда даъват этади. Ҳайвонот ва ўсимлик оламини қайсидир маънода кенгроқ ва аниқроқ ўрганиш мумкин, лекин инсонни

мураккаб, руҳий мавжудот сифатида тўлалигича ўрганиш мумкин эмас”¹.

Н.Эшонқул ҳам даврининг ўткир муаммолари сифатида инсон маънавияти ва маданияти ривожини тилга олади. “Фақат маърифатгина, билимгина, китобгина, китобга бўлган муҳаббатгина бизни қуюндай бостириб келаётган, онгимиз ва дидимизни саёзлаштираётган, санъат, гўзаллик, дид ҳақидаги тушунчаларимизни, шу пайтгача аждодларимиз шакллантириб берган ва ўзимиз шакллантирган тушунчаларни емиришга киришган оломон маданияти ҳамда дидидан, бошқача айтганда, фикрсизлик ва дидсизликдан, яъни оломончиликдан асрай олади”².

Бугунги компьютер асри, техниканинг ҳаддан ташқари ривожланиши одамларни фикрий эринчоқлик томонга бошлади, тобора глобал тус олаётган “оммавий маданият” дея аталмиш қиёфасиз, зарарли ғоя ва қарашларнинг жамиятимизга кириб келишини осонлаштирди, натижада инсон маънавияти қашшоқлашиб, эстетик диди ўтмаслашиб қолмоқда, деган фикр муаллифни хавотирга солади.

“Момоқўшиқ” қиссасида бир қарашда шўро салтанатининг охириги ўн йилликлари даврида пахта теримига оид воқеалар қаламга олингандек. Асарда пахта теримига чиққан ҳашарчилар, чўлдаги ҳаёт тарзи – барча-барчаси ўша даврга замондош китобхонларга яқиндан таниш. Қиссада маданият вазирлигига қарашли ташкилотлардан пахта теримига чиққан бир гуруҳ санъаткорлар, рассомлар, пахтакорлар ҳаётини яқиндан ўрганиш мақсадида уларга қўшилиб борган шоир Шамси Салоҳнинг чўлдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Лекин асарни безаб турган нарса бу саргузаштлар эмас. Асарнинг асосий лейтмотивига айланган ҳодиса – бу оддийгини чайлада яшаб, турмуш ўртоғи камтар ва камсуқум Отақулнинг садоқат тимсолига айланган ёшгина келинчак Муаззам билан боғлиқ.

Муаззам миллат, халқ тимсоли. Унинг қалбидан отилиб чиқаётган, манаман деган санъаткорларни ҳам ҳайрону лол

¹ Бу ҳақда қаранг: Сент-Бёв. Ш. Из работ разных лет (Определение «биографического метода») //Зарубежная эстетика и теория литературы XX-XX вв.(Тракты, статьи, эссе) – М.: Издательство Московского университета, 1987. – С. 39-48

²Ўша манба. –Б. 17.

қолдирадиган ҳодиса унинг ноёб овози ва қадимий кўшиғидир. Ёзувчи жозибатор куй ва Муаззамнинг гўзал, сеҳрли овозини уйғунлаштириб, сўз воситасида шундай жонли, гўзал бир манзара ҳосил қиладики, беихтиёр китобхон ушбу куйни тинглагандек ҳис этади. “Бу гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидагина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг кўшиғига бўёқ тополмаган бўларди. Қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйғунлашиб жаранглар, гўё хаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам қизнинг қиёфасига кириб кўшиқ айтарди.

Кўшиқ хаёлни тортқилаб-тортқилаб олис-олисларга, хаёлот, орзу, самимият ва мўъжизалар гуллаб ётган болалик адирлари томон олиб қочарди. У хасис дунёнинг кўйнидан бу гўзал оҳангларни парча-парча қилиб кўпориб олаётгандай ва жароҳатлар бижғиб ётган қалбларга малҳам қилиб босаётгандай эди”¹.

Бундай тиниқ ифода усули, бутун жумлани метофоралаштиришга эришиш ёзувчининг поэтик маҳорати баландлигидан далолат беради. Айни шу тасвир асар мазмунини, ёзувчининг эстетик концепциясини очишга ҳам ёрдам беради, албатта. Айни пайтда бу тасвирда замонавий наср анъаналарининг таъсири борлиги ҳам сезилади. Бу тасвир зукко ўқувчига Ч.Айтматовнинг “Жамила” қиссасидаги Дониёрнинг кўшиғини эслатади.

Бу кўшиқ санъатни теран ҳис қиладиган шоир Шамси Салоҳни лол қолдиради ва Муаззамни шаҳарга боришга, ўқиб-ўрганиб катта санъаткор бўлиб етишишга ундайди. Ҳатто аёлнинг эрини ҳам шунга даъват этади. Отакул эса ихтиёрни вафодор умр йўлдоши Муаззамга қолдиради. Бироқ, Муаззам қалбидаги азалий орзуси шу бўлишига қарамай, ушбу бир парча камтарона ҳаётни, камсуқум эри ва фарзандини, энг муҳими, сохтакорликдан, ясамачилиқдан холи бўлган мана шу беғубор туйғуларни барча обрўю шон-шуҳратлардан устун кўяди. Шамси Салоҳ асл маданиятни “ҳашарчилар”да эмас, гўзаллик, инсонийлик, вафодорликни беғубор қалб соҳибаси қишлоқлик Муаззам образи мисолида кўради. Муаззам, аслида, миллий қадриятларни сақлаб, давом эттираётган маънавий гўзаллик

¹ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди – Тошкент: Шарк, 2008. – Б.120-121

тимсолида келади. Муаззам образи орқали ёзувчи адабий-эстетик қарашларининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этувчи ички маданият асар моҳиятига сингиб кетади.

Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси моҳияти Томас Маннинг “Тристан” новелласи ғоясига ҳамоҳанг. “Тристан” новелласи бош қаҳрамони Габриэлла Клетарь сингари чин инсоний фазилатларга эга инсонга Шпинель тимсолидаги маънавий қашшоқ одам контраст қўйилади. Айни шу зиддият образ характерини ёрқинроқ очишга, асар драматизми кучайишига асос бўлади. Клетарь Габриэлла Шпинелнинг маънавий қашшоқ оламини рад этади ва гўзаллик олами бўлмиш мусиқа оҳанглари билан мангуликка сингади”¹. Ҳар иккала асарда ҳам чин инсонийлик, гўзаллик мусиқий оҳанглар сохтакорликка қарши қўйилади.

Биз адибнинг адабий-эстетик қарашлари, ижодий позициясининг асарлари моҳиятига поэтик воситалар, бадиий деталлар ва бошқа кўплаб компонентлар воситасида чуқур синтезлашганига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳат “Ялпиз ҳиди” тўпламида яққолроқ сезилади.

“Ялпиз ҳиди” тўплами туркум ҳикоялардан иборат бўлиб, унда йилнинг турли фасллари – ёз, куз, ва баҳор тасвири орқали инсон умрининг турли даврлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчи йил фаслларини туркумлаб Саратон, Хазонрез, Баҳор гуллари деб номлайди. Бироқ қиш фасли ҳикояга киритилмайди. Бунда ҳам ўзига хос маъно мужассам. Ёзувчининг қишга нисбатан шахсий муносабати, уни ниманингдир тимсоли сифатида қабул қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар бир туркумда Самандарнинг ҳаёти ва руҳий манзаралари акс этирилади. Самандар яшайдиган уй ёнида кўзга ташланиб турадиган қаровсиз боғ асарда тугун вазифасини ўтовчи рамзий образдир. Ёзувчи мана шу қаровсиз боғ тимсолида қаҳрамон умрини кўради. Боғ айни пайтда қаҳрамон кўнгил оламининг рамзий ифодаси ҳамдир. Мана шу қаровсиз боғда у ўз кўнглини тинмай кузатади, тафтиш қилади. Табиат ва инсоннинг бир бутунлиги, боғлиқлиги тасвири Самандар руҳияти орқали намоён бўлади. Бу уйғунликни

¹Қаҳрамонов Қ. Жаҳон адиблари Назар Эшонқул талқинида// “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Mashur-Press, 2018.– Б. 369 -375.

қахрамоннинг ўзи ҳам ҳис этади. “Боғнинг қаровсиз экани-ю, ўзининг доимо иккиланиб, шаҳар ҳаётига кўниколмай яшаётгани ўртасида қанчалик мутаносиблик борлигини ва нима учун бу ташландиқ боққа бунчалик кўнгил қўйганию, боғ нима учун ўзига азиз ва мўътабар туюлишини билмасди. Лекин кейинги ойлардан боғ унинг бирдан-бир ҳамдарди, сўзсиз суҳбатдошига айланди... Куз ёки баҳор пайтлари шаҳарга адашиб кириб қолган довуллар, боғдаги кекса дарахтларнинг шохларини қасир-қусур синдирар экан, Самандарнинг кўнглида ҳам нималардир қасир-қусурлаб кетарди”¹.

Асар қахрамонининг ботиний ҳолати ва табиат ўртасидаги бундай параллелизм адибнинг ўз изтироби, ҳаётий кечинмаларига монанддек ёрқин ва ишонарли ифодаланади ва бу даражада, покланиш ҳисси ўқувчига ҳам юқади. Бу ҳақда адибнинг ўзи ҳам қуйидаги фикрни баён этади: “Ёзганларимнинг ҳаммасининг қахрамони ё у, ё бу даражада ўзимман. Мен барча ёзган ва ёзадиган ёзилмишларимда фақат ўзимни таҳлил қиламан, ўзимни текшираман, ўзимни муҳокама қиламан, ўз тасаввурларим изидан эргашаман”².

Баҳор фаслида ушбу боғ ҳам яшилликка бурканиб, гўзал манзара касб этади. Баҳор фасли, боғдаги яшиллик, онда-сонда қулоқ чиқарган ялпизлар қахрамоннинг болалигини, болаликда туйган ва бир умр димоғида муҳрланиб қолган ялпиз шўрва хидини ёдга солади ва уни ўзининг болалиги билан, кечган ва кечаётган турмуш тарзи билан юзма-юз қилади. Болалигида димоғида туйган ва бошқа ҳеч қачон такрорланмаган ўша ялпиз хидига хос туйғуни, баҳор фаслида очилган гулни фарзандига менгзаши билан ҳосил бўлган кечинмаларга монандлиги асардаги ҳаётийлик, кўтаринки пафосни ташкиллаштиради.

Ёзувчининг бу типдаги асарларида биз биринчи гуруҳга мансуб асарларига хос бўлган қора бўёқларни деярли учратмаймиз. Айни жиҳатлар Н.Эшонқул ижодида ёзувчи шахсиятига хос индивидуал психологик жиҳатлар, мураккаблик ва зиддиятлардан далолат беради.

Мутахассислар инглиз уйғониш адабиётининг асосчиси В.Шекспир ижодий биографиясида ижодий кайфиятнинг худди

¹ Эшонқул Н. Ялпиз хиди. – Тошкент: Шарк, 2008.– Б.264-265.

² Ma'rifat .2018- yil 14-noyabr, № 91 (9156). Б.11.

йил фаслларидек ўзгариб борганини қайд этадилар. Ёшлик даврида баҳорий кайфият, ҳаётга муҳаббат, атроф-жамиятга ишонч, ўрта ёшлик даврида трагик бўёқларнинг кучайиши, 1610 йиллардан сўнг эса буткул тушкунлик ва пессимистик кайфият ҳукмрон бўлганини асарлари таҳлили мисолида далиллайдилар. Демак, бундай ҳолатлар ижод жараёни учун хос. Дунёни ва инсоний ҳаёт манзараларини мустақил, холис, мутафаккирона қабул қилган ҳар бир ижодкор айна ҳолатга дуч келади.

Шунингдек, ҳар бир ижодкор бадиият олами ва унинг “фуқаролари” ҳақида муайян қарашлар ва тасаввурларга эга бўлади. Унинг бу олам тўғрисидаги тасаввурлари қанчалик аниқ-тиниқ бўлса, ўзлиги ҳам шунчалик намоён бўлиб бораверади. Бинобарин, ёзувчининг ўз ижодий дунёси, ўз феноменини яратишга интилиши, аслида, ўзлигини, ўз “мен”ини топишга интилиш демакдир. Шу маънода, ҳар бир ижодкорнинг бадиий ижод ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўқиб-билганларидан ташқари ўз ижодий тажрибалари асосида шаклланган билимлари, тажрибалари бўлади. Мана шундай тўпланган билим ва тажрибалар, хулосалар ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини юзага келтиради. Ёзувчи “МЕН”и билан у яратаётган ижод намуналари аро муносабат, бу борадаги фикр-тасаввурлар, билимлар ижодкор феноменининг уйғун англашда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчининг бадиий ижод ҳақидаги адабий-эстетик концепциялари қай тарзда намоён бўлса, ижодкор ва ижод психологиясининг шунчалик мувофиқ очкич-калитига айланади. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир ижодкорнинг ўз “мен”лигини топиш учун олиб борган изланишлари аслида ижод фалсафасини англашга бўлган интилишидир.

Бинобарин, ижод жараёни тамоман эркин бўлиши керак, у зуғумни, жаҳолатни ёқтирмайди. Ижод ҳар қандай зўрликларга қарши исённинг юзага келиш майдонидир. Ижодга айна тарзда таъриф берар экан, Н.Эшонқул ижод ва ижодкорнинг ижтимоий ҳодисалигини инкор қилмайди. Зеро, ижод муаллиф фикрича, ҳар қандай зуғум ва жаҳолатга қарши исёнкорлик экан, унинг моҳиятида “...ижтимоий ҳодиса – халоскорлик бор”¹.

¹ Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnash, 2014.– Б.21

Бундай халоскорлик кайфияти, энг аввало, маънавиятимизга дахл қилаётган “омма маданияти” ва “оломончилик”ка қаратилиши лозим. Муаллифнинг фикрича, бадий адабиёт инсон маънавиятини покловчи ҳодисадир. Шу маънода Н.Эшонқул “Ўткан кунлар” романини “гўзал ахлоқий асар” деб билади ва ундаги ахлоқий масалаларни тинимсиз ўзимизга сингдиришимиз лозим деб ҳисоблайди. Бинобарин, адиб миллатни эрмакка ўқиладиган олди-қочди тижорат асарларига ўргатмаслик лозим, дея огоҳлантиради. Айни пайтда француз адабиёти вакилларининг адабиёт оммавий бўлмаслиги ҳақидаги фикрларини асос қилиб, “Айтиш мумкинки, санъат бир ҳовуч закий, яъни зеҳнли ва диди ўткир одамлар учун экани тан олинган. Бу санъатдан заковатли одамларгина завқ олиши мумкин”¹, деган қарашни ҳам илгари суради. Бу фикрлар сўнгги пайтларда айрим адабиётшунослар томонидан зўр бериб таъриф қилинаётган “хос китобхон” ҳақидаги қарашларга мос тушади.

Муаллифнинг “закий китобхон” ҳақидаги қараш баҳсли масала. Буни биз Озод Шарафиддиновнинг “Қора квадрат” асари ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам кўришимиз мумкин.

“Малевич деган рассомнинг асримиз бошларида ишлаган бир сурати бор. Бу “Қора квадрат” деб аталади. Унда чиндан-да тим қора квадратдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо ҳаққи, мен шу пайтгача суратнинг нима маъно англатишини тушунганим йўқ”².

Атоқли китобсевар олимнинг ушбу киноявий эътирозлари юқоридаги қарашларнинг асоссиз эканини, яратилаётган ҳар бир санъат асари ўз китобхонини (закий ёки закий эмаслигидан катъи назар) ўзи излаб топиши лозимлиги, биров учун севимли бўлган асар, бошқа китобхон учун мутлақо зерикарли бўлишини кўрсатади. Бизнингча, ҳар бир китобхон ўзининг ҳаётӣ қизиқишлари, эҳтиёжи, эстетик дидига қараб китоб танлайди ёки китобхонларнинг муайян табақасига мансуб бўлади.

Ёзувчи эстетик қарашларининг яна бир нуқтаси умуминсоний аҳамиятга эга бўлган маданият ва маданиятсизлик, ички маданият тушунчалари ҳақидаги кузатишларида намоён бўлади.

¹Ўша манба. –Б.23

²Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ. – Б. 246.

Инсонпарварлик, одамийлик ички маданиятнинг асосий хусусиятлари эканини очишга ҳаракат қилади. Бу ўринда ёзувчи масалага анча кенг ёндашиб, маданият тушунчасини маънавият билан, китоб ва китобхонлик билан боғлаб талқин қилади. Ёзувчи китобни инсон маданияти ва маънавиятини шакллантирувчи асосий омиллардан деб билади. Унинг фикрича: “Аммо китоб лаззатида бошқа бир жиҳат мавжуд. Озодлик берадиган ва умуман ҳеч нарса бермайдиган китоблар бор. Китоб ўқиш ҳам санъат. Яхши ва ёмон китоб, рост ва ёлғон китоб бўлади. Мутолаа санъатининг энг биринчи шарти ҳам қайси китобни ўқишни билишдир. Китоб эзгуликка қанчалик хизмат қилса, ёвузликка ҳам шунчалик хизмат қилади”.¹ Ёзувчи ўз қарашларини Х.Кортасарнинг бир ҳикоясидан мисол келтириб асослашга ҳаракат қилади. Айрим китобхонларнинг маънавий қашшоқлиги баъзан акс таъсирга ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Н.Эшонқулнинг бу каби ижтимоий-маиший, ижтимоий-психологик қарашлари бадиий ижодига ҳам сингиб кетган. Бизнингча, буни ёзувчи атайин, ижтимоий фикрларини бадиий адабиёт воситасида тарғиб этиш учун қилмаган. Балки унинг шахсияти, дунёқараши, мақсад-муддаоиси ва ижтимоий-миллий орзуси табиий равишда бадиий асарларига кўчган. Масалан, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясида яқин ўтмиш – собиқ шўролар даврида инсон ва унинг “замон” таъсиридаги аянчли қисмати, руҳий ҳолати қаламга олинган. Биз бежиз “замон” сўзини кўштирноқ билан белгиламадик, у шундай замонки халқни ўзлигидан, маънавиятидан, миллий қадриятларидан маҳрум қилишга, одамлар орасига нифоқ солишга, эътиқодиданда жудо қилишга қаратилган. Биз асарнинг таҳлилига киришишдан олдин бир масалага диққат қаратмоқчимиз. Гап ёзувчининг асарларидан асарларига “кўчиб” юрадиган, у ёки бу шаклда ўзини намоён қилиб турадиган бир хронотоп шакли – Терсота қишлоғи ва унда истиқомат қиладиган момо образининг уруш даври фожиалари билан қоришиб кетган қисмати ҳақида. Бу бадиий макони Терсота қишлоғи бўлган “Уруш одамлари” қиссасидаги Бийди момо, “Шамолни тутиб бўлмайди”

¹ Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnash, 2014.– Б. 47

ҳикоясидаги Байна момо тимсолида намоён бўладиган қаҳрамонлардир. Ҳар икки образнинг муштарак жиҳатлари талайгина. Аввало, момо тимсолларига хос умумий хусусият, образларнинг характер қирраларидаги уйғунликда намоён бўлади. Ҳар иккала момо метин ирода, вафо ва садоқатни, меҳнатсеварликни ўзида мужассам этган. Шунингдек, эл номусини, кадриятлар келажагини ўйлайдиган, халқни ўзининг “киноявий танбеҳлари” билан сергакликка ундайдиган образлар ҳисобланади. Уларнинг фожиавий қисматдошлиги ҳам уйғун. “Уруш одамлари” қиссасида эри Бухор полвондан тул қолиб, икки ўғлини ёлғиз ўзи вояга етгазган Бийди момо, ўғилларидан қора хат келганда ҳам ўз қаддини эгмай, иродасини букмайди. Байна момо ҳам ўғли ва эридан жудо бўлишига қарамай метин ирода билан яшайди. Ёзувчи нима сабабдан момо образи ва Терсота қишлоғига қайта-қайта мурожаат қилапти, нега ўзининг дардларини шу образлар моҳиятига сингдириб, гуё улар билан нафас олаётгандек тасвирляпти.

Терсота қишлоғи ёзувчи ўйлаб топган ёки халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинган бирор жой номими ёхуд реал ҳудуд билан боғлиқми? Бийди момо ким, аслида?

Бу каби қатор саволларга жавоб излаб ёзувчи ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб борганимизда, бевосита ижодкорнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган кўпгина жиҳатлар ойдинлашди. Биографик методнинг асосчиси Ш.Сент-Бёвнинг устози Дамирондан олган таълими асосида “ҳар қандай ижод намунаси муаллиф шахсияти билан бир бутунликда ўрганилиши лозим”¹, деган қараш ётади. Масалага психоанализ ва биографик таҳлил уйғунлигида ёндашганимизда қуйидаги асосли хулосаларга келдик. Терсота қишлоғи аслида ёзувчи туғилиб-ўсган, болалигининг дастлабки даврлари ўтган қишлоқнинг номи. Асарларидаги момо образи эса адибнинг бувиси Пиримкул қизи Масил момонинг прототипидир. Масил момо ҳам худди ҳикояларида тасвирланганидек йигирма ёшида эридан айрилиб, икки фарзанди билан бева қолади ва бошқа турмуш қурмай ҳаётнинг бутун машаққатларига ёлғиз ўзи дош беради. Икки фарзанди (қиз, ўғил) ҳам бу дунёдан бевақт кўз

¹ Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 10-55

юмиб, онанинг якка ўзи айрилиқларга дош бериб ҳаёт кечиради. Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани Терсота қишлоғидан (тоғли ҳудуд) Сурхондарё вилоятининг қишлоқларидан бирига (Қоракамар) кўчирилган оила бир умр ўз қишлоғига қайтолмай армон билан яшайди. Ёзувчи болалигида ўзи кўрган-билган ҳаётий хотиралар, дилига чўкиб қолган армонлар кейинчалик қайта уйғониб ўз асарлари моҳиятига сингиб кетган. Киндик қони тўкилган макон, тоғ соғинчи адибнинг “Уруш одамлари” қиссаси, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Ялпиз ҳиди”, “Қултой” каби ҳикоялари моҳиятига сингдирилган. Буни биз ёзувчининг “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси таҳлили орқали ҳам кўришимиз мумкин. Асарнинг етакчи қаҳрамони Байна момо миллионлаб ватандошларимизнинг ёстиғини қуритган шўро сиёсати қурбонларидан бири. Бир сонияда ҳам эридан, ҳам суюкли фарзандидан жудо бўлган бу аёлнинг нафақат жисму жони, балки қалби ҳам нафрат ва аламли изтироб туфайли тош-метинга айланиб кетган. Бинобарин, ҳикоянинг асосини тутиб турувчи, Байна момони эллик йил яшашга ундаган куч ҳам мана шу беадад нафрату калб тубига яширинган қасос ўтидир. Ёзувчи ҳикояда бу асосни ҳар доим ҳам ошкор қилавермайди, балки сиртдан гўё уни бутун қавму қишлоқдошларидан юз ўгирган, фақат ўз дарду-изтироблари ўтмиш хотиралари билан ёлғиз яшашга кўниккандек тасаввур уйғотади. Фақат баъзи ўринларда китобхонни айрим деталь ва тафсилотлар тасвири билан сергаклантириб, кульминация сари етаклайди. Буни биз қишлоқдошларига қарата айтилган:

“ – Бу қишлоқда эркак йўқ”, “Э, сенмисан, Салим чавандоз, хотинингнинг иштонини кийиб юрибсанми дейман”, “Ҳаким отчопормисан, мунча урғочи байталга ўхшаб қийшанглайсан...” каби ўтли таъналари ҳамда фожиа ижрочиси Замон отбоқарга бир оғиз ҳам сўз қотмаслиги тафсилотлари орқали англагандек бўламиз.

“Изтироб қанчалик санъаткорона акс этса, муаллиф ундан ҳам оғирроқ дардни бошдан кечирган. Бизга завқ бераётган санъат асари ижодкорнинг оғриқлари ва хўрликлари эвазига яралган”¹, деб ёзади ёзувчи “Мендан “мен”гача” китобида. Ҳикоя

¹Эшонкул Н. Мендан “Менгача” – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.185.

ана шундай изтироб туфайли тош-метинга айланган қалбнинг ботиний исёни ҳақида. Ҳикояда бу ҳолат антитеза асосида тасвир этилади. Яъни момо руҳиятида кечаётган ададсиз дард-алам ва исёнкорлик ўти қанчалик кучли бўлса, зоҳиран одамларни чалғитувчи сокин матонати ҳам шунчалик улуғворликла жилоланади. Ҳикоя қаҳрамони эри ва ўғлидан, борингки, бутун орзу-умиди, нурли кунларидан жудо қилган бахтсизликни ўзига хос матонат билан енгади. Сиртдан бир умр ўз хотираси билан сўзлашиб умр ўтказаётгандек туюлган момо образида халқимизга, умуман инсониятга хос бўлган метин ирода, сабр, садоқат, вафо каби юксак фазилатларга эга жонли характер сифатида намоён бўлади. Ёзувчи момодаги бундай ироданинг бадий асосларини мантиқан ҳаққоний тасвирлаб беролган.

Байна момо образи қайсидир жиҳатлари билан Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили” романидаги Робекани эслатади. Робека ҳам худди Байна момодек эридан жудо бўлгач бутун Макондо қишлоғи аҳлидан юз ўгиради. Нафратга кўмилиб, яккаю ёлғиз ҳаёт кечиради. Бу ўринда, албатта адабий таъсир муаммосидан кўз юмиб бўлмайди. Жаҳон адабиёти намуналари, хусусан, Г.Маркес ижодини чуқур ўқиб-ўрганган ёзувчида муайян маънода таъсирланиш бўлгани эҳтимол. Ёзувчи Г.Маркес ҳақидаги мақоласида Элихио Маркес ва Луизанинг муҳаббат қиссаларини шавқ билан ҳикоя қилади. Узоқ изтироблардан кейин севганига эришган Г.Маркеснинг отаси бу никоҳдан 16 фарзанд кўришгани, бўлажак ёзувчи уларнинг тўнғичи эканини қайд этади. Н.Эшонқулнинг фикрига кўра, Г.Маркес қаҳрамонларининг аксарияти ота-онасига хос қайсидир фазилатлар, уларнинг ҳаёт йўлига доир воқеалар билан биографик моҳият касб этган. “Ота-онасининг романтик муҳаббати ҳақидаги оилавий ҳикоялар, – деб ёзади бу ҳақда Н.Эшонқул,– унга кўп марта асқотди. “Ёлғизликнинг юз йили”да Робеканинг муҳаббати том маънода онасининг муҳаббати таъсирида яратилди”¹. Айни пайтда Г.Маркеснинг момоси ва бобоси билан яшагани, улар ҳам бўлажак ёзувчига ижодий таъсир ўтказганлари, маълум маънода Маркес асарлари қаҳрамонларига айланганлари ҳақидаги фикрлар Н.Эшонқул ва Маркес

¹Эшонқул Н. Мендан “Мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 374.

биографиясида умумий нуқталар борлигини кўрсатади. Шу сабабдан Байна момо ва Робека ўртасидаги ўхшашликни фақат адабий таъсир билан эмас, умуминсоний турмушга хос ўхшашликлардан ҳам излаш ўринли бўлади.

Ҳикоядаги Байна момонинг зоҳиран дард ва азобдан букчайган, қоқ суяк, жимитдек жисмига унинг сийратию фитратида яширинган улкан, уқубатли изтироб бўрони, шамолдан-да кучли нафрат довули қарама-қарши қўйилган. Инсон ботинидаги бу исёнкор руҳни ҳеч қандай куч, ҳатто жисмининг кучсизлиги ҳам тўхтата олмаслигини – рамзий маънода “шамолни тутиб бўлмаслиги” тарзида рамзий ифодалайди. Ҳикоянинг “Шамолни тутиб бўлмайди” деб номланиши ҳам шундан. Байна момо образи орқали ўзбек миллатига хос миллийлик замиридаги умуминсоний фазилатлар, қаҳрамонлик улуғланади. Ҳикояни таҳлилга тортган адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев асарга қуйидагича баҳо беради: “Н.Эшонқул – миллий истиқлол даври ўзбек насрига янгича оҳанг олиб кира олди. Унинг “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси ифоданинг қабариклиги, тасвир марказига олинган шахс табиатининг мутлақо кутилмаган ва янгилигидан ташқари оҳангнинг ўзгачалиги билан ҳам кишини ҳайратга солади. Шу вақтга қадар бу тахлит кўп қатламли, залворли, ҳикоя маромининг ўзи билан бадий кайфият ҳосил қила биладиган наср намунаси миллий адабиётимизда йўқ эди ҳисоб. Назар насримизни шундай оҳанг билан бойитдики, бу оҳанг ўзбек миллатига хос бўлган жиҳатларни акс эттириш имконияти жиҳатидан тенгсиздир”¹.

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, ҳикоя мазмуни кўпқатламли, қабарик. Буни биз момонинг мусибатларига сабаб бўлган образнинг исмига ҳам рамзий маъно юкланишида кўрамиз. **Замон** отбоқар – **давр**нинг малайи, ҳиссиз, шафқатсиз кимса. **Замон** чўпон ёхуд **Замон** чавандоз эмас, айнан **отбоқар**. Исми қилмишларига монанд мунофиқ кимса. Шўро даврининг қуролига айланган бу кимсанинг қисматини, умрининг фожиавий интиҳоси айнан мустабид тузум таназзули билан параллел тарзда тасвирланади. Бирваракайига уч ўғлига дабдабали тўй қилиш

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.81-82

арафасида сирли ҳамда фожиали ўлим топган раҳнамоларидан ажралган терсоталиклар “қаттиқ қайғуга тушдилар”. Ёзувчи Замон отбоқарнинг рамзийлашган замон билан алоқадор ўлимини шундай тасвирлайди: “Замон отбоқар итдай ўлим топганди. Жасадининг шу туриши аввал ўзи, кейин тепаси қулаб тушган улкан минорани эслатарди – кийимлари пора-пора йиртилган, аврати узиб ташланган, ўнта бармоқнинг ҳаммаси кесиб олинганди...”¹

Қалбдаги исённи зоҳирга заррача ҳам чиқармаган бу мураккаб образ миллатимизга хос орият, садоқат, андиша, рақибига ожизлигини билдирмаслик каби фазилатларни ўзида жамлаб, собиқ шўролар замонини ўзига хос бўёқларда фош этади – руҳан ўзида кўрқув психологиясини шакллантираётган, тарқоқлик сари бораётган халқни сергак тортишга, маънавий кадриятларидан узоқлашаётган ўзлигидан огоҳ этади. Қишлоқда ҳеч ким, ҳатто миршаблар ҳам жимитдай жуссали, сочлари оппоқ бўлиб қолган рамақижон кампирдан шубҳаланишга ботина олмайди. Ҳикоянинг ечими Байна момонинг ўлиmidан кейин, мурдани ювишдан олдин сандиқни очишганда маълум бўлади. Ўлимликка аталган кийим-кечак, кафанлик, келинлик билагузуги, тер ҳиди анқиб турган эркак каллапўши, сарғайиб кетган Қуръонни карим, қон қотиб қолган тумор ва қайчи ҳамда энг охирида кўп йил турганидан қорайиб, кукунга айланаёзган ўнта одам бармоғи топилганда ҳаммаси ойдинлашади.

Ёзувчининг маҳорати ҳам инсонни тутиб турувчи, жасоратга ундовчи қудратли куч унинг жисмида эмас, балки қалбидадир, юракка сингган ҳар қандай туйғу, у меҳрми ёки нафратми, барибир, инсоннинг ҳар қандай дард-у азобларга ҳам дош бериб, мақсади сари ундашидадир, деган ҳақиқатни поэтик тарзда ифодалашида намоён бўлади.

Ёзувчи Терсота қишлоғи ва момо образлари тимсолида ўзининг адабий-эстетик қарашларида илгари сурган юксак миллий руҳ, теран маънавият, миллий ор-номус, ҳаё, ирода, момолардан мерос ички маданият, руҳий баркамоллик ҳақидаги қарашларини сингдириш билан бир қаторда улар тимсолида катта кучга айланган халоскорлик ғояларини сингдириб юборган.

¹ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарк, 2008. –Б.259.

2.3. Ижодий ният ва бадиий ифода параллелизми

Н.Эшонкул адабий-эстетик қарашларининг муҳим бир йўналишини асарнинг ёзилиш усули, ифода йўсини, янгича тасвир, поэтик образ ва рамзлар, тимсоллар ҳақидаги кузатишлари, фикр-мулоҳазалари ташкил этади. Унинг адабиётни янгилаш ҳақидаги қарашларида янги типдаги адабиётни яратиш, янгиланиш, поэтик мазмун ва ғоянинг ифодаланиши энг аввало тасвир ифодасидаги янгиланиш билан боғлиқ, деган кузатишларда намоён бўлади. Ёзувчининг ижодий нияти маълум маънода танқидий тафаккури намуналарида акс этади. Шаклланган тайёр бадиий концепция сифатида асарларига кўчади.

Шу нуқтаи назардан ушбу фаслда қўйилган илмий муаммо тадқиқини ёзувчи асарларининг ифода йўсини таҳлилидан бошлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ёзувчи дастлабки асарларида реалистик тасвирдан фойдаланган бўлса-да, кейинчалик янгича ифода усулларига кўпроқ эътибор қаратгани кузатилади.

2. “Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Зулмат салтанатига саёҳат”, “Оғриқ лаззати”, “Қайтиш” каби асарларида ички монолог – “мен”нинг хаёлий кечинмалари асосида иш юритади. Бундай мураккаб ботиний тасвир ифода услубини янгилашга олиб келади.

3. Шунингдек, Н.Эшонкул реалистик тасвир усулини романтика, сентименталлик, символик талқин йўсини билан бойитади. Ҳаётий воқеалар билан хаёлий ҳодисаларни фалсафий-мажозий мазмун билан уйғунлаштиради. Хусусан, “Маймун етаклаган одам”, “Шарпа”, “Эволюция”, “Баҳоуддиннинг ити” каби асарларида бу жиҳат яққол кўринади.

Бу асарларнинг барчасига хос бўлган етакчи хусусият уларда манзаралар, деталлар, ранглар, товушлар, ҳидлар, вайроналар тасвири, суратлар ва бошқа поэтик унсурларнинг метафориклик касб этиб, катта бадиий мазмунни ифода этишидир. Ёзувчи асарларида тасвир ифодасидаги тиниқлик, сўз воситасида чизилган манзараларнинг ранг ва ҳидларигача сезилиб туриши, ортиқча ҳашамдорликнинг йўқлиги,

кўпсўзликдан қочиш, баъзан бутун бошли жумланинг метафорага айлантирилгани айнан унга хос типик ҳолат ҳисобланади.

Бу хусусиятлар ҳар учала ифода йўсинига ҳам тааллуқли.

Ёзувчининг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси шўро даври таназзулининг бошланиш арафаларида – 80-йиллар адоғида ёзилган. Ҳикоя адабий жамоатчиликда янгилик сифатида қабул қилинди, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Асар рамзий метафорик усулда шўро даври фожиаларини фош қилувчи асар сифатида баҳоланди¹. Бу фикрларда жон бор, албатта. Чунки ҳикоя рамзий асосга эга бўлса-да, конкрет бир давр билан боғлиқ ҳолда маълум макон ва замон воқелигини акс эттиради. Ёзувчи буни рассомнинг турли даврларда яратган суратларининг ўн йилликлар фонида тартиб берилган галереяси орқали ифодаланган маъно-мазмун орқали англатади. Бу суратлар галереясини қолипловчи иккита сурат – галереянинг бошида тартиб берилган, ўрмондан маймун етаклаб чиқаётган навқирон йигит тасвири билан якунидаги мункиллаб қолган чолни ўрмонга етаклаб кетаётган маймун тасвири акс этган суратлар ҳикоянинг тугуни ва ечими сифатида қабул қилиниши мумкин.

Галереядаги суратлар мазмун-мундарижасида ҳам шунга монанд равишда йигирманчи-ўттизинчи йилларда давр шиддатини шижоат билан бошқараётган, ҳаётга катта ишонч билан қараётган қаҳрамон руҳияти акс этган бўлса, вақт ўтиши билан бу ишончнинг сусайиб, суратдаги тасвирлар ҳам хиралашиб, мазмуни ҳам мавҳумлашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Асар мункиллаган чолнинг маймун етовида ўрмонга йўл олиши билан якунланади. Суратларда акс этган бундай мазмунни икки хил талқин этиш мумкин. Биринчиси, ижтимоий мазмун – бу шўро даври ҳаёти ривожияю заволи ҳақидаги қарашларнинг мажозийлашган кўриниши бўлса, иккинчиси маънавиятга дахлдор умумбашарий маъно бўлиб, одамзот умрининг ибтидосию интиҳоси ҳақидаги фалсафий якун сифатида қабул қилиш мумкин. Ёзувчи мана шу англашилаётган маъно-мазмунни реал воқеликка хос бўлмаган рамзий бўёқлар, суратлар галереясидаги одам ва маймун муносабатларининг поэтик тимсоли орқали реал мазмун билан уйғунлаштирганини кўрамиз.

¹Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.39

Буни адибнинг ўзи эътироф этган катта ҳаётий ҳақиқатларга образли мурожаати сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Ҳикояда одам ва маймун образларининг восита сифатида тасвир этилиши даврнинг таълимоти билан қайсидир маънода алоқадор бўлиб, эҳтимол ёзувчининг шўро мафкураси одамзоднинг пайдо бўлишида дарвинизмни тўла қўллаб-қуватлаганига киноя тарзда битилганидир. Ҳар ҳолда ёзувчининг шўро даври фожиаларини тасвирлашида маймун образидан фойдаланиши, бежиз эмас.

“Шарпа” ҳикояси ҳам инсон кўнгли, унинг ҳадсиз, адоқсиз кечинмалари ҳақида. Шарпа – бу ёлғизлик психологияси вужудга келтирган таъқиб. Ёлғизланиш, мавжуд воқеликдан бегоналашиш инсонни хаёлот оламидаги таъқибу тазйиқларга дучор этади. Адиб бу асарда ҳам анъанасига содиқ қолиб, қаҳрамон кечинмаларини тун билан боғлайди. Зеро, тун, Чўлпон таъбири билан айтганда, ажиналар, шайтоний ўйинлар маконидир. Ровий тун қаъридаги қаҳрамон ҳолатининг ёлғизлик исканжаси шарпа тимсолида ҳис этилишини тасвирлайди. Шарпанинг сенга нисбатан қилган таъқиб шу даражадаки, у сен билан бирикиб яхлит ҳодисага айланиб кетади. Буни қаҳрамоннинг дўсти тилидан айтилган қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди:

“ – Биласанми, – деди у эшик олдида сенинг хайрлашиш учун чўзилган қўлингни қаттиқ сиқар экан. – Бу уйда сенинг ўзингдан бошқа ҳеч қандай шарпа йўқ. Шарпа сенсан!”¹

Қизиғи шундаки, ровий –“сен”нинг шарпа билан мулоқотини, ундан қутулиш учун қилган саъй-ҳаракатларини, шарпа таъқибидан озод бўлишнинг турли хил усулларини ўйлаб топиши, жумладан, хаёлини бошқа нарсаларга чалғитишга уриниб, унинг деворларига ҳар хил расмлар ёпиштириши, ўзи билан ўзи гаплашишлари, булар барчаси руҳий кечинма фонида ёритилади. Лекин бу уринишлар самарасиз бўлиб, у шарпанинг таъқибидан қутула олмайди. Ровий “сен”нинг шарпадан қутулиш учун қилган барча уринишларини унинг ичидан туриб ёритгандай таассурот қолдиради. Гўё ровий ҳикоя қаҳрамони “сен”нинг ичига жойлашиб олгану унинг аҳвол-руҳиясига хос кечинма-ҳолатларини бирга кечираётгандек ифода этади. Яъни,

¹ Эшонқул Н. Шафтоли гули. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.62.

ҳикоя ифодасида “мен + сен = шарпа”, деган тамойилга амал қилинаётгандек таассурот қолади. Натижада, ҳикояда гўё ёзувчи икки оламини – реал борлиқ билан хурофотга тутқун хаёлот оламини уйғунлаштириб тасвирлаётгандек бўлади. Ҳикояда инсон ихтиёри ҳар доим ҳам ўзида бўлмаслиги, у қанчалик уринмасин, барибир, хаёлот оламидан, кўнгил дунёсидан айро тушмаслиги, руҳий пўртаналар инсонга доимий ҳамроҳ эканлиги сингари ҳақиқатлар акс эттирилган.

“Эволюция” ҳикоясида асар қаҳрамони (номсиз) шундай бир вазиятда тасвирланадики, у мудом таъқиблардан қочиб яшашга маҳкум. Хўш, уни мудом таъқиб қилиб, ўзлигини, жисмини, хоҳиш-истагини ва ҳатто биологик мавжудлигини ҳам инкор эттириб, ҳайвонга айлантириб қуяётган таъқибчилар ва ғанимлар ким ўзи? Нима учун асар “Эволюция” деб номланаяпти? Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, мазкур ҳикоя дастлаб 1992 йили “Ёшлик” журналининг 1-2-сонларида “Истило” номи билан чоп этилган. Иккала вариантни қиёслаш асосида ҳикоянинг ҳозирги “Эволюция”¹ деб номланган варианты жиддий таҳрир қилиниб, асарнинг маъно қабариклиги оширилганини кузатдик.

“Эволюция” сўзи луғавий маъносига кўра, “авж олдириш, кучайтириш”, деган мазмунни англатади. Узлуксиз, тадрижий ривожланиш, ўзгариш; табиат ва жамиатда узлуксиз тадрижий равишда давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдор ўзгаришлари”², дея таъриф беришади бу тушунчага мутахассислар. Ҳозирги замон табиатшуносларини фикрича, “ҳар қандай мавжудот эволюция натижаси”дир. Бугунги оламнинг манзараси эволюциянинг умумий ҳодиса эканлигини кўрсатади³.

Демак, ҳикоянинг бош концепцияси ҳам қаҳрамоннинг миқдор ўзгаришдан сифат ўзгаришига ўтиш жараёнини тасвирлашдан иборатдир. Мана шу сифат ўзгаришига ўтиш жараёни ҳикояда қандай акс этган, сифат ўзгаришига ўтиш ижобий ҳодисами ёки таназзул?

¹ Эшонкул Н. Шафтоли гули. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.38-59.

² Ўзбек тилининг 5 жилдик изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 5 жилд. – Б.17

³ Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.455

Ёзувчи ҳикояда тасвирлаётган замон ва макон чегарасиз эмас, у катта вақт оралиғидаги муайян даврнинг моделини танлаб олади ва шу моделга улкан хронотопга хос хулосани жойлайди. Ёзувчи танлаб олган модель бизнинг назаримизда, яқин ўтмишимиз – шўро давридир. Шаҳарнинг марказини эгаллаб олган ва бутун шаҳарни ўзининг бадбўй ҳиди билан заҳарлаётган махлуқ эса шўро тузуми тимсоли. Бунга ёзувчи киши билмас деталлар орқали ишора қилади. Ёвуз махлуқнинг кўкузак бўлиб гезариб кетган қорнининг ялтироқ қизил мато билан ёпилиши, ғанимлар ҳилпиратиб осиб қўйган байроқлари туғининг икки бармоқ орасидан беўхшов чиқиб турувчи бош бармоққа ўхшатилиши, бутун шаҳарни инсонни таъқиб қилувчи, тажовузкор шиорлар билан кўмиб ташланиши каби деталлар шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Ҳикояни таҳлилга тортган адабиётшунос Гулноз Сатторова бу ҳақда шундай хулосага келади: “Ёзувчи тарих воқеалари орқали бутун миллатга эрк ва озодлик ғояларини тараннум этади.”¹ Асарда қаҳрамоннинг миқдорий ўзгаришдан сифат ўзгаришига ўтиш жараёни таъқибу тазйиқлар, қувиш ва қочишлар фонидан берилади. Назаримизда, бу таъқиб-у тазйиқлар қаҳрамон қаллиғининг ғанимлар томонидан қатл этилиши ва шу боис, унинг қалбида туғилган қасос олиш истагидан кейин бошланади. Адиб ҳикоя қаҳрамонининг бу истагини икки эпизодда акс эттиради ва ҳар иккаласида ҳам қасос туйғусидан инсонга хос кўрқув инстинкти устун чиқади. Асар қаҳрамони ҳикоя давомида таъқиб этувчилардан қочиб охир-оқибат ўзининг ранг-рўйи, тузилиши, шакл-шамойилини ҳам ўзгартириб олади. Тобора миқдорий ўзгаришдан сифат ўзгаришига, яъни ўзлигидан бегоналашиб ҳайвоний қиёфага (оёқларидан туёқлар ўсиб чиқиб, танасини тук қоплаши кабилар) ўта бошлайди. Бироқ, таъқибдан бутунлай қочиб қутула олмайди, аксинча, кўзичоққа айланган қаҳрамон айнан ўша ғанимлари кўлига тушади. Лекин у энди беозор кўзичоқ тимсолига айланиб бўлган эди. Ғанимлар тимсолидаги изқуварларнинг кўзичоқни ушлагандан кейинги айтган гапларидан маълум бўладики, у ноёб териси учун ҳалокатга маҳкум. Асар қуйидагича хотималанади: “Кўзичоқ

¹Сатторова Г.90 йиллар ўзбек ҳикоячилигидаги миллий характер муаммоси (Ғ. Хотам, Х. Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул ҳикоялари мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс. – Т., – 2002. – Б. 23

ўзаро суҳбатни тушунгандек, кўзларини тантиқлик билан юмиб олди; ҳар-ҳар дамда у кўзларини чўчиб очар, лекин ҳеч қандай хавф йўқлигини сезгач, яна барвастанинг бармоғини очиқиб сўрарди”¹.

Ижтимоий ва ички-ботиний пўртаналар тиниб, воқеликка сукунат нигоҳи билан қараган ёзувчи ҳикояни умуминсоний мазмун сингдириб, метафорик майдонини кенгайтириб, қайта ишлаши ҳам ҳар жиҳатдан табиий ва тўғридир. Буларнинг барчаси ёзувчининг ижод психологияси ва бадиий лабораториясига хос мураккаб томонлар бўлиб, Н.Эшонқул ижоди табиатининг эволюцион моҳиятидан далолат беради.

Н.Эшонқул асарларидаги метафорик серқатламлик баъзи ўринларда ёзувчига панд бергани ҳам кузатилади. Асар композицияси яхлит тизимга эга эмасдек, баъзи воқеалар баёнида изчиллик етишмаётгандек таассурот пайдо бўлади. “Эволюция” ҳикоясида, айниқса, макон ва замоннинг мутаносиб эмаслиги кўзга яққол ташланади.

Н.Эшонқул истеъдодли ёзувчи сифатида ўз шахсиятига хос етакчи хислатларни, адабий-эстетик қарашлари ва эстетик позициясини ҳар бир асари моҳиятига сингдириб юборишга ҳаракат қилади. Ҳар бир яратилаётган асарда аввало ёзувчи “мен”и, олам ҳақидаги ўз нуқтаи назари, муносабатлари акс этиши лозим. “Мени асарларимдан изланг” концепцияси ёзувчи эстетик қарашлари марказини ташкил этиши шундан бўлса керак.

Айни пайтда, Н.Эшонқулнинг олам ва одам ҳақидаги қарашларида ифода шакллари турлича бўлгани билан, Шарқ ва Ғарб фалсафасининг моҳияти битта деган хулосага мойиллиги боис унда бу икки кутб бадиий тафаккурини синтезлашга майл кучли. Бу ҳол “Баҳоуддиннинг ити” номли ҳикояси ғоявий-бадиий мотивида ҳам етакчилик қилади. Ҳикоянинг номланиши ҳам ҳазрат Баҳоуддин ҳақидаги ривоятлар билан боғлиқ. Нақл қилинишича, Баҳоуддин Нақшбанд нафақат дардманд инсонларни, балки паррандаю даррандаларни ҳам даволаганлар (ҳатто кўтир итларни ҳам), уларга ҳам Оллоҳ яратган жонзот сифатида қараб, меҳр кўрсатганлари маълум. У зот асос солган тариқат барча инсонларни дўст-иноқ, меҳр-оқибатли бўлишга,

¹ Эшонқул Н. Шафтоли гули. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.59.

яхши амаллар қилишга, бу дунё ҳамма учун синов эканлигини тушунтириб, қалбда Аллоҳга муҳаббатни пок сақлаб, амалда меҳнатсеварликка даъват этиб, очкўзлик, тамагирлик, текинхўрлик, маънавий тубанликни қоралашлари учун асос бўлган. Кўриниб турибдики, у муборак зотнинг нафақат одамлар, балки кўтир итларга-да кўрсатган марҳаматлари, инсоннинг пок қалби кенгликлари тимсолида келишини кўриш мумкин¹.

Маълумки, реал ҳаётнинг ўзида ҳам ит уй ҳайвони сифатида одамлар ва улар мол-мулкининг кўриқчиси, яқин дўсти, вафодорлик тимсолига айланиб кетган жонивор. Шу боис ит қадим-қадимдан миллий фольклор ва диний қарашларимиз, шунингдек, дунё адабиётида ҳам фалсафий-диний дунёвий мотивларни ифодалаб келади. Миллатимизнинг ит билан боғлиқ образ яратиш анъанаси анча қадим тарихга эга. Г.Снесарёв ўзининг “Реликты до мусулманьских верований и обрядов у узбеков Хорезма” (“Хоразм ўзбекларининг исломгача бўлган диний ва эътиқодий қадриятлари”) китобида ҳам ит образига тўхталиб, қадимги битикларда ит тозаловчи, покловчи маъносини англатиши ҳақида маълумотлар беради. Ити бор хонадон соҳибларига ёвуз руҳлар йўламаслиги ҳақидаги тасаввурлар борлигини қайд этади. Муаллиф таъкидлаганидек, “Авесто”да ҳам баъзи бир наслдаги итлар тозалик-покизалик тимсоли сифатида ёвуз илонларга қарши курашувчи тимсолида келади. Шунингдек, китобда ит билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар (масалан, бепарзанд аёлга бола сўраш, чақалоққа “ит куйлак тикиб кийдириш” каби), ривоятлар ва энг муҳими, итнинг содиқ дўст тимсолига айлангани ҳақидаги қарашлар ўрин олган².

Б.Каримов ит мавзусига бағишланган беш ҳикояни жамлаган “Оқ тирноқ” тўпламига ёзган сўнг сўзида кейинги давр ўзбек насрида яратилган ит образи талқинига тўхталар экан, Н. Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳикояси таҳлили муносабати билан унинг тарихий ва замонавий талқинларига назар ташлайди. Жумладан, “Қуръони карим”даги “Каҳф” аҳли ва уларга ҳамроҳ бўлган ити ҳақидаги машҳур қиссани ёдга олади. Мўғул босқинчиларига қарши курашган шайх Нажмиддин Кубронинг

¹ Бу ҳақда қаранг: Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.48

² Бу ҳақда қаранг: Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.:1969. С.319-322.

ити ҳақида Ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут-тайр”да келган фасл таҳлили, И.Ғафуров, А.Маҳкамларнинг ит ҳақидаги мансуралари, И.Ҳаққулнинг “Баҳовуддиннинг ити” ҳикояси ҳақидаги “инсон ботинидаги “ит” – нафснинг ўйинлари” йўсинидаги қарашларини келтиради. “Назаримизда, деб ёзади олим бу ҳақда, – ҳамдардлик, ўзаро ички оламнинг яқинлиги – бу инсон ва ҳайвон ўртасидаги чегарани йўқотади”¹.

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”нинг “Каҳф” (Ғор) сурасида ҳам айни жонивор билан боғлиқ қисса келтирилади. Қиссага кўра, Рум давлатларидан бирига ҳукмронлик қилган золим шоҳ Дақёнус одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилиб, амрига бўйсунмаган кишиларни қатл эттирар эди. Уч йигит ёлғиз Аллоҳдан ўзга бирон кимса ва нарсага сифинмасликни қасд этиб, тунда шаҳарни тарк этишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётганларида уларга чўпоннинг ити ҳам эргашади. Катта ғорга беркинишади. Бундан хабар топган шоҳ ғорнинг оғзини беркитиб ташлашни буюради. Тангри таоло ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлаб, уларни 300 йиллик узок уйқуга чўмдиради. Ўз марҳамати ила уларни соғ-омон сақлайди. Қочкинлар мўмин ва солиҳ шоҳ ҳукмронлиги даврида келиб уйғонишади. Уларга ҳамроҳлик қилган чўпон ити ҳам садоқати туфайли тўртинчи киши сонига қўшилиб қиёмат кунида инсон териси инъом этилиши баён этилади². Кўриниб турибдики, чўпон ити ўзининг содиқлиги шарофати ила юксак мукофот билан сийланди.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов “Ит - рафиқ, ит - рақиб” мақоласида бу борада ғоят характерли кузатишлар амалга оширилган. Мақолада ит образининг туркий шеърятда хилма-хил мақсадда қўлланиши “Девону луғатит турк”, “Қудадғу билиг”, “Муҳаббатнома” каби асарлар, шунингдек, Саккокий, Атоий, Лутфий, Навоий ғазаллари таҳлили орқали баён этилади. Чунончи, Навоийнинг ғазалидан
“Итинг ўлса жисмиға жонимни солғил,
Ки бу руҳга ул муносиб бадандур”,

¹ Каримов Б. Оқтирноқ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016, – Б.86.

² Қуръони карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент.: Чўлпон, 1992. – Б. 205-208.

байтини таҳлил қилар экан, куйидаги фикрларни илгари суради.

“Демак, ит жисмининг “руҳга муносиб бадан” ҳисобланаётгани бежиз эмас. Бунда шоир туркий халқларнинг исломгача бўлган диний ақидаларига суянганлиги ўз-ўзидан тушунарли”¹.

Назар Эшонкулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясига шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳид ва товуш ижодкор концепциясини очишда асосий поэтик унсурлар эканлиги, ҳикояда ҳид ва мунгли товуш деталига қайта-қайта мурожот қилишининг сабаби ойдинлашади. Асарда бош қаҳрамонинг воқеа давомида руҳан итга яқинлашиб, сўнг ғайритабий ҳолатда итга айланиб кетиши баён қилинади.

Иброҳим Ҳаққул ҳикоя таҳлиliga бағишланган “Эврилиш товуши”² мақоласида таниқли шайх Абдусаид Абдулхайирнинг инсоният пайдо бўлишдан аввал руҳ шаклида пайдо бўлиб, улар бир-бирларини ҳид ва овозларидан бири Мағрибда, иккинчиси Машриқда бўлса-да, таниб суюнишларини ёзади.

Фанда реинкарнация - (лотин тилидан *reincarnation* “қайта яралиш”) , деб номланиб, асосан инсон руҳининг жонворлар (хусусан, ит, шер, эшак ва бош.) танасига кўчиб қайта яралиши, ёки аксинча, олдинги ҳаётида бир жонивор бўлган мавжудот кейинги ҳаётида инсон бўлиб яралиши ва танага руҳнинг кўчиши ҳодисаси ҳам юкоридаги қарашларга ҳамоҳангдир. Буддавийлик динига эътиқод этувчи индейцлар, хитойликлар, хиндлар, японлар бу ҳолатни ақлбавор қиладиган ҳодиса санашади.

Жаҳон адабиётининг йирик намояндалари ижодида ҳам реинкарнация ҳодисаси у ёки бу кўринишда учрайди. Хусусан, Жек Лондоннинг “До Адама”, Оноре де Бальзакнинг “Серафита” романлари моҳияти очилишида реинкарнация муҳим тасвир воситаси сифатида қўлланилади³.

Адабиётда шарқ – ғарб синтези принципларни илгари сурган ёзувчи ҳикоядаги қаҳрамони тимсолида руҳининг ит жисмига кўчиб ўтиши ҳодисасидан самарали фойдаланганини кўрамиз.

¹ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.170

² Ҳаққулов И. Ижод иқлими – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 375-385

³ Бу ҳақда қаранг: <https://ru.m.wikipedia.org>

У.Жўрақуловнинг “Осойиш айёми” номли мақоласида “Баҳоуддиннинг ити” ҳикояси метафорик планда таҳлил этилади. Олим асарнинг тўлалигича метафорага қурилганини таҳлиллар асосида далиллайди. “Зоҳиран ҳикоя сюжети биз анъанавий ҳикояларимиз таъсирида кўникиб қолган одатдаги бадий шаклни эслатса ҳам, моҳиятда соф метафорага қурилган... Умумлаштириб қаралганда ҳикояда инкор ва бегоналашув жараёни бадий вокеланади. Одам жамиятдан қайтиб узлатга чекинади. Мавжуд вокеликдаги қонуниятлар, мезонлар ва тақиқлардан юз ўгиради”, деган фикрларни илгари суради бу ҳақда олим¹.

Ҳикоя сюжетида дастлаб қолипловчи воқеа келади: радиода овоз режиссёри бўлиб ишловчи ҳикоя қаҳрамони муҳаррир топшириғига кўра тайёрланаётган радиопьесага турли-туман сайроқи қушларнинг табиий овозини ёзиш мақсадида ҳамроҳлари билан шаҳар чекасидаги хиёбонга боради. Сайроқи қушлар нағмасини ёзишга шайланган қаҳрамоннинг шуурига дастлаб хушоҳанг куйлар билан бирга элас-элас одамни ғамгин ва дилгир қилиб қўядиган мунгли бир сас, изтиробли нола ҳам чалинади. Айни шу нуқтадан бошлаб ҳикоянинг қолипловчи қисми тугаб, янги, ғайритабиий тасвирларга эга бўлган ва адиб концепциясини белгиловчи йўналиш кириб келади.

Хиёбонда бошқаларга эшитилмайдиган, қаҳрамонни ўзига тобора тобе қилиб олаётган бу нола бора-бора вужудини тўла эгаллаб, унинг одамлардан тобора узоклашиб, бегоналашиб бориши кузатилади. Унинг хиёбондаги ит билан шаҳар кўчаларини ёлғиз кезиши, бошқаларга ёқмаган ички дардларини ҳикоя қилиши, итнинг баданидаги қўтирларни силашдан туядиган меҳр, бир сўз билан айтганда, ўзидаги руҳий кечинмаларни англаб етадиган муносиб бир дардкаш топганини кўрамиз.

Хўш, бунга сабаб нима? Эҳтимол, қаҳрамон табиатига сершовкин шаҳарнинг ёқмаслиги, атрофидагиларнинг уни тушунмаслиги, кўнглига яқин ҳамдарднинг йўқлиги туфайли қўтир итнинг ноласига мафтун бўлиб, дардли қалбига ором излаб, унинг дардкашига айланганининг боиси ҳам шундадир. Зеро,

¹ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2015. – Б. 223-224.

Ҳазрат Навоий таъкидлаганидек, “Одам - дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса – жирканч махлуқдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган одам – яхшилиқни унутмайдиган, вафодор итдан пастдир. Вафодор кўтир ит – вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир”¹.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳикоядаги қаҳрамоннинг итга яқинлашуви ошиқнинг маъшуқа жамоли, яъни моҳиятга интилуви натижаси сифатида ифода этилади. Ёзувчи ит образи билан боғлиқ мотивни сўнгги нуқтасигача кучайтириб “Мантик ут - тайр”да тасвирланганидек, нафақат итлар орасига кўшилади, балки итга айланиб реал воқелиқдан, ижтимоий масъуллик ва ўз “мен”идан бутунлай “озод” бўлади.

Н.Эшонқул ҳикоясидаги ит образи – аввало, мунг ва дардли қалб соҳиби. Қаҳрамон итнинг ноласини қалби билан англайди. Ит образининг асарда қўлланиши анъанавий характерга эга бўлиб, унга ҳикояни таҳлил қилган адабиётшуносларимиз ҳам эътибор қаратишган. Итнинг мунгли ноласи биргина асар қаҳрамони қалбини тирнайди, уни изтироб чекишга ундайди. “Увиллашда мунис андуҳ бор эди. Ундан дард ва мусибат, изтироб, ғам-уқубат тараларди... Одам қандай чидайди бу нолага, деб ўқириб юборгинг келарди. У ўзининг андуҳи билан сеҳрлар, андуҳи билан мафтун қилар, мусибати билан жодулаб кўярди”².

Айни мана шу мунгли нола шодлик ва бахт оҳанглари акс этган радиопьеса учун номувофиқ тарзда қайта-қайта тасмаларга ёзилиб қолаверади. Танловда ютиб чиқиш учун олти ойлаб тер тўкиб, зоҳиран пьеса қаҳрамонларининг, яъни жамиятдаги инсонларнинг саодатли иқболини тараннум этувчи ва шу “хушанишинлик нафақат қаҳрамонларга, балки бутун табиатга хос эканини” тараннум этишни мақсад қилишдек сохта ғояга бўйсундирилган асарнинг овозли нусхасида сайроқи кушлар навоси эмас, балки итнинг дардли ноласи эшитилади. Бироқ, ботинан табиатнинг бундай ноласи қалб кўзи уйғоқ режиссёрни ташвишга солса, бошқаларнинг кулгиси ва ғазабига сабаб бўлади. Режиссёрнинг ит билан дўстлашиши, атрофдагиларнинг ундан ирганиши, ишдан бўшатилишига сабаб бўлади. Бироқ, ҳикоя қаҳрамони ишдан бўшаганига афсусланмайди, аксинча руҳи

¹ Навоий А. Маҳбул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б.86

² Эшонқул Н. Шафтоли гули. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б 30

енгиллашиб, ҳаётнинг адолатсиз сўқмоқларида орттирилган қалб жароҳатлари шифо топиб, ўзини ва атрофдагиларни бошқатдан кашф этади. Қалби илоҳий нурдан мунавварлашади. Бироқ, ҳар нарсадан ўз манфаатини устун қўювчи жамият аъзоларидан тобора узоқлашиб бораверади. Бу бегоналашув ҳақида У.Жўрақулов абсурд фалсафасини илгари сурган Камю бегонасига, тақлидга бу “бегона”ларнинг алоқаси йўқлигини таъкидлаб: “Мен сўз юритаётган БЕГОНАЛАР эса ақлсизликдан ақл, мантиқсизликдан мантиқ топадилар. Бизнинг телбалар ҳолати Шайх Санъон, мажнунлар телбалигига монандки, буни, ҳеч иккиланмасдан машрабона ИЙМОН истиғноси, дея тушуниш мақсадга мувофиқдир”¹, деб ёзади.

Бу ўринда бир масалани ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Юқорида таъкидланганидек, Н.Эшонқул Ғарб ва Шарқ қарашлари моҳиятан бир хил, деган фикрни илгари суради. Уни Шекспир ва Навоий асарлари ҳақидаги кузатишлари билан асослайди. Шу боис ҳикоя қаҳрамонининг жамоа олдидаги масъулиятдан батамом “озод” бўлиб, қўтир ит билан бирга чошиб юришида мавҳумлик бор. Зеро, ҳар қандай ит ҳаётнинг ўзида ҳам, поэтик ҳодиса сифатида ҳам бўйнидаги бурчдан, масъулият ҳиссидан батамом “озод” эмас. Яратган доимо уни инсонларга бурчли қилиб яратган. Шу боис ҳикоядаги қўтир ит ҳар доим битта хонадонга бориб овқатланади, уни қўриқлайди. Шу маънода ҳикоя қаҳрамонининг ит тимсолида тўла “озод” бўлиб, одамлардан бегоналашуви ўзини тўла оқлаган дейиш, мушкул. Аслида, у Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатини қалбига жо айлаган ҳақиқий ишқ соҳиби. Ит – вафо, садоқат тимсолигина бўлиб қолмай, бу йўлдаги восита ҳамдир. Бу восита орқали қаҳрамон ўзлигини англайди...

Н.Эшонқул ҳикояларида ҳаёт, унинг маъноси, яшашдан мақсад нима, қабалидаги фалсафий масалалар кўпроқ шўро даврининг поэтиклашган, рамзийлашган сурати билан боғлиқ ҳолда тасвир этилади. Унинг “Ажр” номли ҳикояси инсон бу дунёда кечирган кечмиши учун албатта ҳисоб беражак деган ғоявий мотив асосида шаклланган. Асардаги “ота” ва “бола” образларини қайсидир маънода рамзий образ деб аташ мумкин.

¹ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.224.

Яъни ота аждодлар тимсоли, отага кўл кўтариш, падаркушлик гуноҳи азимдир. Бунинг учун албатта ажр (жазо) бўлади.

Ҳикоя марказида умумлаштирилган гуноҳкор инсон – У образи туради. Отанинг болага таъна-дашноми шундаки, ўғил У (Оллоҳ)ни унутиб, Унга шак келтириб, қарши боради ва ҳамма фожиа шундан бошланади. Асарда ўғил қилган гуноҳлари учун танланган замон шўро даврини эслатади. Унда тасвирланган зўравонлик, осиш, ўлдириш воқеалари шўро даврининг қатағон сиёсатини ёдга солади. Демак, ёзувчи ажр ҳақидаги илоҳиётга дахлдор тушунча билан ижтимоий муҳитга алоқадор бўлган нуқталарни бир-бирига пайвандлаб, уйғунлаштирган, шу орқали маълум ижтимоий-фалсафий-эстетик хулосалар чиқарган. Асардаги У, яъни Яратган образи ва унинг мавжудлигини таъкидлаш, ҳикоянинг асосий мотивларидан бирини ташкил этади. Барча нуқта ботиний ҳолатда Унга бориб туташади. Ўғил – яъни авлод, ота – аждод олдида жуда катта гуноҳкор ва гуноҳлари ғоят улкан. Зотан гуноҳлар ичида энг дахшатлиси бу падаркушлик – отани ўлдиришдир.

Гуноҳлар учун бериладиган жазо ҳам шунга яраша. Шу тарика ҳикояда ҳам реалистик, ҳам мажозий-рамзий тарзда яшаш, ҳаёт, миллат, гуноҳ, хоинлик ва бошқа тушунчалар бир бутун ҳодиса сифатида яхлит манзара касб этади.

Ёзувчининг “Муолажа” ҳикояси ҳам шу типдаги ҳикоялардан ҳисобланади. Унда инсонларнинг мавжуд ҳаётдаги қолиплардан озод бўлиш истаги – исёни ва унинг оқибатида юзага келган руҳий мувозанатнинг бузилиши масаласи асарнинг асосий мотивини ташкил этади. Асарда “қутқут” касалига йўлиққан уч хил даражадаги беморнинг руҳий ҳолатлари, даволаниш жараёнлари тасвирланади. “Қутқут” касали ҳам, унга чалинганлар ва уларнинг руҳий ҳолатлари ҳам маълум даражада рамзийлашган бўлиб, аслида ҳаётдаги инсонларнинг турланувчан қиёфалари, руҳий манзаралари акс эттирилади.

Масалан, профессор телба деб таништирган бир касалнинг руҳий ҳолатини ёзувчи қуйидагича изоҳлайди: “Касал мана шу ҳолатда жуда хавфли бўлади, унга эҳтиёт чоралари кўрмай туриб, яқинлашиш ман этилади. У сизга ҳеч иккиланмай ташланиши мумкин, сиз унинг хаёлида кўринган зўравон ёки ўзини ўлдириш учун пусиб келаётган қотил бўлиб туюласиз. Шу топда у ғирт

телбага айланади: “мени хўрлашяпти” деган фикр бутун шуурига ўрнашиб қолган, у хаёлидаги зўравонни нима қилиб бўлса ҳам ўлдириш тараддудига тушган. У хаёлида ўзи учун макон ясаб олган. Биз шартли қилиб, унинг тасаввуридан келиб чиқиб, “озод дунё” деб атай оламиз. “Озод дунё” унга тинчлик бермайди. Ҳар бир нарса унга зўрлик бўлиб кўринади, ҳатто сиз ҳам унга зуғум қилиш учун турганга ёки кулганга ўхшайсиз. У ўзича “озод” бўлишнинг йўл ва режаларини тузади”¹.

Ушбу парчадаги макон ясаб олиш, “озод дунё” тасаввури билан яшаш ва бошқа фикрлар айнаи реал воқеликдаги баъзи бир одамларнинг эркинликга интилиш истаги билан ҳамоҳангдир. Уларда фақат руҳни тан олиб жисмни эсдан чиқарган кишилар тимсолида намоён бўлади. Асарда бундай кишилар жамоа томонидан жинни деб аталади.

Ҳикояда бундай руҳий инкирозларга йўлиққан одамларнинг образини яратишда ёзувчи фрейдизм назариясига асослангани сезилиб туради. Бу айниқса, профессор томонидан беморларга берилган таърифларда яққол кўзга ташланади. Профессор таърифига кўра, бу тоифадагилар ўзини ғоят ақлли одам деб ҳисоблайдилар. Улар руҳий тутқаноқ пайтида (ижод, илҳомланиш жараёнида) ўзларини бу оламдаги ўлчовларга сиғмайдиган кимсалар сифатида тасаввур этадилар. Профессор талқинига кўра, биз амал қиладиган бу дунё қонун-қоида, одоб-ахлоқ нормалари улар учун ғирт бемаъни туюлиши ва ўзларининг ҳоҳиш истакларидан келиб чиқиб тасаввур қилишлари, белгилашлари мумкин. Буни “исён” даври деб аташ мумкин дейди, профессор. Шундай ҳолатда оддий одамлар учун ахлоқсизлик бўлиб туюлган баъзи хатти-ҳаракатлар улар учун табиий ҳол сифатида қабул қилинади ва профессор тавсиясига кўра бундай касалларни фақат “хивчин” билан уриб даволаш мумкин. “Хивчин” билан уриб даволаш анъанаси ҳалқимиз удумларига зид ҳодиса эмас. Қадим-қадимда ҳам жунунсифат одамларни мулла, эшон, дуохонлар дуо ўқиб хивчин билан даволаб хушини жойига келтиришган. Бироқ, бу ўриндаги хивчин албатта, рамзий мазмунга эга, ҳаммаёқдаги қон ва бошқа

¹ Эшонкул Н. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарк, 2008. –Б. 348.

хидларнинг уфуриб туриши, бу касаллик ва унинг даволаш усуллари рамзий тарзда давр фожиаси билан боғланган.

Бу ўринда муолажа олиб бораётган тиббиёт ходимининг савалаш жараёнидаги ҳолатига сунъий тарзда ўқувчи диққатини тортиш, фрейдизм назариясига хос “садизм”нинг мавжудлигини бадиий тасвирлашга уриниш яққол сезилади¹. “Муолажа” ҳикоясидаги руҳият тасвирларининг фрейдизм билан боғланиши ва узундан-узоқ тасвирларида биров сунъийлик сезилиб туриши, уларда бадиий талқиндан кўра руҳиятнинг З.Фрейд асос солган психоаналитик ёндашувига кўпроқ урғу қаратиш устуворлик қилиши, бизнингча, шу билан изоҳланади.

II боб бўйича хулосалар

Бадиий адабиётнинг бош мақсади тасвир марказидаги инсоннинг қалби, ички дунёсини ҳаётӣ, ҳаққонӣ, тадрижий такомилда тасвир этишдир. Сўнгги давр ўзбек насрида қаҳрамоннинг ботиний дунёсини ўрганиш, беқарор руҳий кечинмалари қонуниятларини кашф этиш, онг ости жараёнлари тасвири бадиий характер яратишнинг етакчи тамойилига айланмоқда. Н.Эшонқулнинг аксарият асарларида инсон ва унинг кўнгил олами, руҳий кечинмалари бадиий талқин этилади.

Шу нуқтаи назардан ёзувчининг адабиёт ҳақидаги асосий кузатишлари асосида адабий-эстетик позициясини белгилаш ҳамда ушбу позициянинг ўз асарларида намоён бўлиш усул ва тамойилларини очиқ бериш ёзувчи ижодий лабораторияси ва ижод психологиясини ўрганишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Н.Эшонқул қарашларида ҳар бир ижодкор ўз “мен”ига эга бўлиши учун ташқи омиллардан ташқари ўз ички оламига – шахсиятини намоён қиладиган тафаккур, тасаввур оламига эга бўлмоғи лозимлиги ўз аксини топган. Бундай хулосалар ёзувчининг ижтимоий-эстетик қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Хусусан, ҳикояларида ёзувчининг шўро мафкураси ҳақидаги ҳукм-хулосалари, одамларни шахссиз кимсага

¹“Садизм”нинг психоаналитик талқинлари хусусида қаранг: У.Жўракулов. Психоанализ ва бадиий ижод / Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 37-68.

айлантириб таназзулга дучор қилган тузум ҳақидаги тўхтамлари акс этган.

Н.Эшонқул ўз асарларида инсонни, унинг моҳиятини англаш ва очишга ҳаракат қилар экан, турли хил бадиий тасвир усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланишга уринади. Жумладан, “Тун панжаралари” асари инсон қисмати, боқийликка дахлдор ҳақиқатлар ҳақидаги ёзувчи муносабатлари талқинидир.

Шу билан бирга, Н.Эшонқулнинг ижтимоий-эстетик қарашларида Ғарб замонавий адабиёти, айниқса, Ф.Кафка қарашларига муштараклик кузатилади. Ф.Кафка ва Н.Эшонқул ижтимоий-эстетик қарашлари ва бадиий асарларига хос параллеллизм улардаги рамзий маъноларнинг бўртиб туришида, воқеликнинг анъанавий воситалар асосида эмас, балки ғайритабиий, онг оқимига хос тасвир орқали ифодаланишида, киноявий оҳанг ва тушкун руҳий ҳолатнинг етакчилик қилишида кўринади. Энг муҳими, Н.Эшонқул эстетик қарашлари мазмун-моҳиятида миллий маънавият ижтимоий ҳурлик, эркин шахс концепцияси турадики, буни ёзувчининг барча асарларида кўриш мумкин.

Н.Эшонқулнинг бир туркум асарларида ижодига хос юксак драматизм сақланиб қолган бўлса-да, уларнинг баъзиларида ўзгача концепция ва тасвирларга дуч келамиз. Жумладан, “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Ялпиз ҳиди”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Қултой” каби қисса ва ҳикояларида миллийлик, маънавий баркамоллик, одамийлик ва юксак инсоний туйғулар тасвири тез-тез учрайди.

Ёзувчининг миллий, ижтимоий, маиший ва шахс ҳақидаги қарашлари, оммавий маданият ва оломончиликка доир чуқур хулосалари эстетик қарашлари асосини ташкил этади. У маънавий қашшоқлик, омма маданияти хавфига миллий қадриятлар, маънавий анъаналар билан жавоб бериш лозимлигини уқтиради. Хусусан, “Момоқўшиқ” асаридаги Муаззам образида миллатни, у куйлаган қўшиқ тасвирида миллат маданияти, баркамол маънавий қадриятларимизни метафорик йўсинда сингдириб юборади.

Ёзувчи биографиясидаги энг таъсирчан нуқталар унинг қисса ва ҳикояларида ўз аксини топган. Болалиги кечган қишлоқ (Терсота), боболари, момолари, ота-онаси, қишлоқ аҳлининг ҳеч

бир миллат кишиларида такрорланмайдиган табиати Н.Эшонқулнинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Бу жиҳатлар ёзувчининг “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Шамолни тутиб бўлмайди” каби асарларида бош бадиий концепцияга айланган.

Н.Эшонқул ижодида мусиқа, товуш, оҳанг, суратлар, ранглар рамзий маъно касб этиб, қаҳрамон руҳиятини, асар мазмунини очишга, ёзувчи концепцияни тушунишга, шунингдек, ижодкор шахси, “мен”ининг, мусиқа, тасвирий санъатга мойиллиги кучлилигини кўрсатади. Шу билан бирга бадиий асар эстетик жозибасини кучайтиради. Н.Эшонқул ижодига хос бундай хусусиятларнинг барчаси ундаги ижодий ният ва бадиий ифоданинг параллел акс этишини таъминлайди.

“Уруш одамлари” асарини реализм усулида яратган адиб кейинчалик ўзининг адабий-эстетик принципларидан келиб чиқиб, янги-янги ифода усулларини кашф этди. Ёзувчи эстетик принципларига кўра барча асарларининг моҳиятида катта ҳаётий ҳақиқатлар акс этган. Бу ҳаётий ҳақиқатлар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маънавий меросидан, энг аввало, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан сув ичган бўлса, иккичи томондан жаҳон адабиётининг сўнгги ютуқларидан баҳрамандлик билан боғланади.

Буларнинг барчаси ёзувчи ижодий фаолиятида сўз ва амал бирлиги, бошқача айтганда, ижодий ният ва бадиий ифода параллелизмини кўрсатади.

III БОБ. УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИНИНГ БАДИИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

3.1. Насрий ижодда илмий ва бадиий концепция муштараклиги

Одатда, ҳар қандай ижодкорнинг ижод ҳақида, бадиий асар ҳақидаги қарашлари асосида ўз ижодий тажрибалари туради. Бундай қарашлар адабий анъаналар, жаҳон адабиёти тажрибалари билан синтезлашиб, ижодкорнинг бир бутун эстетик қарашларини ташкил этади. Шу маънода ҳар бир ижодкор, аввало, ўз ижодининг, айна пайтда, адабий жараён, алоҳида бадиий асарлар талқинчиси, ўз замонасининг фаол мунаққиди ҳисобланади.

Адабий-тарихий жараёнда шундай ижодкорлар ҳам учрайдики, улар ўз шахсиятида ёзувчилик билан олимликни, бадиий ижод билан мунаққидликни бир бутун ҳодиса сифатида намоён этади. Уларда адабиётшунос-олимларга нисбатан синчковлик, бадиий асардаги томир уришини ҳис этиш, сўз товланишларини англаш имконияти кенгроқ бўлади.

Алишер Навоий, Бобур, Л.де Вега, Б.Грасиан, Л.Н.Толстой, Ф.Достоевский, У.Эко, Ш.Сент-Бёв, А.Моруа каби ўзбек мумтоз ва дунё адабиёти намояндалари ижоди бунга мисол. Замонавий ўзбек адабиётида Ойбек, Ғ.Ғулум, М.Шайхзода, И.Султон, П.Қодиров, Ж.Камол, Х.Дўстмуҳаммад каби кўплаб ўзбек ижодкорлари фаолиятида бадиий ижод билан илмий ижод уйғун олиб борилганини кўрамиз. Ёзувчи ва шоир У.Ҳамдам шундай анъаналарни давом эттираётган ижодкорлардан бири.

У.Ҳамдам ижодининг асосий қисмини гарчи насрий асарлар ташкил этса-да, руҳан шеърятга ошнолик, нафис туйғулар билан йўғрилган гўзал шеърларини яратиш билан бир қаторда, шеърят сирларини нуқтадонлик билан таҳлил ва талқин этувчи олим сифатида эътироф этилган мунаққиддир. У дастлаб адабиётшуносликда Ойбекнинг “соф” лирикаси тадқиқчиси сифатида танилди, кейинги тадқиқотларида XX аср шеърятининг тараққиёт тенденцияларини, етакчи хусусиятларини ўрганувчи тадқиқотчи сифатида шаклланди. У.Ҳамдам гарчи шеърятга оид тадқиқотлари билан олим

сифатида эътироф этилган бўлсада, унинг адабий-эстетик қарашлари адабий жараёнга оид кўплаб суҳбатлари ва баҳс-мунозаралардаги иштирокида намоён бўлади. Бу суҳбат ва баҳс-мунозаралардаги иштироки унинг адабий жараён, замонавий ўзбек ва жаҳон адабиёти, хусусан, модернизм йўналишининг фаол кузатувчиси ва талқинчиси эканини кўрсатади. Таржимонлик фаолияти эса Шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафасидан маънавий озик ва илҳом олувчи ижодкор сифатида намоён этади.

Шулардан келиб чиқиб, У.Ҳамдам адабий-эстетик қарашларида Шарқ ва Ғарб адабиётининг турли хил муаммолари, Шарқ фалсафасининг асосини ташкил этувчи румиёна қарашлардан тортиб Ғарб модернизми ва постмодернизмига оид назарияларгача қамраб олинганини эътироф этиш лозим. У.Ҳамдам илмий, адабий-эстетик қарашларининг омиллари ҳақида сўз юритилганда, унинг энг муҳим ижодий принципларидан бири бадиий асар қандай усулда, қандай “изм”да – (хоҳ реалистик, хоҳ модернистик) яратилган бўлмасин, асосида катта ҳаётий ҳақиқатлар ётади, реализм бадиий адабиётнинг асосидир, деган қарашлар устуворлигини кўришимиз мумкин¹.

Дарҳақиқат, У.Ҳамдам ижодида катта ҳаётий ҳақиқатлар тасвири, инсон қалб кечинмаларининг турфа хил товланишлари бадиий акс эттирилганига амин бўламиз. Бу ҳол, айниқса, ёзувчининг реалистик асарларида, қисса ва романларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ушбу илмий-бадиий уйғунлик ҳатто асарлари сарлавҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, адабий жараёнда ижобий кутиб олинган “Мувозанат”, “Сабо ва Самандар”, “Исён ва итоат” каби романларда илмий-фалсафий мантиқ етакчилик қилади.

Унинг романлари ва ҳикояларида ҳаётий воқелик реалистик йўсинда ифода этилса, рамзий-мажозий мазмунга эга қисса, ҳикоялари асосида ҳам ҳаётий пафос, оптимистик мотивлар талқини етакчилик қилишини кузатамиз. “Ҳаёт! Мана, нима – барча янгиланишларнинг манбаи! Ҳаётимизда кечаётган азим ўзгаришлар туфайли нафақат шеърият, балки бутун бошли

¹Бу ҳақда қаранг: Қахрамонов Қ. Адабий жараён ва эстетик талқин. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2014. –Б.59.

адабиётимиз у ёки бу мафкурага хизмат қилишдан тийилиб, ўзининг азалий ўзанига тушиб боряпти. Натижада, адабиёт инсонга яқин келиб, унинг дардларини куйлай бошлади”¹.

Ушбу фикрларда У.Ҳамдамнинг адабий-эстетик қарашларидаги муҳим жиҳатларидан бири – ҳаётий ҳақиқат намоён бўлишини кузатамиз. Ёзувчи катта ҳаётий ҳақиқатлар деганда фақат бадиий асарда тасвирланаётган ижтимоий воқеа-ходисалар, шу воқеа-ходисаларда акс этаётган реал одамларнинг реал ўй-кечинмаларинигина назарда тутмайди. Балки асарда тасвирланаётган воқелик ва одамлар қисмати асосида катта ҳаётий асосга эга бўлган фалсафий қарашлар, муносабатлар, кечинмалар талқинлари ҳақида сўз юритади.

Шу маънода, “Мувозанат” фақат роман сарлавҳасигина эмас, балки муҳим фалсафий асосга эга умуминсоний тушунча ҳамдир. Асарда биз шу тушунчанинг ўзига хос поэтик талқинини, ечимини кузатамиз. Романда тасвирланаётган воқелик, унда ҳаракатланаётган қаҳрамонлар кечмиши шу тушунча моҳиятини очишга хизмат қилади. Роман талқинича, мувозанат фожиавийликни олдини олувчи, оламни ҳам, одамни ҳам барқарор тутиб турувчи буюк фалсафий тушунчадир. Мувозанат бузилса, олам фожиага юз тутаяди. Романнинг етакчи концепцияси шу.

Айни пайтда роман хулосаси чуқур фалсафа ва илмий мантиққа асосланган. Айни хулосанинг романда образли ифодаси, кульминацияси ва ечими ёзувчи поэтик маҳорати маҳсулидир. Буларнинг барчаси У.Ҳамдам ижодида илмий, фалсафий ҳамда бадиий концепциялар бадиий хулоса ўлароқ умумлаштирилганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан “Мувозанат”ни илмий-ижодий синтезнинг ўзига хос намунаси деб баҳолашимиз мумкин.

Ёзувчининг “Сабо ва Самандар” романида ҳам шу хусусият устуворлик қилади. Романда инсон ақл-идроки, юксак заковати билан яратилган илм-фан бошқаруви етакчилик қилаётган ҳаёт тарзи ва инсоний туйғулар билан яшовчи шахслар ҳаёти бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Китобхон олдига эса танлов имконияти кўндаланг қўйилади. Романда бу концепция

¹Ҳамдан У. Руҳни ўйғотувчи сўз. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. – Б. 22.

адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси бўлган муҳаббат кўшиғи воситасида бадий тасвирланади. Роботлашган қалб соҳиби Шердил ва ўзининг соф инсоний кечинмаларини сақлаб қолган Самандар ўртасидаги муносабатларнинг айрича талқинлари асосида ифодаланади. Асарда Сабо азал-азалдан қалбларни жунбушга солиб куйланиб келаётган муҳаббат тимсоли. У бойлик ва зўравонлик орқали чет элда ўқиб, туйғуларини ҳам қолипга солиб олган Шердил томонидан мавҳ этилади. Қалби муҳаббатнинг азалий кўшиқлари, ҳис-туйғулари билан лиммо-лим Самандар, унинг Шердил билан зиддиятлари талқини, жисмонан Шердил кўлида тутқунликка маҳкум Сабо қисмати шоирларимиз азалдан куйлаб келётган “юракми ё ақл?” муаммосига асосланганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, асарда Э.Воҳидовнинг машҳур “Юрак ва ақл” шеърида акс этган поэтик мазмуннинг эпик талқинига дуч келамиз. Шоир шеъри **“Фақат унга ишондим // Юрак мени алдамас асло!”** дея хотималангани сингари Сабо ва Самандарнинг қалб интилишларида ҳам юрак, маънавият устун чиқади. Асар хотимасида ошиқ-маъшуқа руҳан озод бўлиб, қалб уйғунлигига эришади. Кўринадики, ёзувчи ҳар иккала асарида ҳам катта ҳаётий ҳақиқат – одам ва оламдаги эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий курашдаги мувозанат фалсафасини бадий ифодалаган.

Сабо Самандарни қанчалик севмасин, қалбан унга интилмасин, лекин удумларимизни оёқ-ости қилмайди, Шердилни ташлаб кетмайди. Ёзувчи романларида бутун олам тортилиш қонунидан тортиб, инсон онгу жисмида кечаётган ақл ва қалб туғёнлари ўртасидаги муносабатларгача бўлган жараённи камраб олувчи ҳодисаларда мувозанат ҳал қилувчи омил эканлиги эстетик принцип ўлароқ намоён бўлади.

Ёзувчи адабий-эстетик қарашларининг яна бир қиррасини Н.Эшонкул қарашларида ўрганилган, ёзувчи дунёқараши, ижодкор “мен”и масаласи ташкил этади. У.Ҳамдам ҳам ижодда худди Н.Эшонкул каби ўз қалбини, ботиний оламини қоғозга тўқади. Муаллиф фикрича, “...Рост адабиёт – КЎНГИЛ АДАБИЁТИдир! У кашф этади. Бироқ, қандайдир тоғу тошлар қаърида беркиниб ётган маъданларни эмас, балки инсон бағрида яширинган оламларни очади. Дарҳақиқат, тушунган одам учун

энг қимматли борлиқ - унинг ўз олами”¹. Бу фикрлар асосида Жалолиддин Румий фалсафасининг таъсири яққол сезилади.

Кўриниб турибдики, мунаққид чинакам бадиият намуналарини инсон кўнгли билан боғлаб, уни ботинда пинҳон кечинмаларнинг кашфиётчиси сифатида кўради. Унинг фикрича, шеърият ҳам ижтимоий, ҳам руҳий, ҳам биологик майлларни ифодаловчи ҳодиса. “Лекин ҳақиқат уларнинг биттасидагина эмас, балки ҳаммасида, ҳаммасининг бирлигидадир”². Ушбу концепцияга кўра бадиий адабиёт кўнгил мулки бўлар экан, энг аввало, унда ижодкор шахси, дунёқараши, ўз “мен”и акс этади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, У.Ҳамдам асарларидан, аввало, ёзувчи “мен”ини, унинг ўзига хос ботиний олами, ўзлигини излашимиз керак бўлади.

У.Ҳамдам инсон ботиний олами, психологиясини ўзи яшаб ижод қилаётган давр билан, давр психологияси билан узвийликда талқин этади. Даврга хос ҳар бир воқеа-ҳодиса, юксалишу таназзул инсон фаолиятида, ўй-кечинмаларида у ёки бу тарзда акс этади. Бу акс этиш жараёни инсоннинг дунёқараши, мақсад ва интилишларига, маънавий-ахлоқий оламига боғлиқдир. Айни пайтда шахс мақомига эришиш ўз даври воқеа-ҳодисаларидан юқорироқ кўтарила олиш демакдир. Ёзувчи ўз даврининг муаррихи ва маълум маънода барометридир. Шахс ўз даври муаммолари билан ўралашиб қолмасдан, катта ҳаётий умумлашмалар, асрлар силсиласига дош берадиган умумбашарий ғояларга эргашмоғи лозим. Бадиий юксак асарларнинг умурбоқийлик сири ҳам шунда.

Мана шундай илмий, адабий-эстетик қарашларни илгари сурган ижодкорнинг асарларида ҳам ижтимоий, маънавий ва ахлоқий муаммолар акс этгани маълум бўлади. Улар биринчидан, ҳаётда бўлаётган янгиланишлар асносида инсонлар дунёқараши ва маънавий оламидаги ўзгаришлар, иккинчидан, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий муаммолар билан чамбарчас боғланиб кетади. Ёзувчи яратган қаҳрамонлар ижтимоий одам “мен”ида туғилаётган сон-саноксиз саволлар ва бу саволларга изланаётган жавоблар, ўзини, ўзлигини англашга бўлган эҳтиёж, бу борадаги интиҳосиз саъй-ҳаракатлар акс эттириладики, буларнинг бари

¹Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.15

²Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 14

ўзгараётган оламдаги инсон дунёқараши ва кечинмаларининг бадий суратларидир. Бундай талқиннинг нисбатан очик намоёишини “Ёлғизлик” қиссасида кузатишимиз мумкин. Қисса ўзини англашга интиляётган, ўзи воситасида Сен билан мулоқотга киришишга жазм этган инсон интилишлари акс этган асардир. Бунда инсон “мен”и зиддиятли қарашлар майдони сифатида намоён бўлади.

Мунаққид Р.Раҳмат “Ёлғизлик”ка ёзган сўз бошида ундаги ифода йўсинини Фрейднинг онгсизлик ҳақидаги қарашларига қиёслар экан, У.Ҳамдам ижодкор сифатида бу таълимотдан хабардор эканлигини, бироқ асарнинг мазкур таълимот асосида яратилмаганлигини таъкидлайди. Яъни асар олдиндан бирон-бир фалсафий қарашни ифодаловчи қолипга бўйсундирилмагани, асар қаҳрамоннинг ўзлигини излаш жараёнидаги зиддиятли кечинмалари, “исён ва итоат” оралиғидаги мувозанату мувозанатсизлик кайфиятларини Камю, Кафкаларнинг кундаликларига менгзайди. Ва энг муҳими, асар “исмсиз, қиёфасиз, макон ва замонсиз қаҳрамони балчиққа тушиб қолган катта балиққа” ўхшатилади. Мунаққид фикрича, сузай деса сузишнинг, ўлай деса ўлишнинг иложи йўқ. Албатта, бу каби мулоҳазалар мунаққиднинг асар ҳақидаги шахсий мулоҳазалари.

Р.Раҳмат кейинроқ ёзилган “Адабиётдан чиқиш” рисоласида сўз бошидаги қарашларини анча кенгайтирган, янги тафсилотлар билан бойитган. Жумладан, фрейдизм асосида У.Ҳамдам ва Н.Эшонкул асарларида учровчи рамзлар ва туш ҳодисасига эътибор қаратган. Уларни асардаги ботиний онг тили деб ҳисоблайди. “Туш–мутлақо махфий ҳодиса. Унинг моҳиятига етмоқчи бўлган одам рамз тилини мукамал билиши лозим”¹. У.Ҳамдам ижодининг туш билан боғлиқлиги, тасвир этиляётган воқелик, ижодкорнинг эстетик идеали рамзлар билан ифодаланаётганлигини таҳлиллар билан асослашга ҳаракат қилинади.

“Ёлғизлик” қиссасидаги кечинмалар ўнг билан туш орасида кечаётганлигини илғаш мумкин. “Туш кўрибман. Нимани кўрганим шу тобда эътиборимни тортгани йўқ. *Балки айби учун олис ва қаровсиз юртга ҳайдалган гуноҳкор ўлароқ ўзимни ҳис*

¹Раҳмат Р. Адабиётдан чиқиш. – Тошкент: Akademnash, 2015. – Б. 56

этиб уйгонганим галати таъм янглиз бутун борлигимда сезилмоқда. Яъни, тушим – асл ватаниму ўнгим – қилмишимга яраша жойим, бадарға этилган жазо еримдек”¹.

“Ёлғизлик”даги тушлар тасвири шу тарзда давом этади. “Тағин туш аро уйғондим ва тағин ўзимни аросатда топдим. Вужудим, хаёлим, онгим, ҳатто руҳим – бутун борлигим ширин карахтликда”². “Уйғондим, лекин қимир этмай карахт бўлиб ётавердим. Ортда қолдириб келганим олам – туш таъсиридан бирданига қутулиб, жисмлар макони – ўнгимдаги дунёга куниқолмадим. Сўнгра жараён ва вақт ўз ишини қилди – мен атрофни кўра бошладим”³.

Асардан олинган кўчирмалар ҳақиқатан ҳам асарда туш мотиви муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Ёзувчи билан бўлган суҳбатимизда “Мавзуларни олдиндан режали равишда танлаб оласизми ёки бирон-бир туртки сабаб туйқус пайдо бўладими”, деган саволимизга шундай жавоб олдик: “Дарвоқе, туш... Мен кўпгина асарларимни тушимда ёзганман. Қатор ҳикоялар, “Сабо ва Самандар” номли романимнинг хотимаси, ўнлаб шеърлар... Чунки ёзмоқчи ёки ёзаётган нарсам мени жуда кўп ўйлатади. Шундан бўлса керак, улар тушларимга ҳам кўчиб ўтади. Бори – шу”⁴. З.Фрейднинг туш назариясига оид қарашларида у кўпинча яшириб юрилган ботиний истакларнинг юзага қалқиб чиқиши, деб тушунтирилади⁵.

У.Ҳамдамнинг “Йўл” номли романи композицияси асарнинг барча компонентларини уюштириб, унинг шаклий ва мазмуний бутунлигини таъминлашга, ўқувчига бадиий матн қатидаги серқатламликни англантишга, ғоявий-эстетик таъсир кучини орттиришга хизмат қилган. Аввало, бу яхлитлик, серқатламлик матн курилишининг дастлабки элементи бўлган сарлавҳаларда ўз ифодасини топади. Роман шаклан кичик, мазмунан залворли маъно англатувчи сарлавҳа остидаги ҳикоя ва суҳбатларни муносиб танланган бадиий сатҳда композицион бириктирган. Романда “Тушдан олдинги воқеа”, “Илк туш”, “Заминдан самога

¹Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.– Б.42

²Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.– Б.64

³Ҳамдам У. Ёлғизлик– Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 67

⁴Pedagog № 9 (9)- son, 20- noyabr, 2018. – Б. 7

⁵Бу ҳақда қаранг: З.Фред. О сновидение / Психология бессознательного. – М.: Просвещение, 1989. – С. 310-345; У.Жўракулов. Психоанализ ва бадиий ижод / Худудсиз жилва– Тошкент: Фан, 2006. – Б. 37-68.

парвоз”, “Нуқта”, “Ковуш”, “Кириш”, “Титроқ”, “Бозор”, “Боболар тарихи”, “Куёшим, чиқармисан”, “Ватан ҳақида кўшиқ”, “Мутакаббир кимса”, “Дўст ва душман”, “Яхшилик ва ёмонлик”, “Йўлдошлар ва мақсадлар”, “Шоир”, “Томчи садолар” (Икки дўст суҳбати), “Менинг растам”, “Ғофиллар”, “Томчиман бир ... уммонга ташна”, “Бобо ва набира”, “Баланддаги йўл” каби сарлавҳали ҳикоялар мавжудки, улар мазмунан бир-бирини тўлдириб, қолиплаб, ижодий ниятни англаш ва муҳим хулосалалар чиқаришга, мулоҳаза юритишга ундайди. Асар бир зиёли кишининг олам ва одам, илоҳият, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги диний, дунёвий, фалсафий қарашларини поэтик ифода этади. Ёзувчи ўзининг “излаганинг ўзингдадир” асосий эстетик принципига (Румийдан маънавий озикланиш асносида пайдо бўлган)¹ амал қилиб, инсон қалби илоҳият нури зуҳр этувчи ошён эканлигига ишора қилади. “Мен бир ожиз томчиман, аммо юрагимда уммон соғинчи яшайди”², деган Румий фикрининг эпиграфда келтирилишининг ўзиёқ асар моҳиятини очишга хизмат қилади.

“Тушдан олдинги воқеа” номли дастлабки ҳикоя қаҳрамон шуурида шивирлаб акс-садо берган овозда ўз ифодасини топган илоҳий маънонинг ўзига хос дебочаси сифатида келади. Ғойибдан келган овоз сирли, узун йўлга қиёсланади. Ўзига чорловчи бу илоҳий мужда қаҳрамон ботинини чакмоқдек ёритиб, калба кечаётган кечмишларнинг нурдек оқишига имконият яратади.

Демак, асар моҳиятида **асл ҳақиқатга элтувчи йўл ва ундан оғишмай илдам бориш ғояси** ётади. Бу йўл ровий қалбини нур янглиғ ёритиб, бу ёруғликни асар мазмунига сингдирган ёзувчи ўқувчига эзгулик йўли ҳақида сўзлайди. Асарда ижодкор ўзининг илоҳий вазифасини адо этишига ишора ҳам бор. Бу йўлда турли-туман тўсиқлар, машаққатлар, ҳолатлар, руҳий изтиробларни бошдан кечириш жараёни кўплаб ҳикоя ва суҳбатлар қатига сингдирилган метафорик талқинлар фонида ёритилади.

¹ Маълумки, У.Ҳамдам Ж. Румийнинг “Фихи мо фихи”, яъни Ичингдаги ичингдадир асарини турк тилидан ўзбек тилига таржима қилган. (Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 240 б.)

² Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. –Б. 108.

Романда ҳикоялаш, тавсиф ва қисман диалог каби бадиий нутқ шаклларида унумли фойдаланилган. Асарда қаҳрамон (ровий) ва персонажлар (бола, шоир, устоз, дўст, бобо кабилар) нуктаи назарлари асар концепциясини очишда мақсадли алмашилиб келади. Оқибат ўлароқ асарда ёзувчи “мен”и, дунёқараши, кечинмалари сўзлар қатига беркитилган маъноларда бўй кўрсатади. Бу ҳақда муаллиф биринчи туш хотимасида шундай дейди: “Яхшиси, ота-боболаримизнинг изидан юриб, ўзимни беминнат дастёрлар – сўзларга топширайки, бундан буён менинг менлигим ана шу сирли сандиқчаларга омонат бўлсин!...”¹ Ёзувчининг маҳорати сюжет қурилишида турли хронотоп шаклларда кечаётган воқеаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда, маконий ва замоний ўзгаришларни асослашда, сабаб ва натижа муносабати асосидаги алоқадорликни кўрсата билишида, илоҳий ва ҳаётий ҳақиқатни бадиий деталь ва образлар воситасида етказа олишида намоён бўлади.

Қаҳрамон кўрган рамзий тушлари оламнинг пайдо бўлиши, инсониятнинг галдаги вазифаси, ҳаёт йўлига қадам қўйиши, ҳайвонот, наботот оламининг яралиши ва уларга исм қўйилиши кабилар ҳақида. Муаллиф тушида кўрган ҳайвонлар орасида оппоқ отларни, “тўлқиннинг оғзидаги кўпикка ўхшаган ойдин отларни” ёдида сақлаб, уммондан ажралиб қуруқликка чиқиб кетаётган отларга минишни истайди. Бунда ҳам мажозий мазмун яширинган. Отга чавандозни, йўловчини манзилга элтувчи восита семаси асносида ёндашсак, оқ-ойдин отлар мисолида ижодкорнинг нияти пок эканлигига ишора мавжуд. Қаҳрамон пок ниятлар асносида ҳаёт йўлини (бу ўткинчи дунё кўпик рамзий маъносини ифодалаган) босиб ўтишни орзулайди.

Шу ўринда роман муаллифи туш мотивига кенг урғу қаратганига қисқа изоҳ бериб ўтсак. Маълумки, тушда инсон ғайришуурий тарзда оламини, ундаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини ҳис этишда ҳаётий мантиқ, замон ва макон чегараларини бузиб ўтиши мумкин. Ижодий жараён ва тушнинг бир-бирига боғлиқлиги, уларнинг алоҳида руҳий ҳолат сифатида эътироф этилиши шундан далолат беради. Туш уйқу вақтида мияда қабул қилинган информацияларни қайта ишлаш (сақлаш, онг остига

¹Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.– Б. 110.

ўтказиш, ўчириш) жараёнигина содир бўлмай, балки ғайриодатий илғаш, олдиндан кўра олиш, сезиш хусусиятларини ҳам намоён қилиши мумкин¹. Тарихдан маълумки, шоир ва олимларнинг тушлари яратилажак асарлари ва кашфиётларига асос бўлган. “Шоир, ёзувчи, олимлар тушида шеър ёки ҳикоя ёзишган, янги илмий назарияни илгари суришган ҳоллар учраб туради. Агар ёстиғи олдида қоғоз ва қалам қолдирган бўлишса, яхши. Кимёгар Август Кекуле тушида бензолнинг формуласини кўради, скрипкачи ва композитор Тартини ўзининг энг яхши асари “Дьявольские трели” асарининг хотимасини тушида басталайди, Лафонтен эса тушида “Икки кабутар” масалини ижод этган. А.Пушкин тушида “Лицинига” шеърининг ёзилган икки мисрасини кўриб, сўнг асарни яратади. Бетховен ҳам тушида пьеса яратган. Сэмюэль Колриж «Кубла Хан» шеърини, Роберт Льюис Стивенсон ўзининг доктор Жекил ва жаноб Хайд ҳақидаги асарини, Мэри Шелли Франкенштейн ҳақидаги асарини, шунингдек ҳаммамиз биладиган унсурлар даврий тизими, яъни Менделеев жадвалини тушида кўриб, сўнгра ўнгида яратишган”².

“Заминдан самога парвоз” қисмида ёзувчининг инсоний дард- ташвишлари, режа, мақсадлари курраи заминдан узоқлашган сари ер билан бирга пастда қолиб нуқта кўринишини ҳосил қилиши, композицион яхлитлик сақланган ҳолда ушбу мазмуннинг мантиқий давоми “Нуқта” қисмида ўз моҳиятини диний-фалсафий нуқтаи назарлар асосида очиб беради. Аслида, нуқта рамзий-илоҳий мазмунга эга бўлиб, қуйидаги маъноларни ҳам ифодалаб келади: “Нуқта бир сонининг рамзлари билан

¹<http://ladyvenus.ru/articles/zdorove-i-dolgoletie/prakticheskaya-psikhologiya/chto-takoe-son-i-snovideniya-s-nauchnoi-to> манбадаги илмий маълумотларга кўра.

Одамнинг бош мия электрик фаолиятини ўрганиб туриб, олимлар томонидан алфа тўлқиннинг нозик тебранишлари топилди. Уларни ўлчаб миянинг алфа-ритмининг кашф қилишди ва аниқлашдики, алфа-тўлқинлар фақат инсонга хос экан, бошқа ҳеч нимага эмас. Тез орада одамнинг боши атрофидаги алфа-ритм частотаси билан мос келадиган, магнит майдонининг кучсиз тебранишларини ҳам аниқлашди. Аммо, энг ҳайратланарлиси шуки, шу тўлқинларни ва электромагнит тебранишларининг хусусиятлари ернинг хусусиятларига, “Ер-ионосфера” тартиблари деб номланадиган табиат резонансига (яъни тебранишлар частотаси мос келадиган жисмлардан бирининг бошқаси таъсирида тебранма ҳаракатга келиши ёки тебраниш амплитудасининг кучайиши) ақлга сиғмайдиган даражада яқин. Тушлар нима ёки тушлар нима маънони билдиради деган саволларга жавоб бера туриб шуни тахмин қилиш мумкинки, мия ернинг электр таъсирига таъсирчанлиги атрофимиздаги ҳамма нарсалар тизимлаши билан боғлиқ қандайдир бошланиш ўртасидаги алоқани таъминлашга қодир. Мия – Ер сайёраси ва коинот билан кўринмас ва фаҳмлаб бўлмайдиган боғланишни таъминлаб берувчи алоқачидир (Ф.Б.).

²<http://fikir.uz/blog/21173.html> manba: uzb.orzu.uz; <http://ladyvenus.ru/articles/zdorove-i-dolgoletie/prakticheskaya-psikhologiya/chto-takoe-son-i-snovideniya-s-nauchnoi-to>

боғлиқ; у бирлик (Пифагор атамаларида монада), бошланиш ва марказни мужассамлаштиради. Нуқта – барча нарсаларнинг сарчашмаси сифатида уруғ ҳамдир. Дантеда номоддий, бўлинмайдиган ва ўлчанмайдиган нуқта Худо рамзи сифатида намоён бўлади.”¹

Ёзувчининг адабий-эстетик концепциясига уйғун ҳолда “Йўл” романида йўл, ковуш, раста сингари поэтик деталлар мавжудки, улар асар моҳиятини очишга, муаллиф ижодий нияти ва ғоясини англашга ҳам ёрдам беради.

Табиий савол туғилади. Хўш, ижодкор ковуш бадиий деталига қандай мазмун юклаган? У ниманинг рамзи?

Ўз моҳиятига кўра ковуш оёқ кийими. Юраётган одам, йўловчи учун у керакли буюм. Демак, ковуш манзилга элтишдаги муҳим восита. Айни пайтда одамларнинг орзу-умидлари йўлидаги саъй-ҳаракатларини амалга оширишда кўмаклашувчи воситанинг рамзий ифодаси ҳамдир. Буни асардаги айни мавзуга бағишланган ишоралардан ҳам англаб олиш мумкин. Заминий мақсадлари, қарашлари, самога кўтарилган сари ўзгариб янги йўлга отланган йўловчи қуйидаги хулосага келади: “Эски ковушни-ку ечишга ечибман, лекин янгисини тополмай ҳалак эдим. Фақат шундагина бу ердаги ҳаётим бошланар эди, йўқса, йўқ...”². Манзилга элтувчи восита, мақсад ўзгаргач, “ковуш” (мисолидаги қараш, эътиқод)ни топа олмай саргардон кезиш асносидаги машаққат, англам, суҳбат, кечинма ва ҳиссиётлар асарнинг асосини ташкил этади.

Демак, асарда (Ҳақиқатни, туғри йўлни, Оллоҳни) **излаш, англаш ва хис (руҳ бирлигини)** этиш марказий ўринда туради. Ковуш эса бу йўлдаги шакл, билиш, кўриш ва англаш воситаси. Шунингдек, ковуш инсон жисмига ишора. Асарда қаҳрамон ковушни кийгач, унинг жисми мавҳумликдан чиқиб, аниқлик касб эта бошлайди. Жисм бўй басти билан намоён бўлади. Руҳ ва жисмнинг бирикиши содир бўлади. Асардаги Йўл эса инсониятни Ҳақиқатга элтувчи азалий, абадий, қадимий ҳаёт йўлидир.

Раста форс тилидан олинган бўлиб, луғавий маъносига кўра “қатор”, “қаторга қўйилган”, “қаторда турган” маъноларини англатади. Раста асосан бозорларда бир турдаги мол билан савдо

¹ Мингбоева Д. Тимсоллар Тилсими. – Тошкент: Янги асравлоди, 2007. – Б.124-125.

² Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 116

қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор, кўча, йўлак ¹. Бозор расталари бу фоний дунёда инсоннинг қилмишлари, фаолияти намоён бўлувчи ижтимоий мансублик. Шунга кўра, асардаги раста қайси табақага мансубликни, касб-корни, қисматни англатади. Бунда ҳам ёзувчининг “мен”лиги, қисматини кўриш мумкин. Бунга асарда қуйидаги ишоралар берилган. “Шунда ўз қисматимга қизиқиб йўлагимга қарадим: оппоқ соч-соқоли нақ кўксига тушадиган бароқ қошли муйсафид кўлида қоғозу қалам билан менга қараб турарди. Шунда билдимки, мен тушган йўлнинг йўловчилари унчалик сероб эмаскан”².

Қоғоз-қаламлар рамзан ижодкорлик, донишмандлик қисматини англатса, муйсафид бу йўлдаги аждодлар, устозлар тимсолидир. Муйсафиднинг кўлидан қаламни олган қаҳрамон ботинида бир титроқ туяди ва у зум ўтмай титроқ бутун вужудига тарқайди. Бу ўринда ёзувчи ўз “мен”идаги ҳолатнинг бадиий ифодасини ёритмоқда. Тасвирдаги муйсафид Мавлоно Румий сиймосидир.

У.Ҳамдам ижодкор сифатида Румийдан кўп маънавий озикланган, илҳомланган. Қаҳрамонни ўз мусиқийлиги ва мазмунийлиги билан ўзига мафтун этган титроқ, аслида, истеъдод, интуиция, илоҳий инъомнинг, ички дард ва беҳаловатликнинг рамзи. Асар қаҳрамони ижодкорлик қисмати ва истеъдоди ҳамда бошқаларга қараганда тепароқда жойлашган растаси (бунда ёзувчиликка хос хусусият ҳаётни, инсонларни кузатиш, мушоҳада юритиш, бадиий воқелик ярата олиш назарда тутилаяпти) воситасида “қоғозга дарж” этиши, инсонларни хулоса чиқаришга ундаши мумкин. Роман қаҳрамони ўз ҳаёт йўлини ўз тақдири, ёзувчилик қисмати асосида босиб ўтади.

Демак, асар қаҳрамони ёзувчи, ижодкор шахс. Шу жиҳатдан асар адиб ҳасби ҳолини ҳам ўзига сингдирган. Роман “Ёлғизлик” қиссасининг мантиқий давомидек таассурот уйғотади. Ҳар икки асарда ҳам қаҳрамон–ижодкор шахси, унинг олам, одам, яшашнинг маънисини ва ҳ.к. ҳақидаги фикр-мушоҳадалари бадиий тадқиқ этилади. Балки, икки асарнинг бир китоб шаклида нашр

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. V жилдлик, 3 жилд. – Б.355.

² Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 119

этишида ҳам шу ҳикмат мужассамдир. Адабиётшунос М.Қўчқорова таъкидлаганидек: “Ёзувчининг мазкур қиссасидан сўнг яратилган барча бадиий асарлари “Ёлғизлик”нинг фарзандларидир.”¹

Муаллиф ўзининг илмий асарларида шундай фикрни илгари суради: “Адабиёт шундай борлиқки, унга қараган киши (миллат) гуё кўзгуга боқиб ўз ҳолини кўради”².

Ушбу фикр ижодкорнинг кенг маънодаги ҳаётий ҳақиқатга, миллатнинг зоҳирий ва ботиний ҳолда намоён бўладиган ўзлигини поэтик кашф этиш тамойилига амал қилишини тасдиқлайди. Демак, У.Ҳамдам адабий-эстетик принципнинг асосини ҳаётий ҳақиқатлар ташкил этади. Бу мезон унинг барча бадиий асарлари моҳиятида мужассам. Таҳлилимиздаги романда ҳам ҳаётий ҳақиқат принципи ватанпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб яхлит мазмун касб этган, ватанпарварлик руҳи ўзига хос ташбеҳлар, ўтмиш, аждодлар ҳикоялари асосида бўй кўрсатиш баробарида, ўз эътиқоди, сўзига собит, мард, жасур, ватанпарвар темирчининг ҳаётий (тирик, жонли) образ эканини намоён этади. У ўз шижоати, уйғоқ руҳи билан бевосита китобхоннинг қалбига, руҳига таъсир этади.

Роман таркибидаги ватанпарварлик руҳида битилган ушбу ҳикояда она юртга садоқат, аждодларга эҳтиром руҳи устуворлик қилади. Асарга Бобо ва набира образлари киритилган бўлиб, Бобо – ўтмиш аждодлар, набира – келажак авлод тимсоли. Бобонинг набирасига сўзлаб берган ҳикояси³ орқали Она ватанга бўлган чексиз муҳаббатни, анъана ва қадриятларни бардавом эттиришдаги шарафли йўлни кўрсатади.

Ҳикояда ёвуз душман қамалидан зулм кўриб танг аҳволда қолган Турон халқи адолатли ва оқил ҳукмдор, ватан учун ўз жонини қурбон қилган Турон исмли темирчи йигит жасоратидан руҳланган кўрқув ва мудроқ босган халқ юрагидаги шер наъра тортиб, ўзларидан ўн ҳисса кўп душманни енгиб, юрт озодлигига эришади.

¹ Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 158.

² Ҳамдамов У. Руҳни уйғотувчи сўз – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. –Б. 3.

³ Ушбу ҳикоя ва у билан боғлиқ эпизодларда муаллифнинг биографияси билан боғлиқ маълумотларга дуч келдик. Жумладан, бобо набираси билан “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гул қуйиб хотира китобидан Ҳамдамов К. 1918-1943 абадиятга муҳирланган ёзувларни ўқиб, аждодларни хотирлаш жараёнидан Ҳамдамов К.нинг муаллифнинг бобоси эканини аниқлаб олиш мумкин (Ф.Б.).

Ҳукмдор – адолат, оқиллик рамзи бўлиб, тўғри йўлни кўрсатувчи зот. Темирчи йигит – жасорат тимсоли. Зеро, айнан унинг қалбидаги Она ватанга бўлган кучли муҳаббати ва садоқати туфайли ёвуз душманга қарши олиб борилган мардонавор кураши Турон халқининг юрагида “ухлаб ётган шер” уйғониб Ватан учун бўлган курашда ғолиб чиқади. Юрт озодликка эришади. Зеро, адиб таърифи билан айтганда “Юраги уйғоқ инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло енгиб бўлмайди”¹. Мазкур асарда ижодкорнинг Ватан ҳақидаги ижтимоий-эстетик қарашлари билан бадиий образ параллелизми кўзга ташланади.

“Яхшилик ва ёмонлик” номли бадиасида ота ҳикояси орқали инсоннинг ўзлигини намоён қилувчи азалий ва адабий кураш – эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятини теран англай олиш, икки қутб орасида ўзлигини, инсонийлигини намоён этиб, инсонлик мартабасига лойиқ бўлиш, олам таркиб топган тўрт унсур: олов, сув, тупроқ ва ҳавога монанд хусусиятлар, аслида, инсон ботинида ҳам мужассам экани рамзий ифодаланган. Ҳикояда инсонлик мартабаси ёхуд ҳайвонлик хусусияти шу тўрт унсурни меъёрда сақлай олмаслик билан боғлиқлигига урғу қаратиладики, бу борада ёзувчи билан баҳслашиш мумкин. Чунки тўрт унсур инсоннинг биологик асоси. Инсонлик мартабасига лойиқ бўлиш эса унинг руҳи, иймон-эътиқодидан келиб чиқади.

“Томчи садолари”да икки дўст суҳбати асносида инсон сирли дунёнинг икки хил англам йўли ҳақида фикр юритилади. Асарнинг интиҳосида ҳам бунга қуйидаги ишора мавжуд: “Дўстлар жим бўлиб қолишди. Бир маҳал ўрниларидан туришди-да йўлга тушишди. Шунда, узоқдан уларнинг соялари битта эканлиги кўзга ташланарди”². Демак, инсоннинг ўз-ўзи билан бўлган суҳбати, мулоҳазалари олам, одам, Оллоҳ ҳақидаги мушоҳадалари бевосита “Ёлғизлик” қиссасидаги қаҳрамоннинг бир оз содда, самимий ва дунёвийликка йўғрилган ўй-кечинмаларини ёдга солади.

У.Ҳамдамнинг хоҳ насрий, хоҳ назмий асарларини кузатманг, барчасида инсон руҳий оламининг турфа хил кечинмалари тасвир этилганига гувоҳ бўламиз. Муаллиф ўзининг адабий-эстетик позициясига содиқ қолиб, мазкур роман

¹ Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 145

² Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 269

моҳиятига ҳам уларни сингдириб юборади. Жумладан, “Муҳаббат”, “Ёрга мактуб” ҳикоясида қаҳрамоннинг қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ботиний олами тасвири жуда нозик чизилади. Ошиқнинг қалбини ўртаган ишқ, уни оламини ўзгача кўришга, ҳис туйғуларини шеър ва мактублар воситасида ифода этишга ундайди. Бу ишқ китобхонни Оллоҳга йўлловчи кўприк, Бинафша – ёр тимсолида илоҳий ишққа йўналиш. Бу ҳақда мактубдаги қуйидаги сатрлар фикримизни қувватлайди: “Тирик инсон билан муҳаббат орқали пайвандланган баланд муносабатгина инсонни Яратувчи билан боғлайди!”¹

“Адабиёт нима?” деган саволга: “У инсон ботиний оламининг таржимаи ҳоли”², дея жавоб берган ёзувчи асарида ҳам ушбу позицияни давом эттиради.

Айниқса, романга “Атиргул” шеърининг киритилиши асарнинг эстетик жозибасини ошириш баробарида, ёзувчи эстетик концепциясини, кўнгил манзараларини жонли акс эттиришга хизмат қилган. “Атиргул” шеърида ҳам лирик “мен” руҳиятини очишда кўплаб поэтик воситалардан, образ ва тимсоллардан моҳирлик билан фойдаланилган. Шеърда шоирнинг ғоявий-бадиий мақсадини ва лирик қаҳрамоннинг мураккаб руҳий ҳолатини ифодаловчи асосий поэтик образ “атиргул”.

Атиргул хуш таровати, гўзаллиги, нафосати билан кишига эстетик завқ бағишлайди. Яъни, атиргулнинг қизиллиги юрак қонига (физиологик жараён – моддий унсур), унинг тилинган чехраси – дард-аламли кўнгилга (маънавий олам) ўхшатилиб, лирик қаҳрамон кўнгил оламини очишга хизмат қилади. Биринчи бандда моддий моҳият касб этган атиргул образи кейинги бандларда маънавий омилга, яъни истиорага айланган ҳолда қон, кўнгил каби поэтик тимсоллар билан биргаликда муайян эстетик мақсадни ифодалашга хизмат қилади. Учинчи бандда маънавий асосга айланган ҳолда бутунлай истиора шаклида намоён бўлади. Атиргул – йўл, дил каби тимсоллар воситасида, лирик “мен”нинг мураккаб умр йўлини кўрсатувчи, хатоларни эслатувчи, олий мақсадни англатувчи кучга айланади. Романда шер қолипловчи

¹ Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б.241.

² Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б.242.

восита бўлиб келади. Ёзувчи эстетик позициясига уйғун, мутаносиб ҳолатда намоён бўлади.

*“Атиргул, ҳолимни эслатдинг,
босган ҳар йўлимни эслатдинг,
қон бўлган дилимни эслатдинг,
эслатдинг,*

англатдинг,

атиргул”¹.

Маълумки, йўл поэтик образи мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган. Тасаввуфда йўл – тариқат, солиқни моҳиятга элтувчи кўприк воситасини ифодалаган бўлса, XX аср ўзбек адабиёти вакиллари – Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжонлар ижодида йўл поэтик образи муайян ижодий ва бадиий мақсадни ифодалаб шоир индивидуаллигини белгилашга хизмат қилган. Жумладан, Чўлпон шеъриятида йўл ва йўловчи образлари эрк ва озодлик рамзи сифатида поэтиклаштирилган бўлса, “У.Носир ижодида эса “йўл ва йўловчи образлари асосан бадиий-эстетик мазмунни ифодалаб келади. Бу образларда шеърят йўли, у йўлнинг улуғлиги ва истак-раъйини қўлга олиб, эрка найини баланд қўйиб, бу азим йўлга чиққан йўлчи лирик қаҳрамон (шоир)нинг кўзлаган нияти, муроди ва унга етишга бўлган ишончи ўзининг образли ифодасини топган”².

Ана шундай тарихий анъаналарга эга бўлган бу поэтик образ У.Ҳамдам насрида, шеъриятида қандай намоён бўлмоқда? Муаллиф мазкур образлар зиммасига қандай бадиий-эстетик мазмун юклаган?

У.Ҳамдам ижодида “йўл” поэтик образи ижодкорнинг ҳаёт йўли, ундаги турфа хил зиддиятлар лирик “мен” рухий оламини очиш, ўзликни англаш, моҳиятга етказувчи воситанинг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, ҳаёт фақат ёрқин бўёқлар-у завқ-шавқлардан иборат эмас. Унда учраб турувчи ҳар хил адолатсизликлар, иймон-этикодсизлик, маърифатсизликлар ҳар қандай уйғоқ қалбли инсонлар қатори У.Ҳамдамни ҳам азобловчи рухий қийноққа солади. Шеърнинг кейинги мисраларида атиргул

¹Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б.154.

² Умурзокова Н. Поэтик образ ва маҳорат. – Тошкент: Фан, – Б. 40.

тўлалигича истиорага айланиб, шоир қалбининг дардли оҳанглари куйлайди.

“Атиргул – кўкрак қафасимда кишанланган гул...”. Ушбу хотима Чўлпоннинг “Кўнгил” шеърдаги кишан образи билан қайсидир маънода маслакдошдек туюлади. Фарқ шундаки, Чўлпонда исёнкор куч сифатида намоён бўлган кўнгил У.Ҳамдамда сокин изтироблар силсиласида келади.

“Ғофиллар” ҳақидаги ҳикояда адиб, бу тоифа учун йўлнинг ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам, унинг моҳияти ҳам аён эмаслигини, улар бу фоний дунёдаги майда икир-чикирлар билан андармон эканлигини баён этади.

Ёлғизлик хусусида сўз юритиб, ўз дил изҳорини, ўзини фош айлаган ижодкор ёлғизликнинг ўзгарган мазмунини баён этади. Ёши элликни қоралаб, аввалги қарашлари ўзгарган адиб наздида, ёлғизлик бу шу номдаги қиссасида тасвирланганидек инсоннинг яқинларидан ёлғизланиши эмас, ёлғизлик – хаёлан ҳамма замонда ҳамма билан бўлиш, ёлғизлик ҳақида қоғоз қоралаш демакдир. Демак, ёлғизлик ижодкорнинг ижодий оламига парвози, илҳом онлари, ижодий жараёни.

Романда шоир образи яратилган бўлиб, у қаҳрамоннинг қалбига таскин берувчи дилдошга айланади. Шоир шеърлари Умар Хайём (рубойиларидан олинган) ижодига асосланган. “Белинскийнинг: “Улуғ шоир ўзи ҳақида, “мен”и ҳақида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапирари, негаки, унинг табиатида бугунги инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд. Шу сабабли ҳам ҳар бир киши унинг қалбида ўз қалбини англайди ва ундан фақатгина шоирни эмас, балки инсонни, инсонлик йўлидаги биродарини ҳам кўради ”¹. Демак, шоир образи дилдош, донишмандлик рамзигина бўлиб қолмай “инсонлик йўлидаги” йўлда ҳамроҳ, дўст ҳамдир.

Адибнинг “Исён ва итоат” романининг ҳам асосий ғоявий мотивини ҳаётнинг маъноси нима, яшашдан мақсад нима, каби азалий ва абадий саволлар ташкил этади. Ёзувчи асарда ушбу саволларга ўзига хос тарзда бадиий жавоб беришга ҳаракат қилади. Асарнинг қолипловчи воқеасини олам ва одамнинг яралиши, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг шайтон қутқусига учиб

¹ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги асравлоди, 2007. – Б.13.

Оллоҳнинг қаҳрига учраши ва Адам боғидан ерга қувилиши, тавба-тазарруси ҳақидаги воқеалар ташкил этади. Асарда адиб, бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча қаҳрамон қисматини тасвирлаш орқали ўз концепциясини ифодалашга ҳаракат қилади. Жумладан, асардаги устоз мақомига эга бўлган табиб, шогирд мақомидаги Акбар, бутун умрини, ёшлигини роҳату фароғатда яшаб, кексайганда ёлғизлик гирдобига маҳкум этилган Лариса, унинг қисматдоши Диана, бир умр меҳнатдан бош кўтармай алал-оқибат ёш ҳолида касалликка чалинган Турсунбой жонталаш каби образлар тасвири орқали ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги қарашларини ифодалайди.

Асарда табиб, Акбар, Фароғат, Лариса, Диана ҳақидаги ҳикоялар анча жонли эпизодларда руҳий кечинмаларга бой ҳолда тасвирланган. Ёзувчи асарда бу қаҳрамонлар ҳаёт кечмишини бошдан охиригача батафсил тасвирламайди, балки, рақамлар билан ажратган ҳолда катта-кичик эпизодларда уларнинг тақдирини параллел тасвирлар билан бир-бирига пайвандлайди. Асарнинг биринчи қисми эллик тўққизта, иккинчи қисми йигирма битта, учинчи қисми саккизта мана шундай рақамлар билан белгиланган ана шундай катта-кичик эпизодлардан ташкил топган. Бу эпизодларда қаҳрамонлар тақдири хронологик асосда эмас, аралаш тасвир орқали бир-бирига пайвандланади. Яъни, битта эпизодда табиб ҳақидаги лавҳа жойлашса, иккинчисида Акбар, учинчисида Лариса хола, тўртинчисида Диана ва яна табиб ва ҳоказо шаклида эпизодлар бир-бирига пайвандланади. Ва шу тариқа барча эпизодлар бирлашиб ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги адоқсиз саволларига жавоб излашга ҳаракат қилинади.

Бу асар адабий жамоатчиликда жиддий баҳс-мунозаралар туғдирмаган бўлса-да, лекин олимларимизнинг бир қатор илмий тадқиқотларида таҳлилга тортилган. Жумладан, Х.Ҳамроқулова “Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси” монографиясида мазкур асарни Т.Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” асари қаҳрамони Ботир фирқа билан қиёслар экан, Акбарни ҳам “бир умр ўз ҳаётига исён кўтариб яшади. Ниҳоят, тақдирини тан олгач, итоатга келди, яъни сокинликка эришди”¹ деб ёзади.

¹Ҳамроқулова Х. Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 152-153.

Демак, роман моҳиятида ётган асосий концепция шарқона исломий қарашга асосланган. Айтиш жоизки, ёзувчи асарни яратишда Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сидан таъсирлангани яққол сезилиб туради. Исён ва Итоат тушунчалари Толстойнинг адоқсиз саволлар қаршисидаги ягона нажот Худо, деган концепциясига асосланган.

3.2. Ёзувчи асарларида умуминсоний ғоялар ва миллий қадриятлар талқини

Улуғбек Ҳамдам адабий-эстетик қарашларининг муайян йўналишини адабиёт ҳақидаги, бадиий тафаккурдаги янгилашниш жараёнлари, адабиётдаги йўналиш ва оқимлар, умумбашарий ғоялар ва миллий қадриятлар ҳақидаги қарашлар ташкил этади. У.Ҳамдам бадиий тафаккурдаги янгилашнишлар жараёнини мавжуд ижтимоий жараёндаги дунёқарашлар мажмуи, ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлаб талқин қилади.

Олим кейинги давр ўзбек адабиётида вужудга келаётган хилма хил йўналиш ва оқимларни инкор этмайди. Модернизм ва постмодернизмга оид қарашларга сокинлик билан қарайди. Аммо ифода йўсинидаги схематизм, бир хилликни қоралайди. Гарчи насрий асарларда онгли ёндашувни, маълум режага биноан асар ғоясини маълум бир муддат давомида, изланишлар жарёнида пишитиб бориш лозимлигини ижод жараёнидаги зарурий ҳолат деб эътироф этса-да, шу ғояга мос шаклнинг туғилиши жараёнини, ижодкор маҳорати билан, интуиция, ижод психологияси билан боғлаб талқин этади. Қачонки, шаклга мос ғоя вужудга келсагина асар ёзишга киришиш лозимлигини баён этади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, топиладиган (мазмунни ифодалайдиган) шакл ифода йўсинининг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Бироқ ёзувчи қандай шакл ва ифода йўсинида ижод қилмасин, унинг асосида ҳаётий ҳақиқат ётиши лозимлигини доимо таъкидлайди. Шу жиҳатдан адиб асарларига ёндашсак, у тақдим этган поэтик умумлашмалар моҳиятини англагандек бўламиз. У.Ҳамдам ижодига бошқалардан фарқ қилувчи шакл излаш, ифодада такрорламасликка интилиш, рамз ва поэтик топилмаларга

(масалан, туш, хаёл, йўл, табиат унсурлари: ёмғир, дарахт, тош, сув ваҳок.) онгли равишда интилиш хос. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ёзувчи илгари сураётган адабий-эстетик қарашлар, асар ҳақидаги билимлари унинг ўзи яратган бадиий асарида у ёки бу тарзда татбиқ этилганини кузатиш мумкин. Бу жиҳатларни биз ёзувчининг “Бир пиёла сув”, “Тош”, “Кўзини юмиб очган одам”, “Қайтиш”, “Оташ” каби ҳикоялари мисолида яққол кўрамыз.

“Бир пиёла сув” ҳикоясида ҳаёт ва ўлим, тирикликнинг моҳияти, одамнинг оламдаги вазифаси каби фалсафий ғоялар тасаввуфий (тимсоллар руҳида) зуҳр этган. Ҳикоя ноанъанавий усулда ёзилган. Асар воқеаси қаҳрамон тилидан баён этилади. Қаҳрамонга юклатилган вазифа ва уни амалга оширишдаги саъй ҳаракатлар, ўй-кечинма, афсус-надомат, руҳий жараёнлар муаллиф иштирокисиз – эпифания асосида ифодаланган. Адиб ҳикоя қаҳрамонига ном ҳам бермайди. Боиси, ҳикоянинг моҳиятида умуман инсонга хос ҳолатни ифодалашни ният қилган.

Ёзувчининг услубий ўзига хослиги ушбу ҳикояда ёрқин намоён бўлган. Бунда мумтоз ва модерн адабиётга хос ифода йўсини уйғунлаштирилган. Асарда илгари сурилган ғоя – инсониятнинг азалий ва абадий душмани ҳисобланган нафс балосидир.

*Лаззати нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиг керак”¹.*

деб ёзган эди Жалолиддин Румий бир ғазалида. У.Ҳамдам шу ғояни насрда беришга уринади. Дарҳақиқат, нафс лаззатбахшдай туюлса-да, унинг натижаси офат келтиради, баднафсликни енгиш учун пок қалбли, фозил-фарзона бўлмоқ керак. Вужудига бир лаҳзалик роҳат бағишлаб, бутун умрини баднафслик ботқоғидан чиқишга сарфлаган инсон таҳлилимиздаги ҳикоянинг бош қаҳрамони.

Ёзувчи асар моҳиятини тасаввуфий тимсоллар қатига беркитган. Ҳикоянинг номида ҳам катта маъно жамланган. “Бир пиёла сув”. Сувнинг тасаввуфий истилоҳи, умуман, бадиий рамз сифатидаги маъноси – тириклик. Сувнинг бир пиёлалиги эса

¹ Румий Ж. Маънавий маснавий. Куллиёт. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 360.

инсонга бир бора берилган ҳаёт, умр, тириклик демакдир. Бирок нега сув пиёлада? Ҳажм жихатдан кичик идишда? Боиси, пиёла – баднафсликнинг заволи, қаноат тимсоли.

Одамнинг оламга келишидан мақсади нима? Одамнинг оламдаги муқаддас вазифаси, бурчи нималардан иборат каби саволлар ҳикоя туб моҳиятида акс этган. Ҳикоя қаҳрамонига юклатилган вазифа шом тушгунга қадар нимадир ортилган иккита от-аравани манзилга йўлда чалғимасдан элтиш.

Инсон оламнинг гултожи. Шундай экан унинг ҳаётдаги вазифаси эзгулик, мунаввар ҳаёт йўлини босиб ўтиш. Нега бу вазифани қаҳрамон от аравада шом тушгунга қадар бажариши лозим? Рамзий маънода от – ҳаёт, от арава – тобут тимсоли бўлса, тонг ва шом – умрнинг ибтидоси ва интиҳосидир. Демак, инсон ўз умри – тонг ва шом оралиғида, поёнига қадар ўзининг муқаддас бурчи, вазифасини баднафсликка берилмай адо этиши лозим. Бу фоний оламдаги синовдан муносиб ўтиш инсониятнинг муқаддас бурчидир.

Ёзувчи инсон руҳиятидаги жўшқинлик, руҳий тетиклик, чарчоқ ва ҳафсаласизликни қаҳрамоннинг хиргойиси орқали ифодалаган. “Аввалига овозимни баланд қўйиб қўшиқ айтаман. Куч-қувватни тежаш зарурлигини пайқабми, беихтиёр хиргойига ўтаман, билган-билмаган қўшиқларимдан замзама қиламан. Кейин ғинғиллашга оро бериб атрофга аланглайман”¹.

Ёзувчининг поэтик маҳорати шундаки, сўзни ўз семасидан келиб чиқиб ўринли қўллайди. Унинг бадиий таъсир кучини оширишга эришади. “Бир маҳал ичимга ўрмалаб кирган чанқоқни ҳис қиламан”². Одатда инсон чанқоқни тўсатдан ҳис қилмайди, балки, муайян иссиқ ҳарорат ва бошқа омиллар таъсири билан ташналик секин-аста инсон ичига кириб боради. Адиб чанқоқни жонлантириш санъати асосида инсон вужудига “ўрмалатиб” киритади. Агар ҳиконавис қаҳрамоннинг бу ҳолатини “чанқадим”, ёки “чанқаганимни ҳис этдим”, дея тасвирлаганда бадиий ифода бу қадар таъсирчан, залворли чиқмас эди.

Инсон ўзида бор нарсани бошқа ёқдан излаши, ўзлигини англашга астойдил интилмагани боис умри сарсон-саргардонликда ўтишига маҳкумлиги ҳикоя қаҳрамони

¹ Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.106.

² Ўша манба. – Б.105.

тимсолида ўз ифодасини топган. Ахир бежизга А.Навоий “Лисон ут-тайр” асарида:

“Ўз вужудингга тафаккур айлагил

Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил”¹ дея олий ҳақиқатни баён этмаган.

Агар инсон эзгу *мақсадлари* сари интилса, унга бутун коинот ёрдам беради. “Ахир бутун борлик: ерда йўл, ўркач-ўркач кум тепаликлар, кўкда эса булут ва қушлар... ҳамма-ҳаммаси менга кўмакдош экан, ҳеч шубҳа йўқки, уҳдамдаги вазифани бекаму кўст бажаргумдир”².

Ҳикоя давомида вужудига ўрмалаб кирган ташналик чўл жазирамасида йўл босиб ўтаётган инсонни адоқсиз азобга солади. Қаҳрамоннинг бу ҳолатини муаллиф ўхшатиш санъатидан моҳирона фойдаланиб изоҳлайди. “Бироқ чанқоқ ҳам борган сари забтига олар, ичимга анави ўркач-ўркач қайноқ кумликлар кўчиб ўтаётганга ўхшарди”³. Ушбу ташбеҳ орқали ҳикоянавис қаҳрамоннинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийноғини таъсирчан, ишонарли ифодалашга эришган.

Бу ўринда адиб табиат қонунига мувофиқ иш кўради. Яъни масъулиятли вазифани чалғимасдан адо этиш ва унинг зидди тарзда чанқоқ туфайли нафс исканжасига тушиб, вазифани бажара олмаслик хавфининг ортиб бориш азоби. Бироқ бу “нафси аммора” эмас, ҳаётий зарурат эди. Жазирама иссиқ, саҳрода чанқамаслик имконсиз. Демак, инсоннинг тириклиги, ҳаёт кечириши учун нафс зарурат (эҳтиёж). Масъулиятли вазифани бажаришда улар бирлашади, карвонсарой чашмасидан ингичка занжир боғланган мунаққош мис пиёлада бир бора сув ичиб, чанқоқ азобига барҳам бериб, йўл юришга куч йиғади. Ҳикоянавис занжир боғланган мунаққаш мис пиёла орқали инсонга лаззат бахш этган сув (нафс)нинг тўлови мисдек оғир, занжир боғланган пиёладек бутун умри кишанда, беҳуда ўтиб кетишига ишора қилади.

“Одим отарканман, негадир вужудимда лоҳаслик, чарчок сезардим. Қадамларим ҳам негадир бу ерга илк кирганимдагидек дадил эмас, аллақандай оғир, кучсиз ва ҳафсаласиз... Лекин нега?

¹ Навоий А. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. –Б.238.

² Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.106.

³Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.105.

Ё шунчалар узоқ вақт қолиб кетдимми бу ерда: толиқдимми, эзилдимми? ... Кирганимда ёшлик шижоати уфуриб, тийиксиз куч-қувватга тўлган таним тиришиб, эти устахонага ёпишиб қолган, суяклар теридан бўртиб чиқиб турар, жуда-жуда мўрт ва қувватсиз туюларди”¹.

Ҳикоя қаҳрамони ўзлигида зухур этган нарсани ўзгаёқдан қидиради. Натижада бутун ҳаётини беҳуда ўтказиб, сувдек мусаффо қалби дарз кетади. “Э воҳ шу чоққача бошимга тушган ажабтовур воқеалар бир ёну буниси бир ён бўлди: не кўз билан кўрайки, араванинг ичида сув тўла кўзалар қатор тизилишиб турар, улардан биттаси йиқилиб сингану, суви қуйига – асрий ташна қумликларга чак-чак томарди”².

Юқоридаги қисқа талқинлардан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчи ушбу ҳикояда эстетик позициясида муҳим ўрин эгаллаган шарқона фалсафий қарашларни, тириклик маъноси, ҳаёт мазмун-моҳияти каби тушунчаларни рамзий-мажозий образларда бера олган. Ўзи сув олиб кетаётган йўловчининг сув излаши мотиви Алишер Навоийнинг *Баҳрда хиромон юз мингта моҳий / Хирад моҳиятин қилар камоҳий*, деган байтларига монанд. Чунки ҳаётда эътиқодини топа олмаган одам ўзи тортиб бораётган юкнинг нима эканидан ғофил қолади. Умр сўнггидаги пушаймонлик унга ёрдам бера олмайди.

У.Ҳамдам илмий тадқиқотлари, таржималари, лирик ва насрий асарлари бугунги адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келаётгани сир эмас. Унинг асарлари кўплаб баҳс-мунозараларга, турфа хил талқинларга сабаб бўлаётир. Биргина ноанъанавий услубда ёзилган “Ёлғизлик” қиссаси О.Шарафиддинов, М. Қўшжонов, У. Норматов, Н. Владимировна, Б.Каримов, Қ.Йўлдошев, Р.Раҳматов, М.Қўчқорова каби адабиётшунос томонидан турлича таҳлил этилгани фикримиз далилидир. Бунга эса унинг асарларидаги янгилик, кўп маънолилиқ, инсон моҳиятини очишга бўлган янгича интилиш сабаб, деб ўйлаймиз.

Албатта, бадий асарни тушуниш ва таҳлил қилишда танқидчининг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, савияси ҳам муҳим саналади. Бу ҳақда Б.Каримов “Бадий асарни ҳар ким

¹ Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.107-108.

² Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.108.

ўзича, ўз дунёқарашига мос билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асарда йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўринда бутун диққат-эътибор аниқ бир муаммога қаратилади”¹, деб ёзади.

Неофрейдистларнинг пешқадамларидан Э.Фромм инсон ҳаёти моҳиятига тўхталиб, шундай фикрни илгари суради: “Инсоният ҳаётининг мазмун моҳиятини зиддият ташкил этиб, мана шу зиддият муқобил йўл топишга одамзотни асрлар мобайнида мажбур этиб келаётир”².

У.Ҳамдамнинг “Узоқдаги Дилнура” тўпламига кирган “Қайтиш” ҳикоясида ҳам инсон ҳаётининг асл моҳиятини англашдаги зиддиятли эврилишлар содир бўлади. Асарда ўзлигига қайтган инсон руҳий жараёнлари қаламга олинади. Асар тузилиши 4 қисмдан иборат бўлиб 1 қисмда муаллиф асарнинг ягона қаҳрамони “У” ва унинг ишдан кетганлиги муаммосини” ўртага ташлайди. Рафиқаси вафотидан сўнг ўз турмушлари билан андармон фарзандларидан ҳам айро яшаётган ҳикоя қаҳрамони учун ҳаётдаги ягона овунчоғи бўлмиш касби, меҳнат фаолияти ҳаёт мазмунига айланган. Адиб шу ўринда фарзандларнинг ўз отасига нисбатан меҳр-оқибатсизлиги муаммосини ҳам қистириб ўтади. Отасининг вафотидан сўнг унинг иссиқ-совуғидан ойда бир ёхуд телефон кўнғироғи орқали хабар олиш билан кифояланадиган, ўз турмуши, оиласи билан банд бўлиб фарзандлик бурчини унутаёзган кимсаларни танқид остига олади. Паррандаю ҳайвонот оламига хос бўлган бу иллат инсоният орасида ҳам учраши очик ҳақиқат.

Қирқ йил меҳнати сингган иш жойидан кўкқисдан ишдан кетиш ва бу билан боғлиқ тушкун кечинмалар ҳикоянинг II ва III қисмларида ойдинлашади. Муаллиф “У” руҳиятидаги тушкун ҳолатни куйидаги тазодий тасвир воситалари орқали ифодалайди. “Шундай қилиб у ишдан кетди... Ишхонадан **кенг** ва **катта** кўчага чиқаркан ўзини **ғариб**, **афтодаҳол** сезд”³. Ушбу қарама-қарши тасвирлар тушкун кайфиятдаги инсон руҳиятини чуқурроқ очишга хизмат қилган.

¹ Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. –Б.82.

²Фром Э. Менинг эътиқодим. // Жаҳон адабиёти. – № 5. –Т., 2003.– Б.143.

³ Ҳамдам У. Узоқдаги Дилнура. – Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 129.

Ҳикоянинг IV қисмида бутун руҳиятини, қалбини зулмат камраб олган қаҳрамон ёруғликка интилади ва уйдаги барча чирокларни ёқиб чиқиш билан кўнгил зулматыни ёритмоқчи бўлади. Шу ўринда чироқ бадиий деталига ёзувчи зоҳирий мазмун юклайди. Яъни, хоналарнинг ёруғлиги қаҳрамон ботиний оламига, қалбига нур олиб кира олмайди. Тонг отгач эса ҳовлисидаги қийғоч гуллаган ўрик дарахтини кўради, сайроқи кушлар овозини эшитади. Қанча замонлардан буён ҳис қилмай кўйган қуёш тафтини туйиб, табиат манзарасидан баҳра олади. Бутун кунини ҳовлисидаги гуллару, дарахтларни парвариш қилишга бағишлайди ва ёлғиз эмаслигини ҳис этади.

Инсоннинг табиат билан бир бутун эканлиги, табиат фарзанди сифатида унга интилиши ушбу ҳикоя замирида мужассам этилган. Аммо бундаги концепция ўзини тўла оқлайди. Бунда Лотин америкаси ёки Ғарб фалсафасига тақлид йўқ. Талқин соф реалистик йўлда бўлгани боис кишини ишонтиради. Ҳатто ҳаётга муҳаббат уйғотади. Зотан, ота-боболаримиз боғда дарахтлар, гуллар, ўт-ўланлар билан тиллашган кишининг баҳри-дили очилади, деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатдан ҳам шундай.

Асарга “Қайтиш” деб ном қўйилишида ҳам хос маъно бор. Боиси асар якунида қаҳрамон ҳаётнинг асл моҳиятини англайди, ўзлигига қайтади. Ҳаёт мазмуни деб ҳисоблаган иши, аслида, уни ҳиссиз, туйғусиз, бефарқ кимсага айлантириб қўйганини тушуниб этади.

Кези келганда айтиш жоизки, У.Ҳамдамнинг “Қайтиш”, “Оташ” ҳикояларида, “Ёлғизлик” қиссасида, умуман кўплаб асарларида “дарахт” – бадиий образи тасвирланади. Хўш, дарахт – бадиий деталига ёзувчи қандай маъно юклаган?

Бу ҳақда М.Қўчқорова: “Дарахт ва дарахтзор, ёзувчига илҳом берувчи табиат манзарасидир”,¹ дейди. Бизнингча, дарахт бадиий образи – тириклик, ҳаёт, табиат рамзидир. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи Х.Тошбоев билан бўлган суҳбатда қуйидаги фикрни айтган эди: “Инсон аввало, табиат фарзанди ҳисобланади. У ўзининг физиологик асосларига кўра она табиат билан чамбарчас боғлиқки, ажратиб бўлмайди. Айни дамда у

¹ Қўчқорова М. Замонавий прозада руҳит талқини // ulug'bekhamdam.uz 18.04.2013.

жамиятнинг парчаси. Демак, инсоннинг биологик хусусиятлари унинг бир оёғи бўлиб табиат бағрида турса, ижтимоий-руҳий тарафи иккинчи оёғи бўлиб жамият деб аталган заминга қадалгандир”¹.

Бугунги шиддатли, глобаллашув замонида инсон бутун фаолиятини ижтимоий ҳаёт билан боғлаб, фақатгина жамият кишисига айланиб бормоқда. Натижада киши табиат билан бир бутун эканлигини, ҳаётнинг асл мазмунини унутаяди. Бу ҳақда қайғураётган адиб эса асарларидаги дарахт бадиий образи орқали инсон – табиат фарзанди эканлигини мажозлар ёрдамида талқин этади. Бу эса ёзувчининг бадиий нияти, эстетик концепцияси билан уйғунлашиб кетганидан далолатдир.

Бадиий адабиётда руҳият тасвири бош масалалардан бири экани шак-шубҳасиз. Зеро, инсонни поэтик кашф этиш адабиётнинг асосий мақсадларидан биридир. Шу маънода, ушбу поэтик мақсадни акс эттириш энг аввало инсон қалб кечинмалари, дарду-умидлари, интилишлари, орзу- идеали, бир сўз билан айтганда, руҳият чизгилари орқали амалга оширилади.

У. Ҳамдамнинг “Кўзини очиб юмган одам” ҳикоясида “умр ўтқинчи, эзгу амал абадий” концепцияси акс этганини кўрамиз. Шу боисдан бўлса керак, ҳикоянавис асарни қарама-қарши лексема орқали номлаган, яъни, “кўзини очиб юмган одам”. Туғилиш ва ўлим оралиғи ниҳоятда қисқа давр, инсон умрининг ўтқинчи эканлиги, бироқ эзгу амаллари билан боқий умрга дахлдорлиги У.Ҳамдамнинг “Кўзини очиб юмган одам” ҳикояси сарлавҳасида ўз тажассумини топган. Ёзувчи ҳикоя муқаддимасида қаршилантириш санъатидан унумли фойдаланиб, кутилмаган ҳодисани оний таассуротлар ёрдамида ифодалаган: “Кўзларимни очганим ҳамон савқитабий ёрдамида ҳис қилдимки, устозимнинг кўзлари мангуга юмилибди. Э воҳ!..”²

Инсон руҳияти мураккаб бўлиб, уни бутунлай ўрганиш мушкул. Устози вафотидан қаттиқ изтиробга тушиб, сўнгги йўлга кузатиш, видолашиш мақсадида жанозага йўл олган шогирд руҳиятидаги мураккаб ҳолат ҳикоя матнида қуйидагича ифодаланган: “Уйдан ташқарига чиқарканман, кўзим негандир хув баланд тоғлар бошида худди оқ рўмол янглиғ солланган чиройли

¹ ulug'bekhamdam.uz // Инсон табиат ва жамият маҳсули (23.02.2013).

² Ҳамдам У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.108

маҳобатли оппоқ булутларга тушди. Азадор бўлишимга қарамай, намунча сеҳрли бўлмаса улар, деган уй кечди дилимдан”¹.

Келтирилган парчадан маълум булаётирки, инсон руҳиятида бир пайтнинг ўзида ҳам “изтироб”, ҳам “завқланиш” бўлиши мумкин экан. Бу, дарҳақиқат умуминсоний туйғу бўлиб, Ф.Достоевский, Ж.Жойс, У.Фолькнер, М.Пруст каби романнавислар инсониятга тақдим этган образларда фаол учрайди.

У.Ҳамдам услубининг ўзига хослиги шундаки, қаҳрамонлар характери очишда контрастнинг психологик шаклини кўллайди. Бу ҳақда М.Кўчқорова “Замонавий прозада руҳият талқини” номли мақоласида қуйидаги хулосага келади: “Адиб асарларида қаҳрамон руҳиятини очишда асосан қарама-қарши туйғулар коллизияси етакчилик қилади. Натижада руҳий тасвирда ҳар томонлама ишонарли, ёрқин образлар ва характерлар яратилганини кузатиш мумкин”².

Устоз – идеал шахс образи. Қалбларни маърифат нури ила ёритиб, камолот сари йўналтирувчи ориф. Шунинг учун ёзувчи Устозни – “маънолар султони” дея таърифлайди. Шогирд йўл олган йўл эса камолот, маърифат, ҳақиқат йўлидир. Бу йўл машаққатли, мураккаб бўлса-да, охир оқибат хайрли якун топади.

“Ажаб, кетиб бораяпману ўйлайман, нега пиёдаман?... яланг оёқларимга тиканлар кириб, тошлар тегиб ачишиб бораяпти. Шундаям, улов ҳақида негандир бош қотирмайман”³, каби фикрлар кечади қаҳрамон онгида. Бунинг боиси, адиб йўлни поэтик образ даражасига кўтарган. Яъни йўл – умр, илм-маърифат йўли, бу йўл эса машаққатсиз бўлмайди. Ҳаёт йўлини эса ҳеч қандай уловда босиб ўтиб бўлмайди. Бу йўл гўё яланг оёққа тикан, тошлар қадалиб, азоб беришдек оғриқли. “Кўп ўтмай товонларим ҳам ёрилиб, қонаблар кетди. Ботинимга азмойиш-ла сарсор солсам, сафар захматларининг бари негандир мени тўппа-тўғри устоз томон йўллаётгандек туюлди”⁴.

Бежиз ёзувчи қаҳрамон захматлари ифодаси сифатида қон билан боғлиқ эпизодни тасвирламаган. Қон – ёруғлик тимсоли.

¹ Ҳамдам У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.108

² Кўчқорова М. Замонавий прозада руҳият талқини // ulug'bekhamdam.uz 18.04.2013.

³ Ҳамдамов У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.108

⁴ Ҳамдамов У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.108-109.

Бу ўринда рамзий маънода илм толибининг устози, яъни маънолар хазинаси, маърифат сари йўналиши демакдир.

Ҳикояда макон-замон тушунчаси реаллик билан боғланмаган, бироқ фалсафий моҳият реал. Олам ундаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини англаш, инсон ўзлигини топиши. Асарда йўловчи чорраҳада туриб тўртта томонга улоққан йўлларни босиб ўтади. Ёзувчи йўл–поэтик образига умр йўлини, йўловчи – илм толиби, солиқнинг тўрт йўли– Шарқ, Ғарб, Шимол, Жануб каби рамзлар билан ифодалаган.

Ёзувчи инсоннинг ўз-ўзини тафтиш этиши, иккиланиш ҳолатларини қаҳрамон онг остида кечаётган қуйидаги тасвир орқали ифодалайди: “Бу йўлларнинг қайси бири мени устозим яшаган мамлакатга элгар экан, а?.. Шу ўйда турар эканман, бирдан кўксимдан нимадир мумдек эриб тушди. Қарасам, у ҳалиги ҳайбатли тоғ қадар савол экан. Ҳали замон у ташқарида эди, энди бўлса ичимда эриб ётибди...”¹

Келтирилган парчада, адиб инсонни қийнаётган жумбок ечимини бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиб ифодалаган. Чунончи, жумбокни музга, унинг ечимини эса музнинг эришига қиёс қилади. Бу эса ижодкорнинг бадиий контрастлаштириш маҳоратидан дарак беради.

Ушбу мўъжазгина асарда ёзувчи олам ва унинг фалсафий асоси, инсон, унинг яшашдан мақсади каби саволларга жавоб излайди. Қаҳрамон тўрт иқлимни кезиб чиқади. Турфа фалсафий йўлларни ўрганиб моҳият ягона эканини англайди. Англаш йўли ҳам ўз-ўзидан кечмайди. Адиб бунда қароқчи ва илм толиби (Имом Ғаззолий) ҳақидаги кўҳна ривоятни келтиради. Ривоятдан чиқарилган хулоса: инсон китоб тўплаб ҳақиқий камолотга эриша олмаслиги, балки илмни қалбию онгига сингдириши лозимлиги. Бундай қараш адибнинг бадиий-эстетик концепциясига хос илм-маърифатнинг илоҳийлиги ҳақидаги қарашларни, Румий фалсафасини ифода этади.

Сўнгги давр ўзбек насрида янги бир қонуният кузатиляпти. Шўро даври адабиётида “инсоншунослик”, яъни инсонни поэтик кашф қилиш ва шу асосда бадиий асарларда ҳаёт ҳақиқатини тасвир этиш талаб этилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг

¹ Ҳамдамов У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. – № 2. –Т., 2011.– Б.109

мазмун-мундарижаси анча кенгайиб, марказда инсоннинг ўзинигина эмас, балки тушунчанинг моҳияти, муаллифнинг одам ва олам ҳақидаги фалсафий қарашларини ифодалашга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Асарлардаги фалсафий мазмуннинг чуқурлашуви ўз-ўзидан ифоданинг янгиланишига, янгича шакл ва поэтик изланишларга, теранлашув ва мажозийлашувига асос яратмоқда. Бугунги кунда яратилаётган аксарият насрий асарларда мажозий тасвир етакчилик қилмоқда. Улар турли хил шакл ва кўринишларда намоён бўлмоқда. Чунончи, асар қаҳрамонларининг номларига, бирон-бир деталь ёки воқеа-ҳодисага урғу бериш асосида муайян фалсафийлашган мажозий маънони ифодалашга эътибор кучайди.

У.Ҳамдамнинг “Наъмат” номли мини романида ҳам шундай хусусиятни кўрамиз. “Мини роман” жанри ўзбек адабиёти учун янги ҳодиса. Шу пайтгача бу типдаги асар яратилмаган. Аслида, бундай роман шакли жаҳон адабиётида мавжуд. Жаҳон адабиётидаги мини романлар, асосан, саргузашт ёки ишқий сюжетлар асосида ёзилган.

Романга мухтасар сўзбоши ёзган Ш.Турдимов асарнинг мажозий хусусияти ҳақида фикр юритар экан, унинг мазмунини очувчи калит сўзга эътибор қаратади. Бунда наъмат шунчаки бута эмас, балки исм экани, исмнинг маъносини кашф қила олган китобхон унинг сир-синоатидан воқиф бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Айни пайтда асардаги ҳикматга эътибор қаратиб, унинг ҳар бир авлод тасвири тадрижий равишда ўзгариб боришига эътиборни жалб қилади. Дарҳақиқат шундай:

*“Қандай кўз-ла боқса одам оламга,
Шундай жавоб айлар олам одамга, –*

деган экан донишлар...”¹

Мини романдаги такрорланиб келувчи мазкур ҳикмат романнинг қолипловчи компоненти бўлиб, ҳар бир авлод талқинида шу авлод қисматига мос равишда муайян таҳрирга учраб, ўзгариб боради. Биринчи авлод ҳақидаги боб ҳикматнинг “..деган экан донишлар” шаклида туговчи гумонли маълумот мазмунига мос аждодлар қисматини акс эттирса, кейинги бобда тасвирланган авлодлар қисматида эса “деган экан” шаклидаги

¹ Ҳамдам У. Ватан ҳақида кўшиқ. – Тошкент: Akademnashr, 2014. –Б. 415.

маълум даражада реаллашган ҳукм-хулоса ифода этилади. Мини романнинг охирги, учинчи авлод тасвирига бағишланган бобида эса ҳикмат ҳақиқатга айланган реаллик сифатида талкин этилади. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон Карим”нинг 99-сураси 7-8 оятларида “Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликнинг жазоси ёмонлик”лиги ҳақидаги ҳақиқат ёзилган. Ж.Румий ҳар ким қилмишига муносиб жавоб олишини эътироф этиб, “... бир одамнинг кўнгли фараҳланса (қувонса – тарж.), демак, у кимнингдир севинтирган ва ундаги қувонч ана шу ишнинг муқофотидир. Худди шундай, инсоннинг хафагарчилиги – унинг бошқа бировнинг кўнглини оғритганига муносиб жавоб. Булар бу дунёнинг армуғонлари, жазо кунининг ўрнакларидир”¹ дейди. А.Навоий ёхуд З.Бобур ижодида ҳам бундай ҳаётӣ ҳикматнинг назмӣ ифодалари учрайди. Ислом фалсафаси, умуман умуминсонӣ моҳият касб этувчи ёвузликнинг қора, эзгуликнинг нури жавобининг бадий ифодасини У.Ҳамдам ҳам мазкур асарида ўзига хос маҳорат билан ифодалаган.

Демак, мазкур ҳикмат асрлар давомида ҳаёт синовидан ўтиб, инсонлар қисматини акс эттиришда ўзининг тасдиғини топди. Буни биз асардаги авлодлар қисмати ҳақидаги воқеалар тасвири орқали билиб оламиз. Асар сюжети уч авлод вакиллариининг наъматак поэтик образига бўлган муносабати асносида кечади.

Наъматак биринчи авлод ҳаётида сирли тарзда пайдо бўлиб, уларнинг тақдир йўллари туташувида муҳим омил саналади. Яъни: “Наъматак иккала далаҳовлининг қоқ ўртасидаги ажриқзорга айланган қаттиқ ердан ўсиб чиққанди”². Наъматакнинг бу тарзда йўқдан бор бўлишида алоҳида ҳикмат мужассам. Зеро, оламда ҳеч бир нарса ва ҳодиса йўқдан бор бўлмаганидек, бордан йўқ ҳам бўлмайди. Фалсафӣ қонуниятлар асосида мушоҳада юритадиган бўлсак, асарда наъматак образининг берилиши, унинг униб-ўсиб, илдиз отиши муайян ғоявий-эстетик асосга эга. Бу хоҳ биологик жараён сифатида бўлсин, хоҳ тасодифӣ тарзда бўлсин, аммо барибир, асарнинг туб замирида илоҳӣ инъом мавжудлигига ишора мавжуд. Боиси,

¹ Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 81.

² Ҳамдам У. Ваган ҳақида қўшиқ. – Тошкент: Akadernashr, 2014. – Б. 416.

айнан шу бута туфайли фарзандларнинг қалбида пайдо бўлган покиза муҳаббат туйғуси иккала дала ҳовли эгаларининг қудачилик муносабатлари билан яқинлашишига сабаб бўлади.

Хўш, унда биринчи авлоднинг наъматакка бўлган муносабати қандай эди?

Улар бутага ижобий муносабатда бўлиб, унинг шифобахш меваларини ўзлариникигина қилиб олмай, бир-бирларига илинишар, уни авайлаб парваришлар ва шу аснода ўзлари ҳам палак ёйиб фаровон турмуш кечиришар эди. Ёзувчи нақоратда келтирган ҳикматнинг тасдиғи айнан биринчи авлоднинг наъматакка бўлган муносабати орқали ўз исботини топади. Демак, наъматак роман сюжети ва унинг композицион ғоясини ифодаловчи поэтик образ бўлибгина қолмай, ёзувчининг асарда илгари сурган ғошафий концепциясини поэтик асослашга хизмат қилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади, нима сабабдан адиб айнан наъматакни романнинг бош образи этиб танлади? Бунга сабаб наъматакнинг гўзал ва нафис гуллари, хушбуй ифори, шифобахш меваларими ёхуд муаллифнинг Ойбек ижоди мисолида “соф лирика” муаммосини жиддий ўрганиб, шеър таҳлилида янги адабий-эстетик қарашларни илгари сургани, “Наъматак” шеъридан илҳомланишими?

Кези келганда шуни айтиш керакки, Ойбек ва У.Ҳамдам ижодий фаолиятида ўзаро уйғунлик, ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Зеро, У. Ҳамдам ҳам худди Ойбек сингари ҳам насрда, ҳам назмда бирдек ижод қилиши баробарида адабиёт илми билан ҳам шуғулланиб, сўнгги давр адабиётшунослиги равнақига, адабий-эстетик тафаккури юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш, истеъдодли олимларимиздан биридир.

Бизнингча, романда наъматакнинг асосий поэтик тимсол сифатида олиниши тасодиф эмас. Унда Ойбек сиймоси, мажозий, тасаввуфий талқин билан синтезлашиб кетади. Мумтоз Шарқ ғошафаси замонавий инсон кўнгли билан уйғун ҳолатда умуминсоний мазмун ташийди. Бунга романда қуйидагича ишора берилади: “Аммо шабоданинг тилини тушунган қайда?.. Япроқлар шивиридан тупроқлар сирини уқадиган ҳали ҳам

туғиляптимиқан ўзи дунёда?! Тупроқлар бағрига яширилган Яратганнинг имлосиничи!?”¹

Романнинг кейинги бобида иккинчи авлоднинг ҳаёти ва уларнинг руҳиятидаги биринчи авлодга қарама-қарши қалб эгалари қисмати бадий талқин этилади. Бу бобда авлодлар алмашуви жараёнидаги ижтимоий-психологик ўзгаришлар, маънавий омилдан кўра дунё бойликларига ҳирс қўйиш, бир сўз билан айтганда, нафс бандасига айланиш психологияси, воқеа-ҳодисалар ривож, асар конфликтини юзага келтирувчи бадий омиллар наъматак атрофида рўй беради. Бироқ энди наъматакка эгаликни даъво қилиш ҳисси бу иккала далаҳовли соҳиблари муносабатлари орасига нифоқ солади. Бора-бора бу адоват ҳисси қўшниларни юзкўрмас ёвга айлантириб, нафақат наъматак бутасини чопиб ташлаш даражасига, балки сўнгсиз ҳасад ва ғазаб ўтида ёнган қўшниларнинг бир-бирини ҳам чавақлаш даражасидаги ваҳшиёна хатти-ҳаракатларга олиб келади. “Кўз кўзга тушиб, жисмлар бир-бирига қаршилиқ кўрсатиб суртилганда неча замондир томирларда адоват билан оққан қон қизиб юракларда вулқондек жўш урди. Натижада эндигина дарахтларнинг қаттиқ танасига урилиб турган кескир болтанинг битта зарби айланиб келиб инсоннинг юмшоқ бўйнига тушди...

Бир неча йил ўтгач эса қамокдаги қўшни ҳам ўпка сили билан оғир хасталаниб ҳаётдан кўз юмди...”²

Бадий асардаги ижодкорнинг яна бир нияти инсонни, умуман, инсониятни худбинлик, очкўзлик, ҳасад ва ғазаб, нафс каби иллатларидан огоҳ этиш, миллатимизга хос бўлган бағрикенглик (бир майизни қирқ бўлиб истеъмол қилиш, ҳамжиҳатлик – Б.Ф.), уят-андиша каби фазилатларнинг тобора ноёблашиб бораётганини бадий муҳокама этиш ҳамдир.

Мини романнинг яна бир эътиборли жиҳати, дастлабки бобда гўзалликка ошуфталиқ ҳисси муҳаббат мотивига уйғун тарзда келади. Муҳаббат ҳисси шунчалиқ қудратли кучга эгаки, у аввало киши қалбини ғуборлардан поклаб, атроф оламга ўзгача, нафосат қонуниятига қарашга ундайди.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ишқ таърифидаги тўққизинчи мақолатида таъкидлаганидек:

¹ ҲамдамУ. Ватан ҳақида қўшиқ – Тошкент: Akademnashr, 2014.– Б. 420

² Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ – Тошкент: Akademnashr, 2014.–Б. 420

*“Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзи-ю ҳам кўнгли пок.”¹*

У.Ҳамдам романнинг иккинчи қисмидаги авлод тимсолида муҳаббат туйғусидан мосуво, нафс балосига мубтало бўлган, маънавий тубанликка юз тутган кишилар қиёфасини яратади. Китобхонни мушоҳада юритишга, хулоса чиқаришга ундайди.

Йўл, йиллар, асрлар, даврлар босиб ўтилиб, авлодлар янгиланади ва учинчи авлод ҳам янгидан ниш уриб ўсган наъматак атрофида парвона бўлишади. Бироқ бу авлод наъматак туфайли аждодлари ўртасида бўлиб ўтган муносабатлардан воқиф бўлишса-да, бутанинг номини билишмайди. Муаллифнинг бундай йўл тутишида ҳам рамзий маъно мужассам. Боиси, бу ёш авлод ҳаётида наъматак нечоғли аҳамиятга эга бўлиши номаълум. Меҳру муҳаббат ила муносабатда бўлган аждодларининг фаровон ҳаётими ёхуд баднафслик қурбонига айланган иккинчи авлоднинг аянчли қисмати? Қай бир йўлни танлаш ихтиёрининг ёш авлодга топширилиши орқали асар инсониятни нафс иллатларининг фожиавий оқибатларидан огоҳ этади.

Ёзувчи яратган асарлар ижтимоий-фалсафий ва бадиий-эстетик моҳиятига кўра ўзида хилма-хил тасвир усулларини мужассамлаштиргани, реалистик ифода билан ҳаёлий, мажозий тасвирларнинг уйғунлашиб келиши, қаҳрамоннинг ботиний руҳий оламига турли хил воситалар орқали йўл очиши, образлиликни таъминлашда рамз ва бошқа поэтик топилмаларнинг моҳирона қўлланиши билан ажралиб туради.

Адибнинг “Яхши одамлар” номли ҳикоясида инсонлар орасида тобора ноёблашиб бораётган яхшилик, меҳр-оқибат, диёнат каби эзгу фазилатлар инсоният учун нақадар бебаҳолигини, уларсиз ҳаёт зулматга айланиши мумкинлигини Иброҳим қисмати асосида ёритиб берилган. Иброҳим ўзи учун қисмат деб билган ижод завқи туфайли фирмадаги даромадли ишини дўсти Сотимбойга топшириб кетади. Бироқ бошига мушкул иш тушиб, оғир касалликка йўлиққан фарзандини даволатиш учун пулга муҳтожлик сезганда, айни шу ўзи яхшилик қилган Сотимбой унга панд беради.

¹ Навоий А. Танланган асарлар. – Тошкент: СМИ-АША, 2009. – Б.125

Ҳикоянавис Сотимбой образи тимсолида оқибатсиз, худбин кимсалар қиёфасини чизади. Бежиз, унга **Сотимбой** деб исм қўйилмаган. У хоин, сотқин. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони Иброҳимнинг тушкун руҳий ҳолатини ёритишда табиат тасвиридан унумли фойдаланган. “Эрталабданок кўк юзида тўда-тўда **қора булутлар** пайдо бўлди. Тушга яқин эса **қор** учқунлади. Аллабир вақтдан бери дераза қаршисида хомуш ўтирган Иброҳимнинг ичига **совуқлик** югурди, эти жунжикиб, чор-ночор кўзғалди...”¹

Ёзувчининг маҳорати шундаки, ушбу метафорик тимсолларни қўллаш орқали қаҳрамон руҳиятидаги тушкун ҳолат ўқувчи қалбига ҳам кўчишига эришган. Бу эса бадиий асарнинг таъсирию кучини янада орттирган. “Афсус, дўстининг уйда эканлигидан кўнглига тушган нашъа **тунд булутлар** орасида бирров юз очиб, сўнг ғойиб бўлган **куёш севинчидек** омонат келди...”² Ушбу ташбеҳлар ва қаршилантириш санъатнинг ўринли қўлланиши қаҳрамон руҳиятидаги ғалаённи аниқроқ ёритишга хизмат қилган.

Ҳикояда Иброҳим образи мисолида атрофидагилар – таъмагир врач, меҳрсиз ака, оқибатсиз дўст каби образлар орқали ёзувчи жамиятда илдиз отиб бораётган худбинлик, нафс иллатларини танқид остига олади. Бу муносабат қаҳрамон қалбида инсонларга, яхшиликка бўлган ишонч, умиднинг сўнишига олиб келади. Бироқ, қаҳратонда машинаси қулфланиб, ўғли билан кўчада қийналиб қолганида, нотаниш йўловчиларнинг унга кўрсатган холис ёрдам эзгулик ғояларини ифода этади. Шу тариқа ҳикояда мусбат ва манфийлик аро мувозанат юзага келади. Ҳикоя сўнгида эса ёзувчи табиатнинг яна бир тасвири орқали яхшилик деб аталмиш буюк неъмат одамларни бутунлай тарк этмаганига ишора қилади: “Хиёл ўтмай улар машинага ўтириб шаҳарнинг кунчиқишига қараб йўлга тушишаркан, қарши томонда узоқ-узоқларда уфқдаги ғуж булутларнинг кўкси ёрилдию бир дона юлдуз порлаб кўзга ташланди. Худо хоҳласа, эртага куёш чиқади”³.

¹ Улуғбек Ҳамдам. Узоқдаги Дилнура. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.150

² Уша манба. – Б. 151

³ Уша манба. – Б.174.

Инсон дунёга келганда унинг руҳи шаффоф сувдек тиник, булутсиз осмондек мусаффо бўлиб, улғайгани сари турли хил омиллар сабаб бу мусаффоликка ғубор оралай бошлайди. Натижада, илоҳий нур аксланувчи қалб хира тортади, руҳ кирланади. Эзгулик ва ёвузликнинг азалий курашида ҳамisha ҳам ижобий якунга эришилаверилмайди.

Адиб маънавий инқирознинг бадиий талқинига бағишланган “Узоқдаги Дилнура” ҳикоясида ҳам жамиятда, инсоният орасида урчиб бораётган худбинлик, бепарқлик, меҳр-оқибатсизлик, хиёнат каби чиркин иллатларни қоралайди.

Ҳикоя анъанавий усулда ёзилган бўлиб, диалог воситасида баён этилган Юнус амаки вафоти ҳақидаги хабар билан бошланади. Асар бош қаҳрамони Козим шаҳардаги йирик фирма раҳбари бўлишига қарамай, болалигида ўзи сабаб “қора сон” касали билан оғриб дунёдан ўтган Юнус амакисига на моддий, на маънавий тиргак бўла олмаганидан афсусда.

Хўш, бунга нима сабаб? Козимнинг ишга шу даражада шўнғиб кетганлигими ёхуд кайфу сафодан ортмаганими? Дафн маросими давомида унинг қалбини тирнаётган афсус-надомат, ўкинч, ички туғён нимадан дарак беради? Ёзувчи ушбу мўъжазгина ҳикоя орқали қандай эстетик идеални, ижодий концепцияни илгари сураяпти? Адибнинг асар давомида Юнус амаки билан боғлиқ Козимжон хотираларига бот-бот мурожаат қилишининг боиси нима?

Бизнингча, ҳикояда тасвир этилган ассоциатив мотивлар – болаликдаги беғубор онлар, ҳикоя қаҳрамони Козимнинг кирланган, хиралашган қалбини тафтиш этишга, бир сўз билан айтганда **покликка**, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби чин инсоний фазилатларга ундайди. Зеро, покиза қалб илоҳий нур мавжланувчи бебаҳо жавҳардир. У хира тортса инсон маънавиятидан, иймонидан йироқлашади. Бежиз Мавлоно Румий:

“Нур –дилнинг нуридир, нури Худо,

*У ақл, ҳис нуридан покдир, жудо...”*¹ деган сатрларни ёзмаган. Аёнки, кўнгил нури Оллоҳ нуридир, “бу нур

¹Румий Ж.(Сафоев Нуриддин) Маънавий маснавий. Куллиёт. 1-жилд. – Тошкент: Шарк, 1999.– Б. 353.

шу қадар олийдирки, у ақлу ҳисдан пок, зехнга тааллуқли турли таҳминотдан айридир”¹.

Ҳикоянинг номланишида ҳам шу ҳикмат мужассам. “Узоқдаги Дилнура”, яъни покиза қалб эгаси, бевақт ўлим топган меҳри дарё қизалокнинг ёхуд фахш ботқоғига ботган аёлнинг исмигина эмас, балки Козим тимсолида нафс балосига мубтало бўлган нурсиз қалбларнинг поэтик ифодаси. Дилнинг бебаҳо жабҳари бўлган нурдан йироқлашиши, кирланиши. Асар китобхонни мана шу нафс балоси бўлмиш зулматдан огоҳ этиши билан эътиборли. Қалбни маънавий нур билан мунаввар этиш, дил поклигига интилиш ва шу орқали олий ҳақиқатга эришиш адиб эстетик идеали ва концепциясининг етакчи тамойилларидан биридир.

У. Ҳамдамнинг “Ватан ҳақида қўшиқ” номли романлар ва ҳикоялардан иборат тўпламидан ўрин олган ҳикоялар мавзу кўлами, ифода усули, бадиий тасвир воситалари турлича бўлса-да, уларни ягона нуқта **Инсон** ва унинг тақдири, идеалга, ўзликни англашга интилиши, умуман, инсонийлик концепцияси бирлаштириб туради. Адабиётшунос У.Норматов китобга ёзган сўнг сўзида муаллифни ўзгача йўналиш ва услубда ижод этаётган ижодкор сифатида қарайди: “Тамомила ўзгача – ривоят усули, услубида битилган, поэтик тузилиши, инсон қисмати, маъно кўлами ифодаси жиҳатидан “Наъматак” ка яқин турадиган “Сафар”, “Ватан ҳақида қўшиқ” на анъанавий, на модерн, на постмодерн қолипига тушмайдиган ҳикоялар муаллиф ижодида янги бир тамойил бошланаётганидан далолат бўлса ажаб эмас”², деб ёзади.

Ушбу тўплам ҳикоялар қисмидаги илк ҳикоя асар номи билан “Ватан ҳақида қўшиқ” деб номланади. Ҳикоя ҳақиқий ватанпарварлик, она юртга садоқат, аجدодларга эҳтиром руҳида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Сарлавҳа-ҳикоя “Йўл” романи таркибида келгани боис юқоридаги кузатишларимизда ушбу асарни таҳлилга торган эдик.

¹ Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. 1-жилд.(Таржима шарҳи билан;\ Таржимон А. Маҳкам; Масъул муҳаррир Т. Маҳмудов.) – Тошкент: Шарқ, 1999.- Б. 353.

² Норматов У. Кичик жанрнинг катта имкониятлари // Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Akademnashr, 2014. – Б. 427.

Тўпламдаги “Пиллапоя” ҳикояси мунаққид таъкидлаганидек, ҳеч бир “изм”лар қолипига тушмайдиган, лекин моҳиятида жуда катта ҳаётӣ мазмунни мужассамлаштирган асарлардан биридир.

Устозларга бағишланган бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг “Агар ҳақиқат менинг юзимга оёқ босиб ўтишни тақозо этса-ю, сен буни қилмасанг, асло рози эмасман”¹ нақли ҳамда Эркин Воҳидовнинг “Пиллапоя бўлдим сенга, азизим, Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл... каби сатрлари эпиграф этиб олинган. Адиб ушбу пурҳикмат фикрларни асар моҳиятига ҳамоҳанг тарзда ўринли келтирган.

Хўш, ёзувчи нима сабабдан ҳикояни “Пиллапоя” деб номлаган? Пиллапоя бадий деталига қандай рамзий маъно юклаган? Пиллапоя ниманинг рамзи?

Кузатишимизга кўра, пиллапоя поғонама-поғона кўтарилиб манзил сари элтувчи восита. Пиллапоя – инсон ҳаёт йўлининг рамзий ифодаси. Асарда тасвирланганидек, бу йўлни ҳар ким ўз хоҳиш-истаги, мақсад-муддаоси, дунёқараши, имконият даражасига қараб ҳар хил босиб ўтади. Деярли аксарият инсонлар бу ҳаёт йўлида янада юқорироқ чўққиларни забт этишни кўзлайди. Ҳикояда тасвирланган омма ҳам пиллапоялардан одимлар экан, имкон қадар юқорироқ манзилни забт этишга интилади. Куч-ғайратга тўла, қалби юксак орзу-умидларга лиммо-лим ёшлар, айниқса, бу йўлда шижоат билан ҳаракатланса, қариялар эса аксинча ҳафсаласиз, ортга назар ташлаб, босиб ўтган умр йўлларини таҳлил этиб хулоса чиқариб оҳиста одимлайдилар. Бу пиллапоя кимгадир яшаш тарзи, кимдир учун яратувчилик, ижод ишқи, кимгадир нафс ўпқонини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар воситаси ва ҳ.к.

Худди шу йўсин ҳар ким ҳикоянинг ҳар хил талқинини истаганча давом эттиравериши мумкин. Муҳими, ҳикоя китобхонни ҳаёт ҳақида, яшашдан мақсад, маъно-мазмун излашга, кишини мушоҳада юритишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир. Ёзувчининг бадий нияти, ҳикоя ёзишдан мақсади ҳам шу, аслида.

¹ Ҳамдам У. Ватан ҳақида кўшиқ. – Т.: Akademnashr, 2014. – Б. 484

Умуман олганда, У.Ҳамдам ижодида йўл ва йўловчи поэтик деталлари етакчи мавқени эгаллайди. “Пиллапоя”, “Бир пиёла сув”, “Лола” ҳикоялари ва “Йўл” романида поэтик тимсол даражасига кўтарилган мазкур поэтик рамзлар ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари моҳият эътибори билан миллий ва умумбашарий заминга эгалигидан далолат беради.

III боб бўйича хулосалар

Ёзувчи адабий-эстетик қарашларида алоҳида эътибор қаратиладиган, ижодий принцип даражасига кўтарилган инсон ботиний олами тасвири, яъни *қалбга эврилиши* адиб ижодининг хос жиҳатларидан биридир. Ижодкор асарларида кўнгил турли хил поэтик образ, тимсол, метафорик тасвир-у шаклларда тасвирланса-да, ижодкор концепцияси ўзгармайди – ўзлигини англаш, кўнгил манзараларини чизиш бош мавзулигича қолаверади.

У.Ҳамдамнинг адабиёт ва унинг моҳиятида инсон ботиний олами, қалб туйғулари акс этиши керак, деган адабий-эстетик қараши ўз ижодининг моҳиятида образлар тизими ва ифода йўсинида фаол акс этган.

У.Ҳамдамнинг лирик ва эпик ижодида турли рамзлар, айниқса, атиргул образи муҳим эстетик вазифа бажаради. У атиргулни кўнгилга қиёс қилиб, поэтик образ даражасига кўтаради ва унинг қизиллигини юрак қонига менгзайди. Дарҳақиқат, эзгуликка интилаётган инсон қалби атиргулдек гўзал ва тароватли. Атиргул ёзувчи қаҳрамонлари руҳиятини, ҳаёт тарзи, мақсад идеали, дарду изтиробларини ифодаловчи асосий поэтик воситага айланган.

“Йўл” ва “йўловчи” образлари У. Ҳамдам ижодида турфа ракурсларда намоён бўлади. Жумладан, “Атиргул”, “Таржимаи ҳол”, “Ишқ йўлида” шеърларида мазкур образлар ижодкорнинг ҳаёт йўли, бу йўлдаги турфа хил зиддиятлар, курашлар, чигалликларни ифодаласа, “Йўл” романи, “Бир пиёла сув” ҳикояси, “Сен – кўзларим”, “Инсон”, “Энг жажжи шеърий роман” каби шеърлари ва айрим тўртликларидаги “йўл” поэтик образлари эса инсонга ўзлигини англашувчи, илоҳий ҳақиқатга

етказувчи восита, камолот йўли сингари бадий-эстетик мазмунни мажозий рангларда акс эттиради.

У.Ҳамдам шеъриятининг, умуман, ижодининг мавзу кўлами ранг-баранг бўлса-да, уларни бир умумий руҳ бирлаштириб туради. Инсон қалбига қараб эврилиш, ички коллизия, дард-изтироб, руҳий зиддият, ўзликни англаш, моҳиятга етиш бош кечинма сифатида ифодаланади. Бу муаллиф адабий-эстетик қарашларидаги ижодий параллелизмидан нишонадир.

У. Ҳамдам адабий-эстетик қарашларидан яна бир принципини бадий асарда катта ҳаётий ҳақиқатлар устуворлиги масаласи ташкил этади. Ушбу адабий-эстетик қараш ёзувчи асарларининг ўқ томирини ташкил этади. Бу жиҳат икки бадий принцип уйғунлигида кўринади: а) ҳаётий ҳақиқатларни бевосита реалистик йўсинда акс эттириш (“Мувозанат”, “Исён ва итоат” романлари); б) ҳаёт ҳақиқатини бевосита ва рамзлар асосида поэтик талқин қилиш (“Наъмат”, “Сабо ва Самандар”, “Йўл”, “Ёлғизлик” ва б.).

У. Ҳамдамнинг Шарқ мумтоз фалсафасини, хусусан, асл румиёна фалсафани ўз асарлари моҳиятига сингдириб юбориши, инсон қалби манзараларини, қалб эврилишларини бадий рамзларда ифодалаши унинг миллий, умуминсоний кўламга томон интилаётганидан далолат беради.

У.Ҳамдам ижодида унинг адабиёт назарияси ва фалсафаси, адабий танқид, бадий сўз ҳақидаги илмий қарашлари синтези етакчилик қилади. Унда олимлик ва мунаққидлик, инсонпарварлик ва ёзувчилик фазилатлари уйғунлашиб кетганки, бу илм-маърифатли ижодкорларнинг миллат маънавияти учун нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Умуман, ижодкор адабий-эстетик қарашлари ва бадиият дунёсини қиёсий ўрганиш, миллий адабиётимиз ҳамда адабиётшунослигининг салмоқли амалий натижалар беришини таъминлайди. Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти майдонига дахлдор этади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги бадиий ижоднинг серқирралиги, унинг турли маънавий, маърифий, ижтимоий, бадиий-психологик ҳамда фалсафий омиллардан куч олиб шаклланиши ва тараққий этишини таъкидлаб келади. Ҳақиқатан ҳам, ижодий жараён кўп қиррали ҳодисадир.

Ижодий жараён, биринчи навбатда, ижтимоий-биологик шахсга хос тушунча. Шахсга хос руҳий-маънавий эҳтиёжлар ва истаклар инсонда ижодкорлик хусусиятларини шакллантиришга омил бўлган. Ўзи кўриб, ҳис этиб яшаётган дунёси ҳақида фикр юритган ижодкор изланишлари санъат асарини майдонга келтиради. Шунингдек, моддий-биологик эҳтиёжларнинг ҳам шахс ва ижодий жараённинг шаклланишида муҳим ўрни бор.

Бадиий тафаккур тарихида ижодкор шахсияти ва ижодий жараённи ижтимоий ҳодисалар билан муштарак талқин этиш, шахс тушунчасини ижтимоий ҳаёт воқелигига боғлаб тушунтиришга уринишлар ҳам жаҳон адабиётшунослигига хос бир тамойил ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, бадиий ижод соф ижтимоий ҳодиса бўла олмаганидек, ижодий жараён ва ижодкор шахси ҳам буткул ижтимоий асосда ўрганилиши мумкин эмас. Бадиий ижод ва ижодкор шахсияти бизнингча, юқорида саналган барча жараёнларни ўзида мужассам этади. Ижодкор шахс ўзини ўраб турган илоҳий, маънавий, ижтимоий, фалсафий, маиший, миллий, умуминсоний, биографик таъсирлардан холи бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ижодкорда шахс ва унинг эстетик позицияси параллел ҳолатда намоён бўлиши қонунийдир. Муайян ижодкор ва унинг ҳар бир асари дунёга келишида икки омил муҳим ўрин тутуди: 1) ташқи омиллар. Бу сирага ижтимоий, маиший ва биографик ҳаёт воқелиги; 2) ички омилларга ижодкор характери, психологик ҳолатлари, ички “мен”ига хос кечинмалар тизимидир.

Ижодий жараёнда илҳом ёзувчини бадиий ижодга йўналтирадиган психологик ҳолатдир. Шунингдек, илҳом ижодкорлик ҳисси, ёзиш завқ- шавқи, пафосини оширади. Илҳом билан ижод этилган асар ўқувчига ҳам юқади.

Ижод жараёнида, хусусан, эпик қамровдорлик муҳим ҳисобланган насрий ижодда туйғу ва тафаккурнинг уйғун бўлиши

қонуният ҳисобланади. Туйғуга йўғрилмаган эпик образ бадийлик касб эта олмаганидек, тафаккур етакчилик қилмаган ҳис-туйғу ҳам эпик ижод намунаси бўлиши мумкин эмас. Ёзувчининг: а) ижод жараёнида шахс даражасига кўтарилиши, ўзлигини англаши; б) оддий одамлардан фарқланувчи ички интуицияга эгалиги; в) илҳом жараёнларини тўғри англаб, уни тўғри тарбиялаши ҳақиқий ижодкорнинг дунёга келишига асос бўлади. Ёзувчи феноменини у мансуб жамият орасида амал қилаётган фалсафалар, психологик жараёнлар шакллантиради, уларга нисбатан аниқ позициянинг мавжудлиги ижодкор шахсиятининг маънавий-эстетик даражасини белгилайди. Ўз фалсафий қарашлари хусусида муайян тўхтама эга бўлган, уни башарият манфаатларига мувофиқлаштира олган шахсина ижодкор аталишга муносибдир. Хос шахсияти, фалсафаси, ижодий принциплари, адабий-илмий концепциясига эга ёзувчигина адабий жараённинг фаол аъзосига айланади. Унинг табиат, жамият, инсон шахсияти, санъат ва маданият ҳақида айтган фикрлари умуммиллий, умуминсоний кўламни ишғол этади. Маълумки, бадий адабиётнинг мақсади тасвир марказидаги инсон, унинг ички дунёсини тадрижийлик асосида бадий тасвир этишдир. Н.Эшонқулнинг аксарият асарларида инсон ва унинг кўнгил олами, руҳий кечинмалари бадий талқин этишга қаратилгани билан муҳимдир. Ёзувчининг адабиёт ҳақидаги кузатишлари асосида ўз адабий-эстетик позициясини белгилаш хосдир. Унга хос эстетик позиция ижод лабораторияси ва ижод психологиясини ўрганишда муҳим манба бўлади.

Назар Эшонқул эстетикасида ҳар бир ижодкор ўз қиёфасига эга бўлиши учун ташқи омиллардан ташқари ички “мен”ини англаши, индивидуал шахсни намоён қиладиган тафаккуру тасаввур оламини намоён этмоғи керак. Ёзувчи ўз асарларида инсонни, унинг моҳиятини англаш ва очишга ҳаракат қилар экан, турли хил бадий тасвир усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланишга уринади. Фалсафий қарашларини бадий образлар, психологик талқинлар, ноёб мотивларга сингдиради.

Назар Эшонқулнинг ижтимоий-эстетик қарашларида Ғарб замонавий адабиёти, айниқса, Ф.Кафка қарашларига муштараклик кузатилади. Ф.Кафка ва Н.Эшонқул ижтимоий-эстетик қарашлари ва бадий асарларига хос параллелизм

улардаги рамзий маъноларнинг бўртиб туришида, вокеликнинг анъанавий воситалар асосида эмас, балки ғайритабиий, онг оқимиغا хос тасвир орқали ифодаланишида кўринади. Унинг эстетик қарашлари мазмун-моҳиятида миллий маънавият ижтимоий ҳурлик, эркин шахс концепцияси етакчидир.

Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Ялпиз хиди”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Қултой” каби қисса ва хикояларида миллийлик, маънавий баркамоллик, одамийлик ва юксак инсоний туйғулар тараннум этилган. Унинг миллий, ижтимоий, маиший ва шахс ҳақидаги қарашлари, “оммавий маданият” ва оломончиликка доир чуқур хулосалари бугунги адабий, фалсафий, эстетик қарашлари асосини ташкил қилган. У “оммавий маданият” хавфига миллий қадриятлар, маънавий анъаналарни қарши қўйган. Бу концепциясини “Момоқўшиқ” асаридаги сюжет талқини, образлар мутаносиблигида бадиий ифодалашга эришган. Айти пайтда, ёзувчи биографиясидаги энг таъсирчан воқеалар унинг “Уруш одамлари”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Момоқўшиқ” асарларида ўз ифодасини топган.

Назар Эшонқул ижодида мусиқа, товуш, оҳанг, суратлар, ранглар рамзий маъно касб этиб, қаҳрамон руҳиятини очишга хизмат қилган. Шу билан бирга асарларидаги ифода ва бадиий талқин оригиналликка асос бўлган. Н.Эшонқул ижодига хос бундай хусусиятларнинг барчаси ундаги ижодий ният ва бадиий ифода синтезини таъминлаган.

Назар Эшонқул “Уруш одамлари” қиссасидан “Қўл” хикоясига қадар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маънавий меросидан, энг аввало халқ оғзаки ижоди дурдоналари, миллий қадриятларни акс эттирган. Ғарб бадиий тафаккури намуналарини чуқур ўзлаштириб, миллий адабиёт билан синтезлашга эришган.

Ёзувчи адабий-эстетик қарашларида алоҳида эътибор қаратиладиган, ижодий принцип даражасига кўтарилган инсон ботиний олами тасвири, *қалбга эврилиши* принципи У.Ҳамдам ижодининг етакчи тамойили ҳисобланади. Асарларидаги кўнгил образи, поэтик образлар хилма-хиллиги, тимсоллар қоришиқлиги, метафорик тасвир усули айти тамойил асосларини ташкил қилади.

Улуғбек Ҳамдамнинг адабиёт ва унинг моҳиятида инсон ботиний олами, қалб туйғулари акс этиши керак, деган адабий-эстетик концепцияси лирик ва эпик ижодида турли рамзлар воситасида акс эттирилган. Эпик ва лирик асарларидаги атиргул образи муҳим умумлашма эстетик вазифани бажариб келади.

Шунингдек, “йўл” ва “йўловчи” образлари У.Ҳамдам ижодида фалсафий-бадий маъно ташиди. Жумладан, “Атиргул”, “Таржимаи ҳол”, “Ишқ йўлида” шеърларида мазкур образлар ижодкорнинг ҳаёт йўли, бу йўлдаги турфа хил зиддиятлар, курашлар, чигалликларни ифодалаб келади. “Йўл” романи, “Бир пиёла сув” ҳикояси инсонга ўзлигини англагувчи, илоҳий ҳақиқатга етказувчи восита, камолот йўли метафорасини англатади.

Улуғбек Ҳамдам ижодининг мавзу кўлами ранг-баранг. Уларни бир умумий фалсафа, миллий ва башарий руҳ уйғунлаштириб туради. Қалб эврилишлари, ички коллизия, дард-изтироб, руҳий зиддият, ўзликни англаш, моҳиятга етиш етакчи пафос бўлиб келади. Ёзувчи ижодий принциплари улкан ҳаётий ҳақиқатларга мойиллиги, уларни илмий, танқидий, фалсафий асарларида акс эттиришида кўринади. Умумбашарий ҳақиқат талқини ёзувчи асарларининг ўқ томирини ташкил этади. Булар: а) ҳаётий ҳақиқатларни бевосита реалистик йўсинда акс эттириш (“Мувозанат”, “Исён ва итоат” романлари); б) ҳаёт ҳақиқатини бевосита ва рамзлар асосида поэтик талқин қилиш (“Наъмат”, “Сабо ва Самандар”, “Йўл”, “Ёлғизлик” ва б.)да намоён бўлади.

Улуғбек Ҳамдам Шарқ мумтоз фалсафаси, хусусан, Жалолиддин Румий фалсафасини ўз асарлари моҳиятига сингдириб юборган. Ғарб адабиёти билан миллий фалсафамизни жамлаб, ўзига хос янги ифода усулини кашф этган ижодкордир.

Ёзувчи ижодида унинг адабиёт назарияси ва фалсафаси, адабий танқид, бадий сўз ҳақидаги илмий қарашлари синтези муҳим роль ўйнайди. Унда олимлик ва мунаққидлик, гуманизм ғоялари мужассам шаклда акс этадики, бу янги ўзбек адабиётининг муҳим ютуқларидан биридир.

Хуллас, ижодкор бадий концепциясининг илмий, адабий-танқидий, назарий-эстетик, фалсафий, биографик ва психологик аспектларда муштарак ўрганилиши, муҳим маънавий натижаларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 446 б.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август, №153.

II. Илмий-назарий адабиётлар:

3. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978. – 415 б.
4. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Т.: Фан, 1979. – 444 б.
5. Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1991. – 382 б.
6. Арасту. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 352 б.
7. Арнудов М. Психология литературного творчества. М.: Наука, 1970. – 220 с.
8. Асмоилов А.Г Психология личности. – Москва.: МГУ, 1990. – 367 с.
9. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси) – Т.: Akademnashr, 2015. – 280 б.
10. Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. (I жилд: Қадимги давр) – Т.: Mumtoz so'z, 2013. – 400 б; Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 2-жилд: Ўрта асрлар. Уйғониш даври (IV- XVI) – Т.: Mumtoz so'z, 2016. – 425 б.
11. Борев Ю. Эстетика. т.3. – М.: Политиздат, 1981. – 399 с.
12. Веселовский А. Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 327 с.
13. Веселовский А. Избр. Произведения. – М.: Наука, 1939. – 470 с.
14. Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Просвещение, 1968. – 416 с.
15. Гегель. Эстетика // Шарқ юлдузи. – 2014. – № 1, 2, 3, 4.
16. Гиленсон Б.А. Эрнест Хемингуэй. Биография писателя. – М.: Просвещение, 1991. – 192 с.
17. Дементьев В. Личность поэта. – М.: Худ. лит., 1989. – 303 с.

18. Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011. – 316 б.
19. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Шарафиддинов О таржималари) . – Т.: Маънавият 2010. – 390 б.
20. Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Ф.: фарғона , 2009. – 204 б.
21. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. – 204 б.
22. Жўрақулов.У. Назарий поэтика масалалари. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 355 б.
23. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. – Т.: Sharq, 2015. – 336 б.
24. Иванов П.И, Зуфарова М.Е. Умумий психология – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2013. – 478 б.
25. Игнатъев Е.И., Н.С. Лукин, М.Д.Громов Психология. – Л.:Наука, 1980. – 287 с.
26. История итальянской литературы. Т. 1. М.: Прогресс, 1963. – 334 с.
27. Йўлдош Қ, Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Kamalak, 2016. – 464 б.
28. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.
29. Йўлдошев С. ва бошқалар. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент.: Шарқ, 2003. – 208. б.
30. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: Мухаррир, 2011. – 87 б.
31. Каримов Б. Бир мавзунинг турфа талқини. Оқтирноқ (тўплам). – Т.: Гафур Гулом, 2016. – 92 б.
32. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б.
33. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. (Биринчи китоб). – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
34. Каримов Ҳ. Истиқлол даври насри. – Т.: Zarqalam, 2007. – 95 б.
35. Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. Ленинград.: ЛОЛГУ, 1960. – 137 с.
36. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekston, 2009. – 448 б.
37. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Sharq, 2011. – 320 б.
38. Қахрамонов Қ. Адабий жараён ва эстетик талқин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2014. – 200 б.

39. Қахрамонов Қ. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 183 б.
40. Қахҳор А. Асарлар. 5 жилдлик, 5-жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 271 б.
41. Қодирий А. Ижод машаққати. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 16 б.
42. Қуронон Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Akademnashr, 2010. – 397 б.
43. Қуръони карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур).–Т.: Чўлпон, 1992. – 542 б.
44. Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Т.: Мухаррир, 2011. – 232 б.
45. Ғарб фалсафаси.(Тузувчи ва масъул мухаррир Қ. Назаров) – Т.: Шарқ, 2004. –720 б.
46. Литературная энциклопедия терминов и понятий. / Под.ред. Николонкин А.Н. – М.: НПҚ Интелвак, 2001. – 1600 стб.
47. Лук А.Н Психология творчества. – Л.:Наука, 1978. – 127 с.
48. Мейлах Б. Талант писателя и процесс творчества.– Л.: Наука 1969. – 120 с.
49. Мейлах Б.С. Психология процессов художественного творчества (сборник) – Л.: Наука 1980. – 320 с.
50. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 180 б.
51. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Т.: Фан, 2011. – 264 б.
52. Навоий А. Маҳбубул-қулуб .– Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.
53. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: Фан, 1993. – 120 б.
54. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Том 1. – М.: Мысль, 1990. – 829 с.
55. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Том 2. – М.: Мысль, 1990. – 829 с.
56. Номозов А. (туплаб нашрга тайёрловчи) Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 124 б.
57. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – 351 б.
58. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: Mumtoz so'z, 2008. – 313 б.

59. Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. – Т.: Turon zamin, 2015. – 319 б.
60. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Т.: Маънавият, 2000. – 112 б.
61. Пономарев Я.А. Психология творчества. – М.: Наука, 1976. – 304 с.
62. Психология процессов художественного творчества. Сб. Наука 1980. – 287 с.
63. Проблемы художественного творчесва. Критический анализ. М.: Наука, 1975. – 175 с.
64. Психология. Қисқача изоҳли луғат. Тузувчилар: М.Г. Давлетшен, Ё.Алимкулов, А. Убайдуллаев, У.Умаров, Ф. Алимова, С. Тўйчиева. Нашрга тайёрловчилар:С.Содиқоа, У. Умаров. Т.: н-рсиз, 1998. – 45б.
65. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
66. Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб... – Т.: Маънавият, 1998. – 63 б.
67. Раҳмат Р. Адабиётдан чиқиш – Т.: Akademnashr, 2015. – 128 б.
68. Румий Ж. Маънавий маснавий. Куллиёт. 1-жилд. – Т.: Шарқ, 1999. – 360 б.
69. Саидов А. Жеймс Жойснинг “Улисс” ини қандай ўқимок керак / Жойс Ж. Улисс. Роман. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 421 б.
70. Саифназаров И. Никитченко Г. Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 138 б.
71. Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. – Т.: Фан, 2007. – 118 б.
72. Содиқ С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Т.: Шарқ, 2005. – 320 б.
73. Сент-Бёв. Ш. Из работ разных лет (Определение «биографического метода») // Зарубежная эстетика и теория литературы XX-XX вв.(Тракты, статьи, эссе) –М.: Издательство Московского уневерситета, 1987. – 511 с.
74. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.:1969. – 468 с.
75. С чего начинается личность. М.: Изд. полит. лит., 1984. – 360 с.
76. Тамарченко Н.Д. // Теория литературы / Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003. – 288 с.

77. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 5 жилд. – 592 б.
78. Умберто Э. Поэтика Джойса. (Перевод с италянского и прочих Андрея Коволя) – Санкт-Петербург Симпозиум, 2006. – 490 с.
79. Умурзоқова Н. Поэтик образ ва маҳорат. – Т.: Фан, 2008. – 128 б.
80. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 120 б.
81. Фалсафа энциклопедик луғат.– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – 344 б.
82. Фрейд З. Художник и фантазирование. М.: Республика, 1995. – 134 с.
83. Фрейд З. Психология бессознательного. Сборник произведений. – М.: Просвещение, 1989. – 448 с.
84. Хамрақулова Х. Адабиётда ҳаёт мамот муаммоси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси , 2009. – 175 б.
85. Холдорев Д. Ижод моҳияти – услуб хосияти. – Т.: Tugon zamin ziyo, 2017. – 160 б.
86. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989. – 224 б.
87. Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Т.: Фан, 2009. – 387 б.
88. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 199 б.
89. Ҳамдамов У. Рухни уйғотувчи сўз. – Т.: 2017. – 404 б.
90. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърляти. –Т.: Adib, 2012. – 304 б.
91. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Т.: Фан, 2007. – 196 б.
92. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2003. – 638 б.
93. Шер А. Эстетика. – Т.: O'zbekiston, 2015. – 420 б.
94. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr, 2014. – 512 б.
95. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – 303 б.
96. Юнг К.Г. Тибетская "Книга мертвых". Психологический комментарий / Тибетская книга мертвых / Пер. с англ. О.Т. Тумановой. - М.: Фаир-Пресс, 2000. – 366 с.

97. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Транскрипсия ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилувчи Қаюм Каримов).– Т.: Фан, 1972. – 657 б.

III. Диссертация ва диссертация авторефератлар:

98. Авезова Г. Роман композициясининг бадиий яхлитликда тутган ўрни (Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романлари мисолида) : Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 2012. –136 б.

99. Досмуҳамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгилиниши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс. – Т., 1995. – 142 б.

100. Матякупов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 2006; – 138 б.

101. Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шоим Бўтаев, Назар Эшонқул қиссалари мисолида): Фалсафа док. (PHD)... дисс... – Т., 2017 – 147 б.

102. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: филология фанлари бўйича докторлик дисс. (DSc) авт. – Т., 2017. – 47 б.

103. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, У. Ҳамдам, Т. Рустам романлари мисолида): Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 2006; – 130 б.

104. Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph D) дисс. автореферати – Т., 2018. – 54 б.

105. Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 2006; – 135 б.

106. Сатторова Г. 90 йиллар ўзбек ҳикоячилигидаги миллий характер муаммоси (Ғ. Хотам, Х. Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул ҳикоялари мисолида): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 2002; – 131 б.

107. Султонов У. Чўлпоннинг адабий- эстетик қарашлари: Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 1995; – 128 б.

108. Тошмухамедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий - эстетик қарашлари : Филол. фан. номзоди... дисс. – Т., 2005; – 132 б.

109. Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси: Фалсафа док. (PHD)... дисс. – Т., 2018; – 154 б.

IV. Бадиий адабиётлар:

110. Навоий А. Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1991. – 238 б.

111. Навоий А. Танланган асарлар – Т.: SMI-ASIA, 2009. – 695 б.

112. Толстой Л. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – 852 б.

113. Ҳамдам У. Атиргул. шеърлар – Т.: 2005. – 224 б.

114. Ҳамдам У. Бир пиёла сув // Шарқ юлдузи. 2011. № 2. – 106 б.

115. Ҳамдам У. Ватан ҳақида кўшиқ. – Т.: Akademnashr, 2014. – 544 б.

116. Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 272 б.

117. Ҳамдам У. Ёлғизлик: қисса. – Т.: Қатортол-Камолот, 1998. – 84 б.

118. Ҳамдам У. Исён ва итоат. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 140 б.

119. Ҳамдам У. Кўзини очиб юмган одам // Шарқ юлдузи. 2011, №2. – 109 б.

120. Ҳамдам У. Мувозанат. – Т.: Шарқ, 2007. – 272 б.

121. Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Т.: Мухаррир, 2009. – 310 б.

122. Ҳамдам У. Тўлин ой қиссаси. Ҳикоялар. – Т.: O'zbekston, 2017. – 360 б.

123. Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. Қисса ва ҳикоялар – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 211 б.

124. Эшонқул Н. Шамолни тутиб бўлмади. Қисса ва ҳикоялар – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 204 б.

125. Эшонқул Н. Шафтоли гули. – Т.: O'zbekston, 2011. – 119 б.

126. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. – Т.: Шарқ, 2008. – 398 б.

V. Тўплам, газета ва журналлардаги мақолаларга ҳаволалар:

127. Норматов У., Раҳмат Р. Назария ва адабий жараён (суҳбат) // Жаҳон адабиёти. – №3. – Т., 2000. – 151-162 б.
128. Олимов М. Фожиавий пафоснинг айрим ўзига хосликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Т., 2005. – 3–8 б.
129. Раджапова Ф. Тун панжаралари – рамзий-фалсафий қисса // Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – №10. – Т., 2008. – 34–36 б.
130. Расулов А. Умри уволлар қиссаси // Шарқ юлдузи. №6. – Т., 1999. – 149–152 б.
131. Расулова У. Қиссалар таҳлили // Шарқ юлдузи. №7. – Т., 2016. – 149–152 б.
132. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. №4. – Т., 2006. – 10-16 б.
133. Рустамова М. Насрда руҳият тасвири // Шарқ юлдузи. №1. – Т., 2005. – 151-154 б.
134. Сатторова Г. Чўпчакдан муддао не? // Ёшлик. №9. – Т., 2012. – 151-154 б.
135. Улуғов А. Ўзгараётган адабиёт манзаралари // Шарқ юлдузи. №6. – Т., 1998. – 149-152 б.
136. Эшонқул Ж. Кафка ва биз // Ёшлик. №2. – Т., 2004. – 8-10 б.
137. Эшонқул Н. Тасаввурга дош берсанг бўлди... // Ёшлик. № 3. – Т., 2003, – 6-7 б.
138. Фром Э. Менинг эътиқодим. // Жаҳон адабиёти. № 5. 2003, – 143 б.
139. Қўчқорова М. Кундузги эртақлар // Тафаккур. № 1. – Т., 2017. – 44-56 б.
140. Қўчқорова М. Замонавий прозада руҳит талқини // ulug'bekhamdam.uz (18.04.2013)
141. Ҳамдамов У. Турфа ранглар уйғунлиги // ЎзАС. – Т., 2000. 29 сентябрь.
142. Яноух Г. Кафка билан суҳбатлар// Жаҳон адабиёти. № 4. Т., 2006,– 112 - 117 б.

VI. Интернет сайтлари:

143. <http://ziyoNet.uz>
144. <http://kitob.uz>
145. <http://ladyvenus.ru>
146. <https://ru.m.wikipedia.org>
147. <https://ulugbekhamdam.uz>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. ИЖОД ЖАРАЁНИДА МУАЛЛИФ ШАХСИЯТИ ВА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ ПАРАЛЛЕЛИЗМИ	
1.1. Ижодкор шахс ва эстетик позиция параллелизми.....	7
1.2. Бадиий ижод жараёнида туйғу ва тафаккур уйғунлиги.....	18
1.3. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари поэтик талқинни шакллантирувчи ижодий категория сифатида.....	29
I боб бўйича хулосалар	40
II боб. НАЗАР ЭШОНҚУЛ ИЖОДИДА БАДИИЙ ИДРОК ВА ТАНҚИДИЙ ТАФАККУР СИНТЕЗИ	
2.1. Ёзувчи “мен”и ижодий тамойиллар асоси сифатида.....	43
2.2. Назар Эшонқул насрида миллий маънавият, ижтимоий хурлик, шахс концепцияси талқини.....	64
2.3. Ижодий ният ва бадиий ифода параллелизми.....	77
II боб бўйича хулосалар	91
III боб. УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИНИНГ БАДИИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ	
3.1. Насрий ижодда илмий ва бадиий концепция муштараклиги.....	94
3.2. Ёзувчи асарларида умуминсоний ғоялар ва миллий қадриятлар талқини.....	112
III боб бўйича хулосалар	131
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	133
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	137

Бурхонова Феруза Абдураззоқовна

**АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШ ВА
ИЖОДИЙ ЖАРАЁН**

НАЗАР ЭШОНҚУЛ ВА УЛУҒБЕК ХАМДАМ ИЖОДИ МИСОЛИДА

Монография

Тошкент – “Innovatsiya-Ziyo” – 2020

Муҳаррир Холсаидов Ф.Б.

Нашриёт лицензияси АИ №023, 27.10.2018.

Босишга 30.09.2020 да рухсат этилди. Бичими 60x84.

“Times New Roman” гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 10. Нашр босма табоғи 9,25.

Адади 50 нусха.

